ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУМАЛИК КУЧКИНОВ

# БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ЭКОЛОГИК ТАРБИЯЛАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ



74.1.3
К-74

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУМАЛИК КУЧКИНОВ

# БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ЭКОЛОГИК ТАРБИЯЛАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

*Монография*

– 3843 –

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA
MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI CHIRCHIQ DAVLAT
PEDAGOGIKA UNIVERSITETI
AXBOROT RESURS MARKAZI

TOSHKENT
"FIRDAVS-SHOH"– 2022

УДК: 371. 3: 372. 361
КБК 84.3(5Ў)
К 74

**Кучинов А.Ю.**
Бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш технологиялари. [Матн]: Монография / А.Ю.Кучкинов. – Тошкент: "Firdavs-Shoh" нашриёти. 2022. – 114 б.

Монография Чирчиқ давлат педагогика университетининг 2022 йил 15-ноябрдаги Илмий техник кенгашида маъқулланган (2-сонли баённома) ва нашр этишга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир:
**Э.О.Турдикулов** – педагогика фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:
**Авазов Шериммат** – педагогика фанлари номзоди, профессор.
**Фариддун Очилов** – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори.

Мазкур монографияда бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялашнинг амалиётдаги ҳолати ва унга мажмуавий ёндашиш мезонлари ҳамда интеграллашган экологик тарбия технологиялари ёритиб берилган. Муаллиф ўқувчиларни интерфаол метод ва усуллар воситасида экологик тарбиялаш технологиялари, дарсдан ташқари машғулотларда ўқувчиларни экологик тарбиялаш технологиялари тизимини ишлаб чиққан.

Монография бошланғич синф ўқитувчилари, педагогика мутахассислиги магистрантлари ҳамда олий таълим муассасасида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар ва мазкур йўналишда изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар учун мўлжалланган.

ISBN 978-9943-8754-1-8

© А.Ю.Кучкинов, 2022
© "Firdavs-Shoh" нашриёти, 2022



# СЎЗ БОШИ

Жаҳонда замонавий экологик таълим институтлари бугун табиат билан чинакам инсоний муносабатларни шакллантириш, табиат билан инсоннинг янада кафолатланган ривожланишини таъминлайдиган ўзига хос ижтимоий-табиий ўлчовини аниқлаш ва хулқ-атвор меъёрларини ўзлаштириш масалаларига алоҳида устуворлик бермоқдалар. Халқаро педагогик ҳамжамият замонавий экологик таълимнинг етакчи вазифаси сифатида шахсни экологик фикрлашга ўргатиш тизимини яратиш ва ўқувчиларга экопедагогик таъсир кўрсатиш орқали экологик тарбиялаш механизмини такомиллаштириш устида изланишлар олиб бормоқда.

Дунё экотадқиқотлар тизимида экологик дунёқарашни миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўзаро муносабати, шахснинг табиатга эстетик муносабатини жамият экологик онги ва маданияти билан интегратив алоқадорлиги сифатида баҳолаш янгича методологик ёндашувларни ишлаб чиқиш имконини бермоқда. Шу сабабли ўқувчиларни экологик тарбиялаш жараёнида экотаълим технологиялар самарадорлигини оширишнинг дидактик таъминотини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда экоголик таълим "фанлараро мавзу" сифатида учта асосий тушунча – тизим, дунёқараш, келажак орқали таснифланиб, ўқувчиларда табиатга эстетик муносабат ва амалий кўникмалар шакллантирилади.

Янги Ўзбекистонни барпо этишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепсиясида белгиланган "аҳолининг экологик маданиятини ошириш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат органлари фаолиятининг ошкоралик даражасини ошириш ва фуқаролик жамиятининг ролини кучайтириш"[1] муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Ўзбекистоннинг иқлими ўзгариши бўйича Париж битимини амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар миллий режасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, 2019-2030 йилларда Ўзбекистоннинг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиялари, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги экологик ҳалокатларнинг олдини олиш вазифаларига эришиш каби улкан мақсадлар йўлида

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5863-сон фармони Тошкент, 2019 йил 30 октябрь.

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида янги давлат бошқаруви тизимини шакллантириш ҳамда ана шу мақсадга хизмат қилувчи бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш технологияларини такомиллаштириш заруратини тақозо этади.

Президент Ш.М.Мирзиёев БМТ Бош ассамблеясининг 75-сессиясида таъкидлаганидек, "Биз Орол бўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш ҳақида БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилишни таклиф этади. Ушбу муҳим ҳужжат тасдиқланган санани "Халқаро экологик тизимларни ҳимоя қилиш ва тиклаш куни" сифатида жорий қилиш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўларди"[2].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида" 187-сон қарори[3], Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги "Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 997-сон[4], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5712-сон фармонлари[5], Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги "Ўзбекистон Республикасида экологик таълимни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 434-сон қарори, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги янги таҳрирдаги "Таълим тўғрисида"ги Қонуни[6], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги "Илм-фанни 2030 йилгача Ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш

---

[2] «Халқ сўзи» газетаси № 202 24.09.2020 http://xs.uz/uz/site/newspaper?page=6

[3] Компетенсиявий ёндашув асосидаги Давлат таълим стандарти. -Т. 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон қарори.

[4] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги "Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 997-сон қарори.

[5] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" ги ПФ-5712-сон фармони.

[6] Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, "Халқ сўзи", №202 (7704). 24.09.2020 йил.



тўғрисида"ги ПФ-6097-сон фармони[7], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги "Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6108-сон фармони[8] каби меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Умумтаълим тизимида экологиянинг назарий асослари ҳамда экологик маданиятни шакллантиришга қаратилган билим, кўникма, малака ва компетенциялар мавжуд ўқув фанлари мазмунида узлуксизлик ва узвийлик принципи асосида берилиб, бошланғич таълим (I-IV синфлар) ва умумтаълим (V-XI синфлар) босқичларини ўз ичига қамраб олган яхлит мажмуага айланди. Жумладан, бошланғич синфларда ўқувчилар "Атрофимиздаги олам", "Табиатшунослик" каби ўқув фанлари доирасида сувни тежаш ва асраш, атмосфера ҳавосининг аҳамияти ва уни муҳофаза қилиш, ер ресурслари ва ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, чиқиндиларни йиғиш ва жойлаштириш, Ўзбекистоннинг бетакрор табиатини асраш, ўзи яшайдиган қишлоқ (ёки шаҳар) табиатини асрашда фаол иштирок этиши, Ўзбекистондаги қўриқхоналар ва табиат боғлари, шунингдек, Орол денгизи фожиаси тўғрисида умумий билим, малака, кўникма ва компетенцияларга эга бўлиши назарда тутилганки, булар бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш муаммосининг долзарблигини белгилаб беради.

---

[7] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097 сон фармони.

[8] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108 – сон фармони.

# I БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ЭКОЛОГИК ТАРБИЯЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

## 1.1. Бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш - педагогик муаммо сифатида

Табиат – инсоннинг моддий ва маънавий талабларини қондирувчи биринчи манба. Шу сабабдан табиат ва жамият ўртасидаги муносабатлар қадимдан то ҳозирги кунга қадар барчани қизиқтириб келган муҳим масалалардан асосийси ҳисобланади. Табиат деганимизда бутун борлиқ, турфа олам, сайёрамиздаги жонли ва жонсиз жисмлар тушунилади. Ернинг жонли қисмига инсон, ўсимлик, ҳайвонот дунёси ва микроорганизмлар, жонсиз қисмига ҳаво, сув ва тоғ жинси қатламлари мансуб. Улар бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқ.

Табиат – инсон учун гўёки бешик, бамисоли она қучоғи. Унинг бағри кенг, қалби эса инсон учун ҳамиша очиқ. У ўз саховати, ноз-неъматларини инсонлардан асло аямайди. Ер эса жамики бойликлар, ноз-неъматлар манбаи. Шу боис инсоният томонидан эъзозланиб, улуғланиб, она-Замин дея эътироф этилади. Бугунги кунда таҳдид солаётган энг катта муаммо – экологик ҳалокатнинг олдини олишда атроф-муҳитни меҳр-муҳаббат ва шафқат билан муҳофаза қилиш, эъзозлаш инсониятга ёрдам бериши мумкин.

Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси илми ҳамда амалиёти ўзига хос ривожланиш тарихига эга[9]. Бу тарихга мурожаат қилмасдан экологик таълим-тарбия мазмун-моҳиятини тушуниш қийин кечади. Шу сабабли биз тадқиқот ишимизда экология ва атроф-муҳит муҳофазасининг ривожланиш тарихини қисқача таҳлил қилишни лозим топдик.

Қадимги Хоразмда мил. авв. VII асрда битилган «Авесто»да атроф-муҳитдаги барча унсурларнинг бир-бирига боғлиқлиги ва мунтазам ўзгариб туриши, Қуёш (олов), ер, сув ва ҳавонинг табиатда, инсон ҳаётида тутган ўрни, уларнинг муқаддас неъмат эканлиги, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, уларни муҳофаза қилиш, деҳқончилик ва чорвачилик, тозалик ва соғлик-саломатлик, кўкаламзорлаштириш, атроф-муҳитга масъулиятли муносабатда

[9] Авазов Ш. «Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси" дарслиги 2-нашр. – Т.: «ILM-ZIYO», 2014. – 231 б.



бўлиш, умуман, инсон билан табиат ўртасидаги алоқадорликларнинг мазмун-моҳияти (қонун-қоидалари) турли жиҳатдан асослаб берилган. Бизгача етиб келган, дастлабки экологик билим ва тажрибалар жамланган бой меросдан нафақат Ўзбекистон, балки башарият равнақи йўлида фойдаланиш рўй бериши мумкин бўлган экологик таҳдидларнинг олдини олиш ёки уларни бартараф этишга хизмат қилади.

Қадимги Ҳиндистонда мил. авв. VI-V асрларда битилган «Махабхарата» ва «Рамаяна» каби эпосларда ҳайвонларнинг яшаш жойи, ҳаёт тарзи ва одамнинг улар билан муносабати ўз аксини топган. Қадимги Юнонистонда тирик организмлар ва атроф-муҳит ўртасидаги муносабатларни ўрганишга жиддий эътибор қаратилган.

Хусусан, Гекатий (мил. авв. 550-490 йй.) «Ер тавсифи» асарида табиат ва атрофдаги олам ҳақида тушунчалар берган. Эмпедокл (мил. авв. 490-430 йй.) олов, ҳаво, сув ва ерни табиатнинг асосий унсурлари сифатида ажратиб кўрсатган, ўсимлик билан муҳит ўртасидаги муносабатларни ўрганган. Платон (мил. авв. 429-347 йй.) ўз асарларида ўсимлик, ҳайвон ва одамлар, уларнинг яшаш шароити ва хусусиятлари ҳақида маълумотлар берган. Аристотель (мил. авв. 384-322 йй.) «Ҳайвонлар тарихи» асарида ҳаёт шароитларига боғлиқ ҳолда ҳайвонлар таснифини келтирган.

Феофраст ёки Теофраст (мил. авв. 370-288 йй.) «Ўсимликлар ҳақида тадқиқот»ида 500 га яқин ўсимлик турлари ва уларнинг унималарига тавсиф беради. Страбон (мил. авв. 64 милодий 23 й географик билимлар жамланган 17 жилд «География» китобини ёзади. Қадимги Римда эса Плиний (мил. авв. 79-23 йй.) «Табиат тарихи» асарида зоология, ботаника ва ўрмончиликка оид билимларни умумлаштиради.

Ўрта асрларда Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий- экологик мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти жуда катта бўлган. Ўрта Осиёлик машҳур мутафаккирлар, хусусан, Форобий (873-950 йй.) «Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи» асарида ўрта асрларда маълум бўлган 30 дан ортиқ фан, шу жумладан, табиат ҳақидаги фанлар, уларнинг таърифи ва аҳамиятини кўрсатиб берган. У «Инсон аъзолари ҳақида» рисоласида одамнинг руҳий ва жисмоний

ҳолати ташқи муҳит омиллари таъсирига бевосита ва билвосита боғлиқлигини исботлаган.

Беруний (973-1048 йй.) «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Геодезия», «Минералогия» каби асарлар ёзган. Аллома Ер юзаси, яъни ҳудудлар жуда узоқ давом қилган табиий-тарихий тараққиёт маҳсули эканлигини қайд этиб, жойнинг географик кенглиги ва узоқлигини аниқлаш усулини яратди. Беруний ҳудудларнинг геологик тарихи, тоғлар ва текисликлар, маъданлар ва фойдали қазилмалар, тоғ жинслари ва уларнинг емирилиши (нураши), Орол денгизи ва унинг пайдо бўлиши, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ўлик ва тирик табиат, одам ва атроф-муҳит, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги ҳақидаги муҳим қонуниятларни аниқлади.

Ибн Сино (980-1037 йй.) «Китоб уш-шифо» («Шифо китоби»), «Китоб ал-қонун фит-тибб» («Тиб қонунлари»), «Тадбир ул-манзил» («Турар жойнинг тузилиши») каби табиатшунослик ва тиббиётга оид асарлар яратди. Ибн Сино асарлари XII асрдан бошлаб Европада лотин ва бошқа халқлар тилларига таржима этилди ва жуда машҳур бўлди. Ҳатто буюк ботаник олим К. Линней (1707-1778 йй.) бир ўсимликни ибн Сино шарафига «Авиценния» деб атаган.

XVII асрдан бошлаб Европада англиялик физик-кимёгар Р.Бойль атмосфера босимининг ҳайвонларга таъсирини ўрганиб, илк экологик илмий-тажриба ўтказган, нидерландиялик олим А.Левенгук тирик организмларнинг озиқ занжири ҳамда популяциялар сонини ўрганган. Швейцариялик табиатшунос А.Трамбле тирик организмларнинг яшаш муҳити билан ўзаро муносабати ҳақида далиллар йиғиб, илмий асосланган илк маълумотлар тайёрлаган. Рус табиатшунослари С.Крашенинников, И.Лепёхин, француз табиатшуноси Ж.Бюффон ва швед табиатшуноси К.Линнейнинг монографик асарларида географик ҳамда биологик объектлар, ҳодисалар ва жараёнларга илк бор экологик ёндашув ўз аксини топди: ўсимликлар ва ҳайвонлар айрим гуруҳларга ажратилиб, уларнинг бир-бири ҳамда атроф-муҳит билан ўзаро муносабатлари ўрганилган; ҳайвонлар ва одам организмига ташқи муҳит, иқлим ва озиқланиш каби омилларнинг таъсири очиб берилган. Хусусан, К.Линней «Табиат тизими» асарида (1735 йй.) ўсимликлар ва ҳайвонларнинг илмий таснифини



келтирган, «Табиат иқтисодиёти» асарида (1749 йил) организмлар яшаш жойининг турларига тавсиф берган.

Немис кимёгари Ю.Либих чекловчи омиллар ҳақидаги қонунни (1840 й.) яратган, немис геоботаниги А.Гумбольт эса «Олам» асарида (1845 й.) ўсимлик ва ҳайвонларнинг географик тарқалишидаги зоналлик ва баландлик минтақаланиши қонунларини очган, «ландшафт» терминини фанга киритган. Бу даврда Ж.Ламарк ва инглиз аҳолишуноси Т.Мальтус одамларнинг табиатга таъсири туфайли юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатлар (юқумли касалликлар, очарчилик, урушлар ва ш.к.) ҳақида инсониятни илк бор огоҳлантирган.

XIX асрнинг 60-йилларидан кейин экологиянинг янги принциплари ҳамда илмий тушунчалари россиялик биолог К.Рулье, инглиз табиатшуноси Ч.Дарвин, россиялик зоолог Н.Северцов, рус тупроқшуноси В.Докучаев каби олимларнинг илмий ишлари ва монографик асарларида ўз аксини топган. Тирик организмларнинг абиотик ва биотик муҳит билан ўзаро муносабати масаласи (мавзуси) биологиянинг энг муҳим, алоҳида соҳаси эканлигини биринчи бўлиб немис табиатшуноси Э.Геккель тушунган ва уни экология (1866 й.) деб атаган.

XIX асрнинг 70-йилларида англиялик олим Г.Спенсер «Социологияни ўрганиш» асарида (1872 й.) одам экологиясига асос солган. Немис биологи Г.Йегер илк бор тиббий объектларга, жумладан, одам организмига экологик ёндашиб, жун газламалар (кийим-кечаклар) соғлиқни сақлаш воситаси эканлигини исботлаган. Австриялик геолог Э.Зюсс геология фанига «биосфера» терминини (1875 й.) киритган. Немис биологи К.Мёбиус эса «биоценоз» тушунчасининг моҳиятини (1877 й.) илмий асослаган.

XIX аср охирида немис врачи П.Эрлих иммунология (организмнинг юқумли касалликлар юқтирмаслиги, унинг кимёвий хусусиятлари ва қаршилик кўрсатиши ҳақидаги фан) асосларини ишлаб чиққан. Даниялик ботаник Э.Варминг «Ўсимликлар экологик географияси» асарида (1895 й.) биринчи марта ўсимликларга нисбатан «экология» терминини қўллаган, «ҳаётий шакл» тушунчасини фанга киритган. Немис табиатшуноси А.Шимпернинг «Физиологияга асосланган ўсимликлар географияси»да (1898 й.) экологик физиология асосида

ўсимликларнинг географик тарқалиши бўйича илк маълумотлар келтирган.

Экология XX аср бошида алоҳида биологик фан сифатида тўла-тўкис шаклланган. Бу даврда даниялик ботаник К.Раункиер Е.Варминг киритган тушунча асосида ўсимликларнинг ҳаётий шакллари ҳақидаги таълимотни (1903 й.) яратган. Америкалик зоолог В.Шелфорд чидамлилик қонунини (1911 й.) очиб, биогеографияга «биом» тушунчасини киритган. Рус биологи Г.Морозовнинг «Ўрмон ҳақида таълимот» монографик асари (1912 й.) ўрмон уюшмаларини ўрганиш бўйича энг мукаммал илмий ишлардан бири бўлган.

Кейинчалик америкалик зоолог Ч.Адамс экология бўйича илк умум-лашган маълумотларни (1913 й.) эълон қилган. Рус зоологи Г.Кожевников экология, генетика ва эволюция назариясига оид илмий натижаларни умумлаштириб, қўриқланадиган жойлар, уларнинг дахлсизлиги принципини ишлаб чиққан ва рус ботаниги И.Бородин билан биргаликда табиатни муҳофаза қилиш ҳаракатига (1912 й.) асос солганлар.

Рус тупроқшуноси Г.Висоцкий «экотоп» тушунчасини (1915 й.) ҳамда рус-поляк ботаниги И.Пачоский «фитоценоз» тушунчасини (1915 й.) фанга киритган. Австриялик геоботаник Х.Гамс «биоценология» – организмлар уюшмалари ҳақидаги фан эканлигини (1918 й.) асослаган. Рус табиатшуноси В.Вернадский биосфера ҳақидаги таълимотни (1926 й.) яратган.

Россиялик зоолог Л.Берг организмларнинг қонуний ўзгариб туриши эволюция жараёнининг асоси эканлигини (1926 й.) аниқлаган. Франциялик файласуф-табиатшунос Э.Леруа «ноосфера» тушунчаси моҳиятини (1927 й.) очиб берган. Америкалик экосоциолог Р.Маккензи одам экологияси ҳамда ижтимоий экология асосларини (1927 й.) ишлаб чиққан. Британиялик ботаник А.Тенсли «экологик система» («экологик тизим») тушунчасини (1935 й.) фанга киритган. Америкалик ботаник Ф.Клементс «экотон» тушунчасига, В.Шелфорд билан биргаликда эса «биоэкология» тушунчасига таъриф бериб, шу номда монография ёзган. Германиялик географ К.Тролль янги илмий йўналиш – «Ландшафтлар экологияси»ни (1939 й.) асослаган. Рус геоботаниги В.Сукачев «биогеоценоз» терминини таърифлаб (1940 й.), биогеоценологияга (1942 й.) асос солган.



Бу даврда Ўзбекистонда зоолог Д.Кашкаров ва ботаник Е.Коровин Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) негизида собиқ Иттифоқ ва жаҳонда донғи чиққан экология-география илмий мактабини яратган. Д.Кашкаров табиатни муҳофаза қилиш, қўриқхоналар ташкил этиш (1930 й.) ҳамда Туркистон ўлкасида сайғоқларни қирилиб кетишдан ҳимоя қилиш (1931 й.) ташаббуслари билан чиққан, «Экология ва биоценология журнали» («Журнал экологии и биоценологии») асосчиларидан (1931 й.) бири бўлган. Д.Кашкаров ва Е.Коровин томонидан «Муҳит ва уюшма» (1933 й.), «Чўл ҳаёти: экология ва чўлни ўзлаштиришга кириш» (1936 й.), «Ҳайвонлар экологияси асослари» (1944 й.) каби илк маҳаллий дарслик ва илмий асарлар чоп этилган.

Одам XX аср ўрталарида қудратли геологик кучга, унинг ақлий фаолияти эса биосфера эволюциясининг асосий, ҳал қилувчи омилига айланган. Табиат ва жамиятнинг ўзаро муносабатида янги – индустриал жамият бошланиши билан экология фани мажмуали фанга айлана бошлаган.

Экология фани мазмунан кенгайиб, табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳақидаги фанларни ўз ичига қамраб олган мажмуавий фанга айланган. Бу фан атроф-муҳитга алоқадор бўлган геологик, географик, кимёвий, физикавий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва ҳуқуқий тушунчаларни ҳам ўзида мужассам қила бошлаган. Натижада, экология фани ҳаёт ва биосферанинг ташқи ва ички омиллар таъсирида изчил ўзгарувчан барқарорлиги ва унинг таъминланиш тузилмасини ўрганувчи фанга айланди.

Бу даврда америкалик олимлар экология фани ривожига катта ҳисса қўшдилар. Хусусан, эколог олим Ю.Одум экология бўйича янги дарслик (1953 й.), яъни «Экология асослари»ни яратди, назариячи олим Д.Медоуз одам популяциясининг ўсиши ва табиий ресурсларнинг тақчиллиги муаммосини (1968 й.) тадқиқ этиб, глобал экология ғоясини илгари сурди. Жаҳонга машҳур эколог Б.Коммонер экологиянинг 4 та асосий қонунини ҳикматли сўзлар кўринишида (1971 й.) таърифлади:

«ҳамма нарса бир-бирларига боғлиқ» (экологик тизимларнинг яхлитлиги, бир бутунлиги); «ҳамма нарса қаёққадир силжийди» (биосферада анорганик ва органик моддаларнинг ёпиқ айланма

ҳаракати); «табиат зўр билгувчи» (одамнинг табиат билан яқин, табиий тизимлар билан жуда эҳтиёткор муносабатда бўлиши лозимлиги); «ҳеч нарса бекорга берилмайди» (ҳар бир янги ютуқ олдинги натижанинг муқаррар равишда йўқолиши билан бирга кечиши).

Шунингдек, ботаник Р.Уиттекер «Уюшмалар ва экотизимлар» монографик асарида (1975 й.) «биологик хилма-хиллик», «экологик маскан», «биомасса», «маҳсулдорлик», «фитоценоз» каби тушунчалар орқали уюшма ва экотизимларга тавсиф берган. Экопедагог Т.Миллер асосий экологик концепциялар, аҳоли сонининг кўпайиши, табиий ресурслардан тўғри фойдаланиш, атроф-муҳитнинг ифлосланиши каби масалалар бўйича экологик илм-маърифатни ривожлантирди.

Мазкур даврда немис файласуфи (врач) А.Швейцар экологик этика (1954 й.) таълимотини, италиялик олим (менежер) А.Печчеи инсоният тараққиётининг глобал муаммоларини тадқиқ қилувчи Рим клуби асосчиси (1968 й.) сифатида барқарор тараққиёт концепциясини яратди. Ҳозирги кунда бу концепция мазмунан такомиллашиб, жаҳоннинг деярли барча мамлакат-лари, жумладан, Ўзбекистонда ҳам барқарор ривожланиш учун таълим бўйича БМТ Бош Ассамблеясининг «2005-2014 йилларда Барқарор тараққиёт таълими ўн йиллиги тўғрисида»ги резолюцияси ва БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг барқарор тараққиёт таълими бўйича стратегияси доирасида изчил ишлар олиб борилмоқда. Бу босқичда россиялик биолог олимлар: С.Шварц ҳайвонлар популяцияси ва адаптацияси омилларининг вужудга келиши, Н.Реймерс аутэкология, популяциялар ва одам экологияси, Н.Дубинин атроф-муҳит ифлосланиши ва унинг генетик оқибатлари, А.Яблоков ҳайвонлар экологияси ва тирик табиат муҳофазаси каби масалаларни тадқиқ қилдилар. А.Исаченко ландшафтлар, геоэкология ва табиатдан фойдаланиш, К.Лосев атроф-муҳит барқарорлиги ва унинг биотик тартибга солиниши каби мураккаб экологик масалаларни ўргандилар. Шу билан бирга, россиялик математик Моисеев антропоген таъсир шароитида биосфера барқарорлигининг математик моделини, физик Ю.Израэль одам фаолияти таъсирида атроф-муҳит ҳолати ўзгаришини назорат қилиш тизимини вужудга келтирди. Физик олим В. Горшков ҳаёт барқарорлигининг (экологиянинг) физик ва биологик асосларини,



файласуф Э.Гирусов табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг методологик асосларини ишлаб чиқишди.

Ўзбек биологлари; усан, Т.Зоҳидов “Ўрта Осиёнинг табиати ва ҳайвонот дунёси” (1969 й.) ҳамда “Қизилқум чўли биоценозлари” (1971 й.) монографик асарларида умуртқали ҳайвонлар экологияси ва чўл биоценозлари, А.Музаффаров «Ўрта Осиё сув ҳавзаларининг сув ўтлари флораси» монографик асарида (1965 йй) сув ўсимликлари экологияси, К.Зокиров «Зарафшон дарёси ҳавзасининг флораси ва ўсимликлар қоплами» монографик асарида (1955 й.) чўл, адир, тоғ ва яйлов ўсимликлари экологияси, ўсимликлар қоплами ва уларни экологик тоифалаштириш, М.Мухамеджанов маданий экинлар (ғўза) экологияси, А.Эргашев генетик ва экологик хавфсизлик масалаларининг муҳим принциплари ва қонуниятларини аниқлади. Ў. Пратов гулли ўсимликларнинг 20 дан ортиқ янги тури, уларнинг биологияси ва экологиясини ўрганди, «Ўзбекистон Республикаси Қизил Китоби. Ўсимликлар ва замбуруғлар» нашрига раҳбарлик қилди.

Ўзбек географлари: З.Акрамов табиий ресурслардан фойдаланиш, уларни сақлаш ва қайта тиклаш, А.Рафиқов Орол денгизи ва Оролбўйидаги экологик вазият, чўлга айланиш жараёнлари ва экологик хариталар, Х.Ваҳобов тоғ-кон саноати ландшафтлари ва уларнинг рекультивацияси, П.Баратов табиий ресурслар ва табиатни муҳофаза қилиш, А.Абулқосимов антропоген ландшафтлар экологияси, Л.Алибеков чўлланиш жараёни ва унга қарши кураш, Ф.Ҳикматов сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, А.Қаюмов табиатдан фойдаланиш ва унинг экологик асослари, Қ.Абирқулов иқтисодий экология асослари, А.Нигматов техноген бузилган ерлар, уларнинг мелиорацияси ва рекультивацияси, С.Аббасов Қизилқум ландшафтлари ва уларнинг геоэкологик жиҳатлари, Н.Комилова тиббий-географик шароитлар ва аҳоли саломатлиги, Н.Турдимамбетов нозоэкологик вазият ва аҳоли саломатлиги, Ш.Шарипов табиатни муҳофаза қилишда геоэкологик ёндашув каби муаммолар бўйича тадқиқот ишларини олиб борганлар. Шунингдек, «Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармасининг биринчи раҳбари, файласуф Ю.Шодиметов токсикология (заҳарли моддалар, уларнинг организмлар ва экотизимларга таъсирини ўрганувчи фан), соғлом турмуш тарзи

ҳамда ижтимоий экология асосларини, ҳуқуқшунос Ж.Холмўминов эса экология ҳуқуқининг турли жиҳатларини атрофлича тадқиқ қилдилар.

Таъкидлаш жоизки, ўтмишда биология фанининг алоҳида тармоғи сифатида пайдо бўлган экология бугунги кунда катта ижтимоий аҳамият касб этмоқда. Демак, экологиянинг ривожланиш тарихида бир-бирига ўхшаш икки жараён биргаликда давом қилган:

бир томондан, тирик организмларнинг атрофдаги муҳит омиллари билан ўзаро алоқадорлиги ҳар жиҳатдан чуқур ўрганилиб, биология фанининг асосий йўналишларидан бири сифатида биологик экология жадал ривожлана бошлаган; иккинчи томондан, одамнинг маиший-хўжалик фаолияти (антропоген таъсирлар) туфайли тирик организмларнинг ҳаётий макони, яшаш шароитлари жиддий ўзгариб, у ёки бу турдаги организмларнинг йўқолиб кетиши, камайиши ёки бирданига кўпайиши кузатила бошланган.

Айнан иккинчи жиҳат табиатни муҳофаза қилишнинг пайдо бўлишига туртки бўлган. Унинг предмети – табиат ва жамият ўртасида ўзаро мақбул муносабатлар ўрнатиш, табиат ва маданиятни ўзаро бирлаштириш жараёнлари ҳисобланади. Бунда табиат инсон таъсирини ўзида сезмаган жонсиз (абиотик) ва жонли (биотик) таркибий қисмлар мажмуи сифатида, маданият эса инсон фаолияти, унинг ташкил этилиши, кишиларнинг табиат билан ўзаро муносабати усуллари сифатида қараб чиқилади.

Юқорида қайд этилган икки илмий билимлар тармоғи ва уларнинг жадал ривожланиши инсон фаолиятининг табиатга таъсири глобал), минтақавий ва локал маҳаллий кўламга эга эканлигини англашга имкон берган. Бироқ шунга қарамай, жамиятнинг ижтимоий-экологик онги ўта суст ривожланган – етарлича шаклланмаган. Бунинг сабаби шундаки, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси фанларида эришилган илмий ютуқлар ҳар бир кишининг, омманинг шахсий мулкига айланмаган, натижада одамлар ўзларини ўзгарувчан муҳитга мос тарзда идрок этолмаган, уларда атроф-муҳит ҳолатига мувофиқ экологик дунёқараш вужудга келмаган. Айнан шу вазифалар фақат экологик маърифат доирасида ижобий ҳал этилиши мумкинлиги аён бўлган ҳамда педагогика назарияси ва амалиётида мазкур йўналиш илдам ривожлана бошлаган.



Дунё мамлакатларида экологик илм-маърифат воситасида табиатга, атроф-муҳитга масъулиятли муносабатни шакллантириш жараёни илдам кечаётган бўлса-да, жадал ривожланаётган ижтимоий ва илмий-технологик тараққиёт туфайли биосферада экологик мувозанат бузилиб, маҳаллий ва минтақавий қамровдаги экологик муаммолар кун сайин ошиб бормоқда. Агар бу муаммолар ўз вақтида бартараф этилмаса, табиат ва кишилик жамияти қачонлардир, охир-оқибат, экологик танглик (таназзул) гирдобига тушиб қолиши мумкин. Шу сабабли замонавий ижтимоий-экологик муаммоларни амалий ҳал этишда экологик илм-маърифат ва касбий фаолиятнинг барча турларини мумкин қадар экологиялаштириш алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Бироқ бугунги кунда, бу масаланинг ўта долзарблигига қарамай, экология ва атроф-муҳит муҳофазасининг "шуҳрати" ва унга бўлган ижтимоий эҳтиёжлар негадир камайгандек, бошқарув органлари ва таълим муассасаларида уни ривожлантиришга бўлган қизиқишлар нисбатан сусайгандек таассуротлар пайдо бўлмоқда. Лекин шундай бўлса-да, экологик илм-маърифат долзарб муаммолардан бири сифатида сақланиб қолмоқда.

Ўтган аср охирида экологик таълим-тарбия назарияси ва методикасини ишлаб чиқишдаги дастлабки қадам табиатни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этишга йўналтирилган, уларнинг табиатни муҳофаза қилиш фаолияти эса унинг асосий мазмунига айланган. Бироқ табиатни муҳофаза қилиш таълим-тарбияси, ўша пайтдаги тажрибалар кўрсатганидек, одамнинг табиатга уйғун муносабатини шакллантиришда муҳим ўрин тутмаган[10].

Шунингдек, мустақиллик йилларида экологик таълим-тарбия назарияси ва методикаси мазмунан қайта кўриб чиқилиб, унинг турли жиҳатларига оид умумдидактик қонуниятлар, принциплар ишлаб чиқилган бўлса-да, экологик таълим-тарбия, экологик онг ва маданиятни шакллантириш жараёнларининг мазмун-моҳияти, уларнинг тузилмаси ва ўзаро боғлиқлиги масаласи назарий-методологик, илмий-педагогик жиҳатдан тўлиқ, тизимли ўрганилмаган. Агар одамнинг ўз-ўзига, бошқа кишилар ва атроф-муҳитга бўлган муносабати экологик онг ва маданият нуқтаи

[10] Avazov Sh., Saydamatov F. Ekologiya va atrof-muhit muhofazasi. Kasb-hunar kollejlari uchun darslik (4-nashri). – T.: «ILM ZIYO», 2017. — 232 b.

назаридан таҳлил этилса, экологик таълим-тарбия назарияси ва методикасини тубдан қайта кўриб чиқиш зарурияти пайдо бўлади. Бу зарурият, табиийки, самарали экологик таълим-тарбия тизимини вужудга келтиради.

Демак, экология, табиатдан фойдаланиш, атроф-муҳит муҳофазаси ва барқарор тараққиёт соҳасидаги таълим-тарбиянинг муҳимлиги – инсоният олдидаги инкор қилиб бўлмайдиган ўта долзарб муаммо эканлиги билан тавсифланади.

Табиатдан фойдаланиш – жамиятнинг моддий ва маънавий-маданий эҳтиёжларини қондириш мақсадида табиий шароит ва ресурслар хилма-хиллигидан фойдаланиш шакллари ва уларни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари мажмуи. Табиатдан фойдаланиш бўйича ҳар бир тадбир уни муҳофаза қилиш билан бирга қўшиб олиб борилгандагина атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш мумкин бўлади[11].

Табиатдан тўғри ва нотўғри фойдаланиш фарқланади. Табиатдан тўғри фойдаланиш - унинг қонунларини ҳисобга олган ҳолда, жамиятнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларига мувофиқ қайта ўзгартириш, табиий ресурслардан тежамли фойдаланиш, уларни асраш ва қайта тиклаш демак. Аксинча бўлса, табиатдан нотўғри фойдаланиш рўй беради. Табиатни муҳофаза қилиш – табиатдан фойдаланишнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Табиатни муҳофаза қилиш – ҳозирги ва келгуси авлодлар манфаатлари йўлида табиий ресурслар ва табиий муҳитни, жумладан, ер, ер ости бойликларини, флора ва фаунада турлар хилма-хиллигини, сув ва ҳавонинг тозалигини сақлаш, тўғри фойдаланиш ва қайта тиклашга йўналтирилган, илмий асосланган маҳаллий, давлат ва халқаро чора-тадбирлар мажмуи.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш – инсониятнинг соғлом яшаши ва фаолият кўрсатиши муҳитини, яъни табиий, табиий-антропоген ва антропоген объектларни, экологик тизимларни ва табиий ресурсларни сақлаш, қайта тиклаш ва улардан тўғри фойдаланишга, одам фаолиятининг атроф-муҳитга салбий таъсирини чеклашга, маҳаллий ва минтақавий қулай шароитларни бир маромда сақлаб, шахснинг атроф-муҳит билан ўзаро

[11] Авазов Ш. «Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси" дарслиги 2-нашр. – Т.: «ILM-ZIYO», 2014. – 231 б.



муносабатини уйғунлаштириш ва экологик эҳтиёжларини қондиришга қаратилган барча чора-тадбирлар мажмуи.

Бугунги кунда экология, табиатдан фойдаланиш, атроф-муҳит муҳофазаси ва барқарор тараққиёт соҳасидаги таълим-тарбия нафақат Ўзбе-кистонда, балки жаҳонда устувор масалалардан бирига айланган. Экология, табиатдан фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари алоҳида мақсад-мазмунга эга бўлиб, экология – табиатдан фойдаланиш атроф-муҳит муҳофазасининг назарий асоси ҳисобланади. Бу учта муштарак тушунча экологик хавфсизликни, яъни одам ва тирик мавжудотлар ҳаётининг экологик ҳимоясини таъминлашга хизмат қилади ҳамда бу борадаги таълим-тарбия мазмунида ўз ифодасини топади.

Табиатдаги барча тирик мавжудотларга масъулиятли муносабатда бўлиш ғояси тарихан шаклланган ва ривожланиб келган. Шунга қарамасдан, табиат ва атроф-муҳитдаги экологик мувозанат бузилиб, маҳаллий, минтақавий ва умумбашарий экологик муаммолар вужудга келмоқда. Агар бу муаммолар ўз вақтида бартараф этилмаса, охир-оқибат, табиат ва кишилик жамиятини экологик таназзул гирдобига олиб келиши мумкин. Шу сабабли экологик таълим-тарбия воситасида экологик онг ва маданиятни шакллантириш долзарб масалалардан бирига айланган. Ўзбекистонда Экологик ҳаракатнинг вужудга келиши ва унинг фаоллашуви шундан далолат.

Экологик илм-маърифат – тизимлаштирилган экологик билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ўзлаштириш жараёни ва натижаси бўлиб, унинг мақсади шахс ва жамиятда экологик онг ва маданиятни шакллантиришдан иборат. Бошқача айтганда, экологик илм-маърифат – бу одамни экологик қонуниятларга мувофиқ ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашнинг зарурий шарти бўлиб, тизимлаштирилган экологик билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ўзлаштириш жараёни ва натижаси. Экологик маърифат ўз ичига ЭТ ва экологик таълим жараёнларини қамраб олади.

Экологик таълим – экологик маърифатнинг таркибий қисми сифатида шахсда экологик билим, кўникма, малака ва компетенциялар ҳосил қилиб, уни экологик саводли, ўқимишли қилади. Бошқача айтганда, экологик таълим – экологик билим, кўникма, малака ва компетенциялар шаклланиши, яъни шахснинг



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI
AXBOROT RESURS MARKAZI

ақлий-интеллектуал ривожланиши билан боғланган бўлади. Экологик таълим вазифалари билиш жараёни билан алоқадор бўлиб, экологик онг, экологик тафаккур, экологик дунёқараш каби тушунчаларда ўз аксини топади.

ЭТ – экологик маърифатнинг таркибий қисми сифатида шахснинг экологик эҳтиёжлари, қизиқишлари, эътиқодлари билан боғлиқ бўлиб, экологик қоидалар, йўл-йўриқлар воситасида тўғри экологик мўлжал олишини таъминлайди. Бошқача айтганда, ЭТ – бу шахсни экологик талабларга мувофиқ ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маданий ҳаётга тайёрлаш мақсадида унинг маънавий ва жисмоний камолотига тизимли ва мақсадли таъсир кўрсатиш жараёни. ЭТ вазифалари экологик қадриятлар билан алоқадор бўлиб, экологик маданият, экологик масъулият, ЭТланганлик тушунчаларида ўз аксини топади.

Мамлакатимиздаги узлуксиз таълим муассасаларида экологик таълим-тарбияга эътибор кучайтирилиб, шахс ва жамиятнинг табиатга, атроф-муҳитга янгича муносабатини вужудга келтириш, уларда экологик онг ва маданиятни шакллантириш вазифалари қўйилган. Одам экологик илм-маърифат воситасида жамият экологик маданиятини у ёки бу даражада эгаллаб олади. Атроф-муҳитга кўрсатилаётган салбий таъсирларнинг олдини олиш ёки уларни бартараф қилиш – экологик маданиятнинг асосий кўрсаткичи. Шахснинг экологик маданияти унинг ЭТланганлигини ҳам ифодалайди.

Экологик маданият – одамларнинг экологик маданий хулқ-атвори ёрдамида табиат билан ўзаро муносабатдаги ўзгарувчан мувозанатни сақлаб қолиш учун жамиятга оммавий жорий этилиши мўлжалланган умуммаданий экологик билимлар, қадриятли мўлжаллар, хулқ-атвор қоидалари ва меъёрлари каби фазилатлар мажмуини ўз ичига олади. Бошқача айтганда, экологик маданият – шахснинг ўз организмига, бошқа тирик организмларга ва атроф-муҳитга масъулиятли муносабати. Ҳар бир одам экологик маданиятли бўлиши учун, аввало, илмий экологик билимларни, кейин ахлоқий-экологик қадриятларни ва ниҳоят, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича амалий кўникма ва малакаларни ўзлаштириб олиши зарур бўлади.

Экологик онг – экологик тафаккур ва экологик маданият билан узвий боғланган; экологик тафаккур – агар у ўқувчида



махсус ташкил этилган ўқув-билиш фаолияти билан шакллантирилса, экологик онгни ишга солиши, ишлатиши мумкин бўлган воситага айланади. Экологик маданият экологик онг туфайли вужудга келадиган инсоний фазилат.

Барқарор тараққиёт – атроф-муҳитга таъсирлар биосферанинг хўжалик сиғимлари доирасида бўладиган, одамларнинг яшаш шарт-шароитлари яхшиланадиган, шундай экан, инсоният фаолиятининг табиий асослари бузилмайдиган жамият тараққиёти.

Барқарор тараққиёт ғоясининг мақсади – келажак авлод эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда табиат ва жамиятнинг ўзаро узвий боғланган ижтимоий ва иқтисодий экологик тараққиётини уйғун, бир маромда таъминлашдан иборат. Бу эса барқарор тараққиётга хизмат қиладиган самарали илм-маърифат тизимини тақозо этади ва бу тизимда фаолият кўрсатаётгани ҳар бир ходимдан қуйидагилар талаб этилади: дунёнинг илғор, ривожланган мамлакатларида тан олинган барқарор тараққиёт борасидаги илм-маърифат тизими билан билан яқиндан танишиш; экологик илм-маърифат – барқарор тараққиёт борасидаги илм-маърифатнинг асосий, ажралмас таркибий қисми эканлигини тушуниш; илм-маърифатга ноанъанавий ёндашувлар асосида барқарор тараққиёт борасидаги илм-маърифат мазмуни, воситалари ва шаклларини ўзлаштириш; таълим муассасаларидаги илмий-маърифий (таълим-тарбиявий) жараёнда ўқувчиларнинг барқарор тараққиёт борасидаги дунёқарашини узлуксиз шакллантириб бориш.

Барқарор тараққиёт борасидаги илмий-маърифий вазифалар атроф-муҳит, ва ижтимоий тараққиёт иқтисодий ривожланишга нисбатан лоқайдликни бартараф қилишга, онгли муносабатни шакллантиришга йўналтирилган. Шу сабабли, барқарор тараққиёт борасидаги илм-маърифат мазмуни қуйидаги экологиянинг таркибий қисмини ўз ичига олиши мумкин: экология асослари; атроф-муҳитга антропоген таъсирлар; табиатдан тўғри фойдаланиш; атроф-муҳит ҳимояси; экологик ҳуқуқ ва экологик иқтисодиёт асослари; экологик онг ва маданиятни шакллантириш; атроф-муҳит соҳасидаги ҳалқаро ҳамкорлик ва ҳ.к.

XXI аср – осойишта кечаётган экологик инқилоб асри бўлиб, унинг мақсади – Ер сайёрасини, сиз билан биз яшаётган она-Заминни омон сақлаб қолишдан иборат. Нур, яшиллик ва оқиллик –

табиат ва инсоният халоскори. Табиат – бизнинг онамиз, у бизни дунёга келтирган, биздан кучли ва шундай бўлиб қолаверади. Биосферанинг бузилиши нафақат лоқайд одамлар, балки кўпроқ олий маълумотли, бошқарув тизимидаги шахслар фаолияти маҳсулидир. Бизнинг табиатга нисбатан ножўя хатти-ҳаракатларимиз туфайли у азият чекмоқда, уни соғломлаштириш – биздан чуқур билим ва донишманд-ликни талаб қилади.

Биз "одам – олий қадрият, у табиатнинг эгаси" қабилида фикрлашдан бутунлай воз кечишимиз ва "табиат ва инсон бирлиги, одам ва табиатнинг уйғун ривожланиши – олий қадрият, одам – табиатнинг эгаси эмас, балки унинг таркибий қисми" қабилида янгича экологик фикрлашга ўтишимиз, ўзимиз яшаётган атроф-муҳитни чуқур билишимиз, бунинг учун экологик илм-маърифатли, яъни экологик саводли, онгли, тафаккурли, масъулиятли ва маданиятли бўлишимиз шарт.

Демак, экология, табиатни муҳофаза қилиш ва унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш муаммоси тизимли бўлиб, у тарихий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа жиҳатларни ўз ичига олади. Булар орасида педагогик жиҳат ўзининг муҳимлиги ва биринчи даражали аҳамиятга эгалиги билан ёрқин намоён бўлади.

Атроф-муҳит муҳофазаси, биринчи навбатда, ёш авлодга тўғри экологик таълим-тарбия берилишига боғлиқ. Бундай экологик таълим-тарбия орқали уларда жонли ва жонсиз табиатни эъзозлаш ҳис-туйғуси уйғотилиши лозим. Айнан экологик таълим-тарбия жараёни ўқувчиларни табиатни эъзозлаш руҳида шакллантиришнинг педагогик асоси ҳисобланади.

Энг муҳим масала – жамиятнинг, аҳолининг экологик маданиятини шакллантириш. Албатта, бундай кенг кўламли муаммони фақат маъмурий йўл билан ҳал этиб бўлмайди; бунга ёш авлод қалбида она-Табиатга меҳр-муҳаббат, унга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш орқали эришиш мумкин[12].

Тадқиқот иши жараёнида бошланғич синф ўқувчилари экологик тарбиялаш (кейинги ўринларда – БСЎни ЭТлаш) сўзларидан қуйида баён этилган холда унумли фойдаланилди. Гап айнан БСЎни ЭТ ҳақида кетмоқда-ки, бу тизим умумтаълим

[12] Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент: "Ўзбекистон" НМИУ, 2017. – 570 б.



мактаблари шароитида, ишнинг кириш қисмида таъкидлаб ўтилганидек, бошланғич таълим (I-IV синфлар) ва умумтаълим (V-XI синфлар) босқичларини ўз ичига қамраб олган яхлит мажмуа сифатида шаклланмоқда.

Биз тадқиқот ишимиз мақсадидан келиб чиққан ҳолда, "БСЎни ЭТлаш" тушунчаси ва моҳиятини, уни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритамиз. ЭТ – БСЎни тарбиялашнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, болаларда атрофдаги табиат тўғрисида онгли тасаввурни шакллантиради, уларда атроф-муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш ва унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш зарурлигига ишонч-эътиқодни вужудга келтиради. Тўғри ташкил этилган ЭТ болаларда билиш жараёнлари ривожланишига, шунингдек, дунёнинг яхлит манзарасини шакллантиришга ва атроф-муҳитга ҳурмат билан эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ёрдам беради.

Ҳозирги вақтда БСЎга ЭТ жараёни тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Энди ЭТга олдинги йиллардаги каби расмий эмас, балки амалий мурожаат қилинмоқда. Бунинг сабаби шундаки, замонавий таълим парадигмалари доирасида БСЎда экологик маданият ва экологик компетенцияларни шакллантириш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Бошланғич синфлардаги ЭТ болалар томонидан қуйидаги билим, ва кўникма, малака ва компетенциялар эгалланишини назарда тутади:

1) табиат, табиат ҳодисалари, шунингдек, у билан боғлиқ бўлган баъзи далиллар тўғрисида муайян билимлар мажмуига эга бўлиш; 2) табиат ҳодисалари ўртасидаги ўзаро алоқалар ва боғлиқликлар занжирини аниқлай олиш; 3) жонли ва жонсиз табиатнинг барча хилма-хиллигини умумий маънода билиш; 3) табиатнинг ҳар бир одам ва бутун инсоният ҳаётида тутган ўрнини англаш; 4) атроф-муҳит муҳофазасида ўзининг тутган ўрнини тушуниш.

БСЎни ЭТ қуйидаги мақсадларга асосланади:

1. БСЎда табиат ва унинг инсон ҳаётидаги аҳамияти тўғрисида яхлит тасаввурларни шакллантириш. 2. Ҳар бир ўқувчида атрофдаги олам қандай яратилган бўлса, шундай идрок этиш, унинг гўзаллиги ва ўзига хослигини англаш кўникмаларини ривожлантириш. 3. Ҳар бир ўқувчида атрофдаги оламни билиш

кўникмаларини ривожлантириш. 4. БСЎни табиат ва атроф-муҳитга ҳар томонлама ахлоқий ва эстетик муносабатга жалб этиш. Демак, ЭТ – БСЎни умумий тарбиялашнинг муҳим таркибий қисмларидан бири.

БСЎнинг ЭТини ташкил этишда барча ўқув фанлари, айниқса «Атрофимиздаги олам» ва «Табиатшунослик» таълими, шунингдек, ўқувчиларнинг дарсдан ташқари фаолияти энг самарали ташкилий шакллар ҳисобланади. Бунда ўқувчиларни ЭТлаш методлари ва воситаларини тўғри танлаш муҳим аҳамият касб этади. Энг аввало, ЭТ БСЎнинг ёш имкониятлари ва эҳтиёжларига мос келиши, шунингдек, унда болаларнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олиниши керак бўлади. Бундан ташқари, ўқитувчи шуни эсда тутиши керакки, БСЎ учун етакчи фаолият ўйин бўлиб, у ўқиш каби болаларда атрофдаги оламни ўрганиш ҳамда у ҳақдаги билимларни ўзлаштириш мотивациясини шакллантиришга ёрдам беради. Болаларни дарсдан ташқари ишларда тарбиялашнинг турли хил методлари ва воситаларидан фойдаланган ҳолда БСЎни ЭТлаш вазифаларини ҳал этиш мумкин.

Дарсдан ташқари фаолият – бу ўқитувчи томонидан турли хил таълимий ёки тарбиявий мақсадларда ўқув машғулотларидан ташқарида ташкил этиладиган ишлар. БСЎ дарсдан ташқари фаолиятда атрофдаги табиий муҳитни ўрганиш (кузатиш, экскурсиялар, сайр-саёҳат ва ш.к.) имкониятига эга бўладилар. Бундан ташқари, БСЎ дарсдан ташқари фаолиятда нафақат экологик билимлар олиш ёки уларни кенгайтириш, балки турли хил экологик қарорларни мустақил қабул қилиш тажрибасини тўплаш имкониятига ҳам эга бўладилар. БСЎни ЭТлашда дарсдан ташқари фаолиятнинг аҳамияти жуда катта бўлиб, у болаларнинг экологик билим, кўникма малака ва компетенцияларни ўзлари учун энг қулай жадалликда эгаллаш имконини беради. Бунда БСЎ нафақат экологик билимлар ёки кўникмаларни эгаллайдилар, балки турли хил экологик билимларни мустақил тўплашлари (фотосуратга ва видеоёзувга олиш) мумкин.

БСЎни дарсдан ташқари фаолиятда ЭТлашнинг муваффақиятли бўлиши кўп жиҳатдан ўқитувчининг қандай иш шаклларидан фойдаланишига ва уларнинг бирга қўшиб олиб борилишига боғлиқ бўлади.



ЭТга йўналтирилган дарсдан ташқари ишлар доирасида ўқувчилар билан ишлашнинг қуйидаги шакллари фарқланади:

1. Индивидуал (якка тартибдаги) экологик ишлар – ўқувчилар томонидан мустақил равишда турли хил ишлар, масалан, кузатиш, энг оддий тажрибалар ўтказишни назарда тутади. Бундай машғулотларнинг аҳамияти шундаки, ўқувчилар инсоният ҳаётида ҳамда табиатнинг тутган ўрни ҳақида ўзлари хулосага келишади, экологик вазиятни баҳолашга ўрганади ва уни яхшилаш учун зарур бўлган кўникмаларга эга бўлишади.

2. Гуруҳли экологик ишлар – БСЎ билан ишлашнинг энг мақбул шаклларидан бири. Ўқитувчи болаларни атроф-муҳит муаммолари билан шуғулланадиган, табиий ҳодисалар ёки жараёнларнинг хусусиятларини ўрганадиган гуруҳларга бирлаштиради. Бундай ишларни бажариш жараёнида БСЎда табиатни билишга қизиқишлар шаклланади ҳамда шахсий экологик нуқтаи назари ривожланади.

3. Оммавий экологик ишлар – дарсдан ташқари фаолият доирасида ўтказиладиган турли хил байрамлар ва тадбирларда ўз аксини топади.

Шундай қилиб, ЭТ бўйича дарсдан ташқари фаолият турли хил иш шакллари, методлари ва воситаларидан фойдаланишга имкон беради.

БСЎни ЭТлашнинг асосий таркибий қисмлари қуйидагилар ҳисобланади (1.1-расм).




**1.1-расм. ЭТнинг таркибий қисмлари.**

Замонавий педагогикадаги ЭТ БСЎни табиатни эъзозлаш руҳида тарбиялашга, ёш авлоднинг экологик дунёқарашини ривожлантиришга хизмат қилади. Табиатни эъзозлаш руҳида тарбиялаш муаммосининг ечими – бу, биринчи навбатда, БСЎнинг экологик билим, кўникма ва малака компетенцияларни эгаллаши, экологик дунёқараши шаклланиши билан ҳал этилади.

БСЎни табиатни эъзозлаш руҳида тарбиялаш орқали атроф-муҳитдаги экологик мувозанатни сақлаш, унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш зарурияти англанади. Бу муаммо асосан бошланғич синфларда амалга ошади. БСЎни табиатни эъзозлаш руҳида тарбиялаш муаммосининг ечимини тўғри ҳал этиш, бу жараён моҳиятининг асосини ташкил этувчи таянч экологик тушунчаларни шарҳлашни тақозо этади. Зеро, бу вазиятда ўрганилаётган муаммонинг моҳиятини ёритишда «эъзозлаш» тушунчаси етакчи ўрин тутади. Шу боисдан ҳам, БСЎни ЭТлаш, бу жараённинг технологик тизимини ишлаб чиқиш масалалари бўйича илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш – бугунги давр талабидир.

Табиатни эъзозлаш – кенг қамровли тушунча. У инсондаги юксак маънавий, маърифий, тарбиявий ва ахлоқий хислатларни ўз ичига олган мураккаб бир бутунликни ташкил этади ва ЭТ натижаси сифатида намоён бўлади. Ҳар бир ўқувчида ўзи яшаб турган ўлка ва Ватани табиатига муҳаббат қўйиш, ундаги гўзалликларга ўзгача назар билан қараш, она табиатга меҳр бериш ҳамда минг йиллик тарихга гувоҳ дарахтларни сақлаш, бу гўзалликдан баҳра олиш, уни эъзозлаш, асраб-авайлаш, табиий неъматлардан оқилона фойдаланиш туйғуси ўсиб боради. Болаликдан шакллантирилган бу ҳиссиёт кейинчалик мактаб даврида ривожланади.

«Эъзозлаш», «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» бўйича, арабча сўз бўлиб, (иззат, ҳурмат; меҳр, илтифот) ҳурмат-эътибор ҳис-сезгиси ва унинг ифодаси, яъни эҳтиром демак[13]. Ушбу изоҳга таянган ҳолда, бизнингча, табиатни эъзозлаш – инсон маънавиятининг муҳим белгиси. Тадқиқот жараёнида БСЎнинг табиатни эъзозлаш руҳида тарбияланганлик даражасини белгиловчи мезонлар ҳам ишлаб чиқилди (1.2-расм).

[13] Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Мерос, 1993. – 187 б.



БСЎни табиатни эъзозлаш руҳида тарбиялаш ишлари ЭТнинг назарий ва амалий асосларига боғлиқ ҳолда амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, БСЎни ЭТнинг илмий-назарий асосларини, шу жумладан, принципларини ўзлаштириб олиш талаб этилади. Бу ҳақда ишимизнинг кейинги қисмида фикр юритилади.

Модель кўргазмали қурол сифатида. Табиатшунослик дарсларида моделлар кўринишидаги ҳажмли тасвирлар ҳам кенг қўлланилади Модель нарса ёки қурилманинг барча тафсилотларини такрорловчи уларга ўхшаш ҳажмли тасвирдир. Моделламинг назарий аҳамияти гоят катта, чунки улар сатҳли расмлардан фарқ қилиб, ўрганилаёт- ган нарса тўғрисида фазовий тасаввур беради.

Моделлар табиат, табиий иншоотлар тўғрисидаги тасаввурларни мустаҳкамлаш воситаси бўлиб хизмат қилади.




**1.2-расм. БСЎнинг ТЭ руҳида тарбияланганлигини белгиловчи мезонлар.**



## 1.3. Экопедагогик фаолиятда бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялашнинг моҳияти

Экологик педагогика – аниқ экопедагогик тизим доирасида экологик шахс камолотини таъминловчи экопедагогик жараён ҳақидаги фан. Экологик педагогика – экологик дунёқараши, экологик онги ва маданияти билан ажралиб турадиган экологик шахсни шакллантириш қонуниятларини ўрганади. “Экологик таълим” ва “экологик тарбия” тушунчалари экологик педагогиканинг асосий категориялари.

Экопедагогик фаолият – таълим-тарбия олувчиларни экологик ўқитиш, тарбиялаш ва камол топтиришга йўналтирилган, шунингдек, педагоглар билан тарбияланувчиларнинг ўзаро ҳамкорлигига асосланган педагогик фаолият тури[14].

Бошланғич синф ўқитувчиси – экологик педагогика илми ва амалиёти ўртасидаги шахс. У ЭТвий жараённинг бевосита ижодкори, ўқувчилари мактабда бошидан кечирадиган ЭТвий вазиятлар яратувчиси. Том маънода, бошланғич синфларда ўқитувчи томонидан вужудга келтириладиган экологик ўқув-тарбия жараёни бошланғич таълим педагогикасининг ўрганиш объекти ҳисобланади. Ўз навбатида, амалиётчи-ўқитувчи ижодкор педагоглар, яъни экологик ўқув адабиётлари (дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар, методик тавсиялар ва ш.к.) муаллифларининг саъй-ҳаракати самарасига таянади. Мустақил фикрлайдиган бошланғич синф ўқитувчиси ўз фаолиятида тегишли фанлар томонидан яратилган ва такомиллаштирилган турли илм ва воситалардан фойдаланиб, кенг кўламли назарий экологик билимларни эътибордан қочирмайди.

Бошланғич синф ўқитувчиси фаолиятининг бошланғич таълим педагогикасига муносабати яна бир муҳим масала – ўқитувчи ишининг экологияга оид манбалари ва уни амалга ошириш сохаси билан узвий боғланган. Юқорида айтилганидек, бошланғич таълим педагогикаси ва методикасининг вазифаларидан яна бири ҳар бир ўқитувчига ўзининг экопедагогик фаолияти “режаси”ни ясонлаш ва ишлаб чиқишда тавсиялар, методик ишланмалар, турли қўлланмалар ва ш.к.лар орқали ёрдам беришдан иборат. Бироқ ўз

[14] Авезов Ш. Экологик педагогиканинг мазмуни ва моҳияти // “Халқ таълими”. –Тошкент. 1998. 1-сон. -Б.– 68–70.

ишига мустақил, ижодий ёндашишга интилаётган педагог ҳақида гап кетганда, бундай ёрдамнинг чегараси борми, деган савол туғилиши табиий. Эҳтимол, буларнинг барчаси, яъни белгиланган экопедагогик меъёрлар ижодкор ўқитувчининг ташаббусига халақит берар, унинг дадил қадам ташлашига йўл қўймас?

Экопедагогик манбалар ("ишланмалар") педагоглар, яъни назариётчи ва амалиётчиларнинг онги ва тажрибасини ўз ичига олади, уларда педагогика ва экология фанлари тармоқларининг натижалари ўз аксини топади. Бироқ бошланғич таълим педагогикаси методикаси ўқитувчига фақат умумий, ўртача мақсадга олиб борадиган йўлни кўрсатади. Ўқитувчи эса ҳамма вақт фақат "амалга оширувчи, ижрочи" бўлиб қолиши ҳам мумкин эмас. Унинг асосий вазифаси – ўқувчилар билан уюштириладиган ЭТвий фаолиятда мазкур манбалар ва натижалардан заруриятига қараб ижодий фойдаланишдан иборат.

Экопедагогик фаолият тажрибаси шуни кўрсатдики, ўқитувчилар учун ЭТга оид материаллар қанчалик тўлиқ тузилмасин, ЭТ методикаси қанчалик чуқур ишлаб чиқилмасин, ишдаги ютуқ тўлиқ кафолатланмайди. Агар ўқитувчининг ўзи ЭТ мақсадларини тушунмаса, ўқувчиларнинг ички дунёсига кира олмаса, буларнинг барчаси педагогнинг онгида ва ЭТвий жараёнида "ортиқча юк" бўлиб қолади. Шу нуқтаи назардан, дидактик, методик ва психологик-педагогик, яъни экопедагогик тайёргарликсиз энг яхши дарсликлар, қўлланмалар билан ҳам муваффақиятли ишлаб бўлмайди. Назарияни билиш ўқитувчига ўзининг экопедагогик хатти-ҳаракатлари мантиғи ва изчиллигини белгилашга, уларни муайян бир тизимга солишга ва кутилган натижаларни олдиндан кўришга имкон беради[15].

Ўқитувчи дарсда ва дарсдан ташқари машғулотларда барча экопедагогик омилларга эътибор қаратиши, улар ҳақида ўйлаб кўриши учун ҳар доим ҳам вақт ва имкониятга эга бўлавермайди. Унга кўпинча етарли мантиқий асосларсиз, ички педагогик сезгирлик билан тезда қарорлар қабул қилишга тўғри келади. Педагогик интуиция олдиндан тажриба тўплашни, кўп сонли далилларни тушунишни, яъни интуитив равишда қабул қилинган

[15] Авезов Ш. Ўқувчи шахсида экологик маданиятни таркиб топтириш ҳақидаги масалага доир / Ўқувчи шахсининг ахлоқий хислатлари-ни шакллантириш: Илмий ишлар тўплами. - Тошкент, 1991. -Б. 62-67.



қарорларни кейинчалик англашни назарда тутади. Интуиция билим сифатида объект билан бевосита ўзаро муносабатда ҳосил бўлади. Ўқитувчининг интуитив тажрибаси – ўқувчилар билан шахсий мулоқоти тажрибаси. Бу тажрибада педагогик такт, ноанъанавий хатти-ҳаракат ва ҳар бир ўқувчининг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиш қобилияти каби ўқитувчи шахси учун зарур бўлган сифатлар намоён бўлади. Бироқ интуитив тажриба ўқитувчининг ўзига чекланган фойда келтиради ва бошқаларга жуда кам ёрдам беради[16].

Ёш ўқитувчи тажрибали педагогларнинг очиқ дарсларини кузатиш орқали экопедагогик инноватиканинг янги қирралари ҳақида тушунчага эга бўлишга, уларни ўз амалий фаолиятида қўллашга ҳаракат қилади. Дейлик, ёш ўқитувчи "Атрофимиздаги олам" ёки "Табиатшунослик" ўқув фани бўйича ташкил этилган очиқ дарсда ўқувчиларнинг фаол тадқиқий фаолиятга жалб этилишини ўрганди ва уни ўз синфида қўллашга қарор қилди, яъни ўз ўқувчиларига очиқ дарсда бажарилган вазифаларни таклиф қилди. Бироқ иш муваффақиятсиз якунланди, чунки аксарият ўқувчилар топшириқларни қандай бажариш, асбоб-ускуналарни қандай ишлатиш, тажриба натижаларини қандай қайд этиш кераклигини билишмайди. Бу ҳолат ўқувчиларнинг мустақил ишлашга олдиндан тайёр эмаслиги оқибатида юз берган. Агар ўқитувчи ўқувчиларда мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантириш қонуниятларини билганида эди, бундай муваффақиятсиз-ликка йўл қўймаган бўлур эди.

Экопедагогик жараёнда амал қилувчи объектив омилларни билмасдан энг яхши тажрибани оддий кўчириб олиш илғор тажрибани адолатсиз салбий баҳолашга олиб келиши мумкин. Бундай билимларни фақат бошланғич таълим педагогикаси беради. Бундан шундай хулоса келиб чиқади: яхши тажрибани айнан кўчириб бўлмайди, балки ундан олинган фикрдан фойдаланиш керак бўлади[17].

Замонавий ўқитувчи янги воситаларни қўллаб, турли хил экопедагогик вазиятларда мустақил ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга. Турли хил мазмундаги ЭТвий кўрсатмалар ва педагогик "қолип"лар

[16] Авезов Ш. Қишлоқ мактаблари юқори синф ўқувчиларини ўлкашунослик фаолияти жараёнида экологик тарбиялаш: Пед. фан. номз ... дисс. – Тошкент. 1993. – 161 б.
[17] Авезов Ш. Экологик педагогиканинг мазмуни ва моҳияти // "Халқ таълими". Тошкент. №1. – 1998. – Б. 68-70.

(йўллар) – ёш ўқитувчи ижодий фаолиятининг дастлабки шарти. Демак, ўқитувчига педагогик ижод учун доимо илмий экопедагогик билимлар керак бўлади. Булар экологик таълим-тарбия материалларининг муаллифлари томонидан аниқланган ва қўлланилган ЭТ қонуниятлари ҳақидаги билимлар[18].

Савол туғилади: ижодкор БСЎсига назарий экопедагогик билимлар керакми, педагог қандайдир экопедагогик меъёрларга муҳтожми? Агар ўқитувчи тавсия ва ишланмаларни оддий ижрочи сифатида эмас, балки мустақил фикрлайдиган ва профессионал педагог сифатида қабул қилса, улар ўқитувчи ижодини чекламайди, аксинча, унга кенг йўл очиб, ёрдам беради. Чунки меъёрий билимларда кўплаб педагогларнинг ижодий фаолияти тажрибаси илмий кўринишда ўз аксини топади ва шу сабабли уларни инкор қилиб бўлмайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам қонун-қоидаларни билиш ва касбий саводхонлик экопедагогик ишга халақит бермайди. Зеро, экопедагогик билимсиз ҳеч нимага эришиб бўлмайди.

Амалиётчи-ўқитувчининг ижодий фаолиятини педагогика назарияси категорияларида англаб олиш мумкин ва зарур. Педагогик ишдаги ютуқ ва камчилик сабаблари ҳақида фикр юритилар экан, буларни "фан тили"да қилишни ўрганиш керак. Педагогик меҳнатга ижодий муносабат фандаги билимлар, унинг тушунча-терминология тизимидан фойдаланиш кўникмаси ва маҳоратини талаб қилади. Ҳозирги кунда ўқитувчига ДТС ва ўқув дастурларида қайд этилган ЭТга оид мўлжаллардан фойдаланган ҳолда ўз амалий фаолияти учун зарур бўлган барча асосларни ўзи мустақил танлашига тўғри келмоқда. Бу ҳолат таклиф этилган ЭТ материаллари ва шахсий фаолиятни илмий нуқтаи назардан баҳолаш кўникмасига эга бўлишни, яъни ўз ишининг мантиғи ва методикасини умумий ЭТвий мақсадлар ва ҳаётга мос равишда ташкил этишни ўртага қўймоқда.

Айтиш мумкинки, бошланғич таълим педагогикаси ва методикасининг педагогик амалиёт билан биргаликда бажарадиган илмий-назарий функцияси ўқитувчига нисбатан тушунтириш вазифасини бажаради. Бошланғич таълим педагогикаси ва методикасининг амалий-техник функцияси сифатида гавдаланади,

---

18 Авезов Ш. Экологик маърифий технологиялар ва уларнинг моҳияти / "Педагогик ва ахборот технологияи: ютуқлар ва истиқболлари", Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. -Тошкент: Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ -2002. -Б. 20-22.



яъни ўқитувчи ўз фаолиятида бевосита таяниши, мўлжал олиши мумкин бўлган меъёрий билимларни акс эттиради.

Шундай қилиб, ўқитувчи бошланғич таълим педагогикаси ва методикасидан ўзининг экопедагогик фаолияти учун зарур бўлган воситаларни икки йўл билан олади: биринчи йўл – экопедагогик воқеликни назарий тавсифлашдан тортиб, илмий асосланган амалий лойиҳага қадар бўлган йўл; бунда ўқитувчи барча экопедагогик тадқиқотларнинг якуний маҳсулотидан фойдаланади; иккинчи йўл – ўқитувчи амалий экопедагогик фаолиятининг моҳиятини тушуниши, англаши учун назарий экопедагогик билимлардан фойдаланади. Шу сабабли амалий фаолиятда фан ва амалиёт ўртасидаги алоқалар цикли тугайди ҳамда экопедагогика соҳасидаги барча илмий ишларнинг натижаларидан фойдаланилади, деган фикр-мулоҳазалар тез-тез қулоққа чалиниб туради.

ЭТ борасидаги илғор тажрибани умумлаштириш ва жорий этиш – бугунги кунда ўтмиш соясига ўхшаб қолмоқда. Экопедагогик фаолият меъёрлари амалиёт учун мўлжал сифатида жуда фойдали, бироқ бошланғич таълим педагогикаси ва методикасига "қолипли" ёндашувни жорий этиш мумкин эмас. Бошланғич таълим педагогикаси ва методикасидан ўқитувчига ҳар қандай қийинчиликдан осон чиқиб кетишга имкон берадиган барча экопедагогик «қулф»ларнинг «калит»ларини талаб этиш – ўринсиз ва фойдасиз иш. Бундай универсал очқичлар йўқлиги сабабли, бўрттирилган орзу-умидлар ўрнида нигилизм, яъни экопедагогик қонунлар, қоидалар, принципларни инкор этиш ва ўтмишдаги энг яхши намуналарга мурожаат қилмаслик ҳолати пайдо бўлади. Ўтмишнинг бундай қолдиқлари сирасига бир пайтлари жуда машҳур бўлган "илғор педагогик тажрибани ўрганиш, умумлаштириш ва татбиқ этиш"ни киритиш мумкинки, унинг асоссиз далил эканлиги педагог олимлар томонидан бир неча бор исботланган. Бироқ бошланғич таълим педагогика ва методикасида ушбу шубҳали нуқтаи назарни қайта тиклашга уринишлар, баъзан бўлса-да, учраб турибди.

Бундай қолдиқларга нисбатан нотанқидий муносабат ишга халақит бе-риши мумкин. Чунки бирор илғор педагогик тажрибанинг айнан ўзини эмас, балки бу тажрибадан келиб чиқарилган фикрларни ўзгаларга етказиш мумкин. Тасаввур қилинг:

битта бошланғич мактабда бошланғич таълим соҳасидаги бирор "илғор" тажриба жорий этилмоқда, яъни бошланғич синфларга илғор тажрибани мажбуран жорий этиш тайинланган, дейлик. Бундай ҳолатда "илғор"лардан мактаб шарт-шароитларига тўғри келадиган қандайдир оддий тажрибани ёки унинг бирор элементини ўрганиш, ўзлаштириш мумкин, яъни бундай "тажриба алмашиш" билим ва талабчанликдан, бошқача айтганда, бошланғич таълим педагогикасидаги инновацион фаолият муаммоларини ўрганиш ёки бошланғич таълимдаги инновацион тизимларни чуқур илмий асослашни талаб қилишдан кўра анча осон. Аммо "тажриба алмашиш"дан кўзланган мақсадларнинг натижаларини кутиш асло мумкин эмас. Масалан, суҳбат методи бўйича илғор тажрибани ҳар қанча ўрганиш, умумлаштириш, жорий этиш ёки чексиз такомиллаштириш, умуман олганда, ўз моҳиятини сақлаб қолган янги суҳбат методи ёки таълимнинг янги технологиялари пайдо бўлишига олиб келмайди. Илм-фан учун нафақат ижобий, балки салбий тажрибалар ҳам қадр-қимматга эга. Хатоликлар ва муваффақиятсиз-ликлар оқибатида, масалан, тажрибада аниқланган ЭТ материалларининг ҳақиқий тарбиявий шарт-шароитларга мос келмаслигига, ЭТ мақсадлари ва натижалари ўртасидаги кескин тафовутга оид далиллар ўрганилиб, назарий хулосалар чиқариш учун материаллар тўплаш мумкин.

Демак, бошланғич таълим педагогикаси ва амалиётининг ўзаро алоқаси тизимида экопедагогик тажрибанинг функцияларидан яна бири шундаки, у кутилмаган вазиятлар ва муаммоларни ўз ичига олиб, илмий тадқиқотни тажрибадан олинган ЭТга оид материаллар билан таъминлайди. Фан нуқтаи назаридан амалий тажрибага бевосита мурожаат қилиш тадқиқотчи-педагогга тажрибага асосланган матерални тақдим этади.

Тажрибанинг яна бир функцияси фойдаланиш учун қулай бўлганда намоён бўлади, яъни у кўплаб амалиётчи-педагоглар учун яхши иш намунаси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бироқ бундай намуналарнинг аҳамияти чекланган бўлади. Улар нусха кўчириш учун эмас, балки тушуниш, эҳтимол, тақлид қилиш учун фойдалидир. Аниқ бир ўқитувчи томонидан муайян шарт-шароитларда амалга оширилаётган тажрибани бошқа мактабга тўғридан-тўғри кўчириш, "жорий этиш" одатда яхши натижаларга олиб келмайди. Тажриба ҳамма вақт уни бошидан кечирган



[illegible] ютуғи бўлиб қолади. Бундан асосли хулоса, яъни тажрибага асосланган назария келиб чиқади[19].

Таъкидлаш жоизки, яқин ўтмишда шундай ҳолатни кузатиш мумкин эди: ҳамкасблар илғор тажрибани ўрганиш мақсадида [illegible] ишлаётган ўқитувчи олдига келиб, унинг дарсларини кузатиб, барча ҳолатларни ёзиб оладилар. Кейин шу ёзувлар асосида амалий ишлашга ҳаракат қилиб кўрадилар ва охир-оқибат, [illegible] яхши самара олмайдилар. Бу ҳолат бошқа бировнинг тажрибасини бевосита нусхалаш туфайли, бошқача айтганда, физикадаги "қисқа туташув" ёки "субтропик экинни тундрада ўстириш" каби педагогик ҳодиса содир бўлади. Ҳаммага аёнки, субтропик экинни тундрада илдиз отгириш учун, энг аввало, тегишли шароитлар, яъни қандай тупроқ, қанақа ҳарорат ёки намлик даражаси зарурлиги ҳақида тушунчага эга бўлиш керак. Агар буларнинг барчаси билиб олинса ва субтропик экин учун махсус хонада тегишли шарт-шароит яратилса, уни экиш ва парваришлаш мумкин бўлади. Илғор педагогик тажрибани ўрганиш, умумлаштириш ва татбиқ этишни ҳам шунга ўхшаш жараён сифатида тасаввур қилиш мумкин. Аммо бу рўй бериши мумкин бўлган энг салбий ҳолат эмас. Гап шундаки, илғор тажрибани ўрганган, бироқ муваффақият қозона олмаган ўқитувчи ундан илғор ходим чиқмаслигига ишонч ҳосил қилади ва аввалги ҳолатига қайтади. Бироқ яхши иш билан танишиш, эҳтимолки, [illegible] кечмайди. Агар масалага виждонан, профессионал ва ижодий ёндашилса, ўқитувчи нимага эришиш мумкинлигини ўз кўзи билан кўради.

Экопедагогик иш – ижодий жараён. Ҳатто илғор педагоглар ҳам ўз қарашларини ўзгартириши, қандайдир метод, усул ёки воситалардан воз кечиши мумкин. Лекин илғор педагоглар томонидан яратилган экопедагогик тажрибалар бошқа таълим муассасалари ёки ўқитувчилар фаолиятида самараси бор ёки йўқлигидан қатъи назар, қонунийлашган модель (андоза) сифатида [illegible] барча таълим муассасаларини "кезиб чиқади".

Назарий экопедагогик билимлар умумийлиги, яъни бир [illegible] юқори даражаси билан ажралиб туради. Бу эмпирик

[19] [illegible] К.М., Абдурахмонов Б.М. Табиатшунослик дарсида экологик-географик [illegible] шакллантириш // Бошланғич таълимнинг долзарб муаммолари ва уларнинг [illegible] Илмий-амалий анжуман материаллари. – Наманган: НамДУ, 2003, – Б. 58-59.

материалларни қайта ишлаш натижасида олинган назарий “концентрат” асосида илмий-тадқиқот натижалари яққол акс этган, яъни амалиёт берадиган янги тузилмаларни яратишга имкон беради. Шу тарзда, ҳар бир ўқитувчига экопедагогик фаолият тажрибасидан келиб чиқадиган фикрларни етказиш мумкин бўлади.

Бу масаланинг фақат бир томони, иккинчи томони шундаки, ЭТ жараёнининг ҳақиқий, бевосита ижодкори, ЭТвий вазиятлар яратувчиси бошланғич синф ўқитувчиси ҳисобланади. Унинг касби – табиатан ижодий. Ўқитувчининг иш столида турадиган ЭТга оид материаллар (дастурлар, дарсликлар, тавсияномалар) ўз-ўзидан “ишлаб кетиши”га ишониш жуда қийин масала. Умумийликни ифодаловчи бошланғич таълим педагогикаси ўқитувчининг ҳар бир хатти-ҳаракатини олдиндан белгилаши, унга босадиган ҳар бир қадамини кўрсатиб бериши мумкин эмас.

Шу билан бирга, фақат ўз тажрибасига таяниб қолиш унчалик тўғри эмас. Илмий асосланган меъёрий материалларда умумий экологик мақсадлар ва экопедагогик ҳодисаларни билиш тажрибаси мужассамланган бўлади. Бироқ улар қандайдир ўзгармас қоидалар, кўрсатмалар эмас, балки ҳар бир ўқитувчи ўзининг экопедагогик фаолиятида (ўз фикрига кўра) ҳисобга оладиган мўлжаллар. Чунки ҳар қандай умумийликда алоҳидалик мавжуд бўлади. Бошланғич таълим педагогикаси ва амалиёти ўзаро мувофиқ тўғри йўлга қўйилса, айрим педагоглар ташаббуси ва ижодкорлиги назарий ва меъёрий экопедагогик билимларга зид келмайди. Меъёрий экопедагогик билимларда экопедагогик фаолиятнинг барча қирралари бўйича ижодкорлик натижалари қайта ишланган тарзда акс этади ва шу сабабли меъёрий билим ва ижодкорлик бир-бири билан “зиддият”га бормайди.

Методика бошланғич синф ўқитувчисига ҳаракатлар эркинлигини беради[20]. Методик меъёрлар қанчалик аниқ бўлмасин, муқаррар равишда ўртамиёналик хусусиятига эга бўлади ва амалиётчи-ўқитувчига ўзининг иш шароити, шахсий имконияти ва ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда шахсга йўналтирилган тарбия имкониятларини ҳисобга олиб, уларни батафсил ишлаб чиқишга имкон беради. Демак, меъёрий ЭТ

[20] Ахмедова, А.М. Формирование экологической культуры подростков в полиэтнической среде // Автореферат дисс. канд. Пед. наук. Махачкала, 2008. – 17 с.



материаллари бошланғич синф ўқитувчисининг шахсий экопедагогик фаолиятида қисман ўзгаришларга учрайди.

Ҳар қандай амалий тажрибани қуйидаги гуруҳлардан бирига киритиш мумкин: 1) муваффақиятсиз тажриба; 2) яхши тажриба; 3) жуда яхши тажриба (анъанага кўра, бу гуруҳ “илғор тажриба” деб аталади).

Муваффақиятсизлик сабабларидан бири ҳаддан ташқари кенг доирада, батафсил ёзилган дарслик (қўлланма) ёки мураккаб, чигал ўқув дастурлари бўлиши мумкин. Бундай номувофиқлик муаллифларни барча материалларни қайта илмий асослашга мажбур қилади. Муваффақиятсиз тажриба бошланғич синф ўқитувчисининг экопедагогик фаолиятга етарлича тайёр эмаслиги, фанга бепарволикни келтириб чиқарувчи методологик маданиятининг пастлиги, зарур методик материалларнинг йўқлиги ёки бошланғич таълим педагогикаси ва методикасида экопедагогик муаммоларнинг етарли тадқиқ этилмаганлиги сабабли ҳам келиб чиқиши мумкин.

Ўз касбининг устаси бўлган бошланғич синф ўқитувчиларига тегишли бўлган яхши ва жуда яхши тажрибани бир-биридан фарқлашга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Сабаби шундаки, уларни чегаралаш жуда қийин масала бўлиб, ҳақиқий илмий таҳлил керак бўлади.

Бошланғич синф ўқитувчиси ўз олдига қўйган мақсадларга эришиши, аммо бу мақсадларнинг ўзи тўлиқ бўлмаслиги, ижтимоий буюртма ва сўнгги илмий ишланмаларга жавоб бермаслиги мумкин. Натижада, экопедагогик фаолиятда номувофиқлик пайдо бўлади: иш яхши кетмоқда, бироқ натижалар ҳеч кимни қаноатлантирмайди. Масалан, тайёр экологик билимларни ўқувчиларга етказишни оптимал ташкил этиш мумкин, аммо фақат шу билан чекланиб қолинса, ўқувчиларда мустақил фикрлаш қобилияти ривожланмайди ва улар ўқитувчи ёрдамисиз ўзларининг экологик билимларини тўлдира олмайдилар. Натижада, бундай тажрибани намунали деб ҳисоблаш қийин кечади. Аммо бундай тажрибани, мақсадларнинг ўзи етарли бўлмаса-да, белгиланган мақсадлар ва эришилган натижалар доирасида яхши деб ҳисоблаш мумкин. Сабаби шундаки, тайёр экологик билимлар экологик таълим-тарбия мазмунининг асосий ва ажралмас қисмларидан бири бўлиб, ҳар қандай педагогик амалиёт бу қисмни

четлаб ўта олмайди. Шунингдек, педагогик амалиётда кўпинча мақсад ва мўлжаллар бўйича натижаларнинг жуда яхши бўлишига кафолат берилади. Дейлик, ўқитувчи экологик таълим-тарбия мазмунининг тўртта таркибий қисми билан бирданига ишлашни режалаштиради. У ўз ўқувчиларига мустақил экологик фикрлашни, анъанавий стандартларда белгиланган, қотиб қолган экологик билимлар доирасидан четга чиқишни ўргатмоқчи бўлади. Аммо қандайдир сабабларга кўра, буларнинг ҳеч бири амалга ошмайди ва ҳеч қандай натижага эришилмайди. Бундан шундай хулосага келиш мумкин: осмондаги лайлакдан қўлингдаги каклик ёки узоқдаги буғдойдан яқиндаги сомон яхши.

Юқорида таъкидланган фикрлардан шундай хулоса чиқариш мумкин: бошланғич таълим педагогикаси ва экопедагогик фаолиятнинг бирлиги, уларнинг узвий боғлиқлиги ва алоқадорлиги – табиатни эъзозлаш руҳида тарбияланган, экологик маданият асосларини ўзлаштирган БСЎни ЭТлашнинг муҳим шарти. Шу нуқтаи назардан, ЭТ – ўқувчи шахсига экологик маданиятни ўзлаштириш шарт-шароитларини яратади ва узлуксиз ЭТвий таъсир кўрсатиш орқали ижтимоий-экологик тажрибалар, ахлоқий-экологик қадриятлар ва меъёрлар, умуминсоний ва миллий экологик маданиятнинг ўзлаштирилишини таъминлайди.

ЭТ жараёнининг иштирокчилари ўқитувчи ва ўқувчи ҳисобланади. Улар ўртасида ўзаро мулоқотнинг ўрнатилиши – ЭТвий жараённи амалга оширишнинг дастлабки шарти, яъни ЭТ–уларнинг биргаликдаги фаолияти (2.1-расм).




**2.1.расм. ЭТ– бошланғич таълим педагогикаси ва методикаси.**



ЭТнинг маълум бир мақсадга йўналганлиги, тизимли ва жараёнли табиатга эгалиги унга хос асосий белгилар ҳисобланади (2.2-расмга қаранг).




**2.2-расм. ЭТнинг асосий белгилари.**

Хусусан, ЭТнинг мақсади бир неча жиҳатларни ўз ичига қамраб олади (2.3-расм).




**2.3-расм. ЭТнинг мақсадлари.**

ЭТ – ёш авлодни ижтимоий ҳаёт ва бўлғуси меҳнатга экологик тайёрлаш мақсадида жамиятда шаклланган ижтимоий-экологик тажрибани мақсадга мувофиқ ўтказиш жараёни. Ижтимоий-экологик тажриба деганда, инсониятга маълум бўлган барча экологик билим ва кўникмалар, тафаккур методлари, аҳлоқий-экологик меъёрлар, бир сўз билан айтганда, инсониятнинг тарихий тараққиёти жараёнида яратилган маънавий экологик мероси тушунилади. ЭТ билан нафақат педагоглар, балки оила, оммавий ахборот воситалари, адабиёт, санъат, меҳнат жамоалари ва ҳуқуқ-тартибот органлари ҳам шуғулланадилар.

ЭТ, кенг педагогик маънода, таълим ташкилотларида педагогик жамоа ва тарбиячиларнинг тарбияланувчиларда экологик хулқ-атвор фазилатларини шакллантириш мақсадида махсус ташкил

этилган экопедагогик таъсир кўрсатиш тизими; тор маънода, тарбияланувчиларда муайян ахлоқий-экологик фазилатларни шакллантириш мақсадида аниқ ЭТвий вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган ЭТвий фаолият жараёни ва натижасидир. ЭТвий фаолият туфайли ўқувчининг ўз-ўзини ЭТлаши таъминланади.

Ўз-ўзини ЭТлаш – ЭТ жараёнининг асоси сифатида ўқувчининг ўзини-ўзи экологик камол топтиришга, мустақил экологик ўқишга ва ўзида ижобий экологик фазилатларни ривожлантириш ва салбийларини бартараф этишга қаратилган тушуниб етилган, мақсадли, собитқадам фаолияти.

Экопедагогик жараённинг асоси ЭТ. Экологик шахсни шакллантириш, бошқариш, камол топтириш назорат хусусиятига эга бўлиб, бу борада белгиланган вазифалар тасодифий хатти-ҳаракатлар орқали эмас, балки олдиндан белгиланган ва пухта ўйланган режалар асосида ҳал этиб борилади. ЭТ жараёнида унинг мақсади, шакл ва методлари, шахснинг ўз-ўзини ЭТлаш ва қайта тарбиялаш жиҳатлари ҳам муҳим ўрин тутади.

ЭТ жараёни – ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамкорлик жараёни. ЭТ жараёнида тарбияланувчининг экологик онги шакллана боради, ҳис-туйғулари ривожланади, ижтимоий-экологик ҳаёт учун зарур бўладиган, ижтимоий-экологик муносабатларни шакллантиришга хизмат қиладиган экологик хулқий одатлар ҳосил бўлади. ЭТ яхлит жараён сифатида амалга ошиб, унинг таркибий қисмлари айни бир вақтда, фаолиятнинг бирор тури асосида намоён бўлади.

ЭТ жараёни қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

1) мақсадга йўналтирилганлиги; 2) кўп қиррали жараён эканлиги; 3) узоқ муддат давом этиши; 4) узлуксизлиги (мунтазамлиги); 5) яхлитлиги (бир бутунлиги); 6) вариативлиги (ўзгарувчанлиги); 7) натижаларнинг олдиндан аниқланмаслиги; 8) икки томонлама хусусиятга эгалиги.

"ЭТлаш" ибораси қуйидагиларни англатади: экологик маданият билан таништириш (экологик маънавиятни ривожлантириш); кишилар ўртасида экологик ўзаро муносабатлар тизимини вужудга келтириш;

1) экологик фаолият методларини шакллантириш (ҳиссий, иродавий, ақлий-интеллектуал, маънавий); 2) экологик иродани тарбиялаш; 3) шахснинг экологик ҳис-туйғусини ривожлантириш;



4) экологик қадриятлар тизимини шакллантириш; 5) экологик шахсни камол топтириш.

ЭТнинг педагогик жараёндаги вазифалари:

1) экологик шахсни камол топтириш; 2) шахсда ахлоқий-экологик фазилатларни шакллантириш; 3) ўқувчиларни экологик қадриятлар билан таништириш; 4) шахсда фаол экологик нуқтаи назарни тарбиялаш; 5) шахсни мойиллиги, қобилияти, қизиқиши, истаги ва эҳтиёжлари асосида экологик ривожлантириш; 6) ўқувчилар экологик онгини ривожлантириш; 7) шахснинг ЭТ мақсадлари билан боғланган хилма-хил фаолиятини ташкил этиш; 8) шахсда экологик маданиятини ривожлантириш.

ЭТнинг мазмуни ижтимоий экологик буюртма асосида белгиланиб, унинг амалга ошиши учун маълум шарт-шароитлар мавжудлиги талаб этилади. Ушбу ғояларни яхлит тарзда қуйидагича акс эттириш мумкин:

1) ҳар қандай жамиятда ёш авлоднинг ЭТси муайян мақсад, яъни экологик маданиятни шакллантириш асосида ташкил этилади; 2) ЭТнинг мақсади табиат ва жамиятнинг коэволюцион тараққиёти, унинг ривожланиш йўналиши, ижтимоий-экологик муносабатлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда белгиланади; 3) миллий ЭТнинг асосий мақсади экологик шахсни тарбиялаб вояга етказишни назарда тутади.

Бошланғич синфларда ЭТ мазмунининг ўзагини бир-бири билан ўзаро боғланган учта таркибий қисм ташкил этади:

1. Когнитив (билишга оид) таркибий қисм – одам, меҳнат, табиат ва жамиятни уларнинг ўзаро алоқадорлигида тавсифловчи тушунчалар.

2. Ҳиссий таркибий қисм – одамнинг табиий муҳит билан мулоқоти, табиатни ахлоқий-эстетик идрок этиши жараёнидаги ҳиссий ҳолати.

3. Амалий (фаолиятли) таркибий қисм – ўқувчиларда экологик кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган ижтимоий фойдали амалий фаолият турлари ва методларининг ўзлаштирилиши.

Ушбу учта таркибий қисм ЭТ мазмунининг негизини ташкил этиб, улардан бошланғич мактабда атроф-муҳитга оид билим ва кўникмаларни танлашда фойдаланилади.

ЭТ назарияси педагогика, хусусан, бошланғич таълим педагогикасининг муҳим таркибий қисми бўлиб, ЭТвий жараён

мазмуни, шакллари, методлари, воситалари ва ташкил этилиши муаммоларини ўрганади. Ҳаётга янгича экологик нуқтаи назардан ёндашиш ўсиб келаётган ёш авлод ЭТси билан боғлиқ жараённи ҳам қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

ЭТ назарияси Шарқ мутафаккирлари ва халқ педагогикаси ЭТ борасидаги бой тажрибаларига таянади. ЭТ назарияси ўз қоидаларини асослаш учун фалсафа, психология, педагогика экология, социология, этика, эстетика, физиология каби фанларнинг маълумотларидан фойдаланади. ЭТ жараёнининг мазмуни аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-экологик тажриба асосида шахсни экологик камол топтириш, унинг экологик онги, хулқ-атвори ва дунёқарашини таркиб топтиришга имкон беради.

ЭТ қонуниятлари – экологик шахс камолотида самарали натижага эришиш имконини берадиган барқарор, такрорланувчан ва муҳим ЭТвий муносабатлардир. Бошқача айтганда, ЭТ жараёни қонуниятлари – ЭТ объектлари, ЭТвий ҳодисалар ва жараёнлар ўртасидаги, уларнинг ҳолати ва ривожланишини белгилайдиган объектив, асосий, муҳим барқарор алоқа ва муносабатлар. ЭТ ва экологик маданият фазилатини шакллантириш ЭТ жараёни қонуниятлари асосида амалга оширилади. ЭТ принциплари – ЭТвий жараённинг мазмуни, методлари ва ташкилий шаклларига қўйилган асосий талабларни ифодаловчи умумий қоидалар. Бошқача айтганда, ЭТ принциплари – ЭТвий иш тажрибасидан келиб чиқадиган, ЭТ жараёни қонуниятларини акс эттирувчи, тарбиячи ва тарбияланувчилар фаолиятига қўйиладиган талаблар ролини бажарувчи дастлабки қоидалар (талаблар).

ЭТ ўзининг қуйидаги асосий принциплари билан фарқланади:

1) ЭТнинг аниқ бир мақсадга қаратилганлиги принципи – педагогда энг юксак умуминсоний экологик қадриятларга эга бўлган идеал экологик шахс модели ҳақида тасаввур мавжудлигини назарда тутади;

2) ЭТнинг ижтимоий-экологик жараёнлар билан боғлиқлиги принципи – ўқувчиларни ижтимоий-экологик муносабатлар тизимига киритишни таъминлайди;

3) ЭТнинг яхлитлиги принципи – экологик шахс камол топиши учун ЭТ жараёнининг барча имкониятларидан фойдаланиш назарда тутилади;



4) ЭТнинг узлуксизлиги принципи – тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг доимий ҳамкорлигини, ЭТ жараёнининг мунтазамлиги ва изчиллигини назарда тутади;

5) тарбиячи ва тарбияланувчилар ҳамкорлиги принципи – экопедагогик жараённи тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг биргаликдаги ижоди сифатида мўлжаллайди;

6) экологик шахсни жамоада тарбиялаш принципи – жамоа экологик шахсни шакллантиришнинг энг муҳим воситаларидан бири эканлигини англатади;

7) экологик шахсиятнинг ижобийлигига таяниш принципи – экологик шахс камолотидаги ижобий майлликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришни англатади;

8) ЭТга табақалашган ва индивидуал ёндашиш принципи – тарбияланувчиларнинг шахсий экологик маданияти даражасига мўлжал олишни талаб қилади. ЭТ принциплари ўқитувчи-тарбиячига қўйилган мақсадга эришиш учун зарур бўлган экологик материаллар мазмунини, ЭТ методлари ва шаклларини тўғри танлашга имкон беради.

Улар педагогларга болалар билан самарали, инсоний муносабатлар ўрнатишга имкон беради. Бу масалага “ЭТ қоидалари” тушунчаси жавоб беради. ЭТ қоидалари юқорида таъкидланган ҳар бир ЭТ принципининг амалга ошиши, бажарилишини таъминлайдиган амалий хатти-ҳаракатлар тартибидир. Шу нуқтаи назардан, ҳар бир ЭТ принципини амалда қўллашнинг ўзига хос методик қоидаси ёки қоидалар гуруҳи мавжуд (2.4 – 2.10-расмлар).

ЭТ қонуниятларининг ЭТ принциплари билан ўзаро боғлиқлиги:

1) ЭТнинг мақсади ва мазмуни табиат ва жамият коэволюцияси эҳтиёжлари, давлат манфаатлари, ижтимоий-экологик, экологик маданий ва миллий меъёрлар, анъаналар билан белгиланиши қонунияти. Бу қонуният ЭТнинг муайян мақсадга йўналганлиги, ижтимоий-экологик жараёнлар билан боғлиқлиги ва экологик шахсни жамоада тарбиялаш каби принциплар асосида намоён бўлади;

2) ЭТ натижалари экопедагогик таъсирлар ҳамжиҳатлиги, ташқи ва ички омиллар таъсири билан шартланганлиги қонунияти. Бу қонуният ЭТнинг узлуксизлиги ва яхлитлиги, ЭТга

табақалашган ва якка тартибда ёндашиш, тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг ҳамкорлиги каби принциплар асосида намоён бўлади;

3) шахснинг экопедагогик таъсирлардан ижобий ўзгариши унинг эҳтиёжи, қизиқиши, имконияти ва экологик маданияти ҳисобга олинганлиги, унга ҳурмат ва талабчанлик асосидаги муносабатлар ҳамда келгуси истиқболини кўрсатиш билан шартланганлиги қонунияти. Бу қонуният экологик шахсият ижобийли-гига таяниш, ЭТга табақалашган ва якка тартибда ёндашиш каби принциплар асосида намоён бўлади;




**2.4-расм. ЭТнинг аниқ бир мақсадга қаратилганлиги принципи.**






**2.5-расм. ЭТнинг ижтимоий-экологик жараёнлар билан боғлиқлиги принципи.**




**2.6-расм. ЭТ яхлитлиги принципи.**

**ЭТнинг узлуксизлиги принципи**

- Ўқувчиларга дарсда ва дарсдан ташқари вақтларда ЭТвий таъсир кўрсатиш
- ЭТ ишларини режалаштиришда фаолият турларининг мантиқий кетма-кетлигини таъминлаш
- Тарбияланувчиларнинг ютуқларига таяниш, уларнинг ЭТланганлик даражаси ошган сари ЭТ мазмуни ва шаклларини мураккаблаштириш
- ЭТ босқичлари ўртасидаги изчилликка амал қилиш
- Ўқувчиларда ўзини-ўзи экологик камол топтириш эҳтиёжини доимий равишда шакллантириш
- ЭТда мактаб, оила ва жамоатчилик ўртасида ўзаро алоқаар ўрнатиш

**7-расм. ЭТ узлуксизлиги принципи.**

**Тарбиячи ва тарбияланувчилар ҳамкорлиги принципи**

- Тарбияланувчилар билан ўзаро ишонч асосида муносабатлар ўрнатиш
- Педагогнинг ўз экологик фикрини тарбияланувчиларга зўрлаб ўтказмаслиги
- Ўқувчиларнинг экологик фойдали ташаббусини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий кучларига ишониш
- Педагогнинг етакчи сифатида ЭТда тутган ўрнини қараб чиқиш
- ЭТвий ишларни режалаштириш ва амалга оширишда ўқувчиларга иттифоқчи сифатида қараш
- Тарбияланувчилар экологик ташаббуси ва ҳаваскорлигини тўғри изга (ўзанга) йўллаш
- Ўқувчиларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва экологик ташкилотларига таяниш

**2.8-расм. Тарбиячи ва тарбияланувчилар ҳамкорлиги принципи.**



- Экопедагогик қаровсиз ўқувчилардаги ижобий жиҳатларни кўришга ҳаракат қилиш
- Ўқувчининг нотўғри экологик юриш-туришини қоралашда унинг ижобий фазилатларини унутмаслик
- Тарбияланувчиларда экологик эзгулик шаклланишига эътиборли бўлиш, уни қўллаб-қувватлаш
- Ўқувчиларнинг ўз кучига ишонишига, экологик фазилатини намоён қилишига ёрдам бериш
- Ўқувчидаги экологик маданиятни ривожлантириш, феъл-атворидаги камчиликларни бартараф этиш
- Ўқувчиларда ўз ўртоқларининг экологик маданиятини кўриш ва қадрлаш қобилиятларини ривожлантириш
- Ўқувчиларнининг доимий равишда ўз-ўзини экологик камол топтиришга ундаш

**2.9-расм. Шахсни жамоада ЭТлаш принципи.**

- Жамоанинг экологик мақсади ҳар бир ўқувчи учун шахсан муҳимлигини таъминлашга интилиш
- Ҳар бир ўқувчининг жамоавий экологик муносабатлар тизимида муносиб ўрин эгаллашларига ёрдам бериш
- Жамоадаги ҳар бир ўқувчини қизиқарли ва қўлидан келадиган экологик иш билан таъминлаш
- Жамоанинг шахс устидан экологик амр ўтказишига йўл қўймаслик, балки ҳар кимнинг жамоа олдидаги экологик масъулиятини шакллантириш
- Жамоада ҳар бир ўқувчига психологик қулайлик яратиш ва жамоавий соғлом экологик фикрни изчил шакллантириш
- Жамоадаги экологик анъаналаридан моҳирлик билан фойдаланиш, жамоавий манфаатлар доирасида ўқувчиларнинг дўстона уюшмаларини рағбатлантириш

**2.10-расм. Экологик шахсият ижобийлигига таяниш принципи.**




**2.11-расм. ЭТга табақалашган ва якка тартибда ёндашиш принципи.**

4) ЭТ самарадорлиги тарбияланувчининг экологик фаолиятда иштирок этиши сабаблари ва ўқитувчининг мазкур фаолиятга педагогик раҳбарлик хусусиятлари билан боғлиқ шахсий фаоллик даражаси орқали аниқланиши қонунияти. Бу қонуният экологик шахсият ижобийлигига таяниш, тарбиячилар ва тарбияланувчиларнинг ҳамкорлиги, ЭТнинг яхлитлиги ва узлуксизлиги каби принциплар асосида намоён бўлади;

5) ЭТ самарадорлиги педагогнинг тегишли ёш даврида тарбияланувчиларнинг мустақиллик, эркинликка интилиши ва уларга қатъий талабли ЭТвий таъсир кўрсатиш методидан воз кечиш лозимлигини тушуниш қобилияти билан шартланганлиги қонунияти. Бу қонуният тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг ҳамкорлиги, экологик шахсни жамоада тарбиялаш каби принциплар асосида намоён бўлади;

6) ЭТнинг самарадорлиги шахснинг ўзаро муносабатлар ва ЭТвий таъсирларга муносиб тузилма сифатида тан олиниши билан шартланганлиги қонунияти. Бу қонуният юқорида таъкидланган барча принциплар асосида намоён бўлади. Демак, ЭТнинг



қонуниятлари ва принциплари уйғун бирлик ҳосил қиладики, уларнинг мажбурийлиги ва бир хил аҳамиятга эгалиги ЭТвий ишларни ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

Тарихий тараққиётнинг дастлабки босқичларида инсониятнинг табиат билан мулоқоти, табиат билан жамиятнинг ўзаро алоқадорлиги, бир-бирига таъсири узвий ва узлуксиз бўлиб, абадий муаммолар сирасига киради. Инсоният тарихи табиат тарихи билан узвий боғланган[21]. Бу ҳақиқат ЭТнинг тарихийлик принципини акс эттиради.

Табиатга нисбатан ҳурмат ва эътибор билан қарайдиган инсонлар, унинг ҳар бир қарич ерида бўлаётган ижобий ва салбий ўзгаришларни сезади, кузатади, табиатга ёрдамга боради, яъни синдирилган бутани тиклайди, касал ҳайвонни тузатади, даволайди, ифлос сувни тозалашга ҳаракат қилади, ёнғинни ўчиради ва ҳоказо[22].

Марказий Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда бу муаммонинг ечимига интилиши узоқ тарихга эга. Зеро, "цивилизация белгиларини асраб-авайлаши қанчалик зарур бўлса.... ер ва сувни асраб-авайлаш ҳам шунчалик муҳим. Ер, ҳаво, сув ва олов (Қуёш) Марказий Осиёда қадимдан эъзозлаб келинган, аждодларимизнинг зардуштийликдан тортиб то исломгача бўлган барча динлари томонидан муносиб қадрлаб келинган"[23].

Инсониятнинг муқаддас китобларидан бўлмиш «Авесто», «Қуръони карим», «Таврот», «Инжил», «Забур»ларда инсон ва табиат ўртасидаги муносабат, борлиқ ва унда инсоннинг ўрни каби муаммоларга алоҳида аҳамият берилган. Жумладан, «Авесто», «Қуръони карим», «Ҳадису шариф» ларда берилган маълумотлардан унумли фойдаланилган ҳолда ўқувчиларда ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳр оқибатлилик, табиатни эъзозлаш руҳида тарбиялаш муҳим педагогик муаммо ҳисобланади. Аждодларимиз табиатни, унинг таркибий қисми бўлган Ерни севиш, чиройига чирой қўшиш, кўкаламзорлаштириш, боғ-роғларга айлантиришни энг савобли иш деб билганлар.

[21] Турдиқулов Э.О., Турдиқулов У.Э. Марказий Осиёда экологик таълим тараққиёти. – Тошкент: "Фан", 2005. – 308 б.
[22] Мавлонова Р. ва бошқ. Педагогика: олий ўқув юртларининг бошланғич таълим методикаси факультетларининг талабалари, педагогика лицейлари ва коллежларининг ўқувчилари учун дарслик / – Т.: «Ўқитувчи», 2001. – 512 б.
[23] Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлида. 4-т. – Тошкент: Ўзбекистон. 1996. – 350 б.

Уч минг йиллик тарихга эга бўлган «Авесто»да атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига, шу жумладан табиатга, ерга, сувга, дарахтларга, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига, ерга, боғ ва экинзорларга бўлган ҳурмат, чорвачиликни ривожлантириш, айниқса йилқичиликни ривожлантиришга, сувни муқаддас тутишга ва атроф-муҳитга бағишланган масалаларга алоҳида эътибор берилган.

Бу қонун-қоидалар ҳозиргача халқ анъаналари сифатида сақланиб келинмоқда. Тарихдан маълумки, «Авесто»да она-Заминни қадрлаш, табиатни эъзозлаш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш, она-Заминдаги сувга ҳаёт манбаи сифатида қараш, ҳаво ҳамда оловни эъзозлаш марказий масалалардан ҳисобланади. Айниқса, бу китоб аждодларимизнинг табиатга, еру сувга, қуёш ва ҳавога бўлган илоҳий муносабатларини мукаммал ёритиб бергани билан қимматли.

Қадимий Шарқда, Турон замини халқларида «Авесто» ғоялари таъсирида она ерни муқаддас билиш, табиатни асраб-авайлаш, табиий бойликлардан самарали фойдаланиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик каби хислатларни тараннум этувчи достонлар, эртаклар, асотирлар, нақллар, ривоятлар, афсоналар, қайроқи сўзлар, афоризмлар шаклланган.

«Авесто» («Овасто», «Огоҳнома», «Донишнома») таълимотида ер шарининг ҳар бир қаричига қараб, унинг муқаддаслиги ҳақида Шарқ ва Ғарб халқлари сингари, ўзбекларнинг қонига сингиб кетган. Ўзбек миллий урф-одатларига кўра, она-Заминни севмаслик ва ҳурмат қилмаслик одобдан эмас, чунки Ер саҳий ва марҳаматли, ер шарининг ҳар бир қаричига қараб, унинг муқаддаслиги ҳақидаги таълимоти, барча Шарқ ва Ғарб халқлари сингари, ўзбекларнинг қонига сингиб кетган. Ўзбек миллий урф-одатларига кўра, Она Ерни севмаслик ва ҳурмат қилмаслик одобдан эмас, уни эъзозламаслик одобдан эмас Ер инсонни кийинтиради, тўйдиради, қанча саховати, марҳамати бўлса ундан аямайди.

Қадимий Зардуштилик динининг «Авесто» китобида авлодлар учун 4 та нарса: Ер, Олов, Сув, ва Ҳавони ифлослантириш катта гуноҳ, деб қайта-қайта эслатилган. «Авесто»да бу тўрт унсурни ифлослантирган кишиларга нисбатан оғир жазо ҳам белгиланган. Муқаддас китоб ўгитларига амал қилмай, гуноҳни содир этганлари учун 400-800 қамчи уриш жазоси белгилаб қўйилган. Шунингдек,



кўча эшиги ёнига аҳлат тўплаб хонадон соҳибига жамоа оқсоқолининг ҳукми билан 25 қамчи, ҳовуз ёки чашмадан нопок кўза ё челакда сув олган шахсга 5 қамчи урилган. Анҳор ва ариқ бўйларида уй ҳайвонларини боқишга, отларни боғлашга рухсат этилмаган, қудуқ ва ҳовуз сувларини ифлос қилганларга катта жарима солинган. Бундан ташқари, ичимлик сув манбалари соҳилига мевали дарахт ўтказмаслик ҳам одамларнинг хусусан, ёш авлод соғлигини сақлаш, ҳар хил касалликларнинг олдини олишда муҳим омиллардан ҳисобланган. Шунинг учун "Авесто"да табиатни, яъни сув, тупроқ, олов, ҳаво, қуёшни эъзозлаш ва инсоннинг яратувчанлик меҳнатини улуғлаш бирламчи аҳамият касб этган[24].

«Авесто» таълимотида кўрсатилишича, инсон ўсиб-улғайгач она-Заминни севиб, ардоқласа, атроф-муҳитни тоза сақлашни ўзининг ватанпарварлик бурчи, деб тушунса, билингки, унда бу ҳаётий ғоялар бугунги кунда мос келади.

«Авесто» таълимотида ёзилишича, агар инсон ўсиб улғайганида, агар у онасини Ерни севса ва ҳурмат қилса ва унинг ватанпарварлик вазифаси тоза муҳитни сақлаш эканлигини англаса, унда бу ҳаётий ғоялар бугунги кунда жуда долзарбдир.

Айниқса, «Авесто» таълимотида талқин этилган «Ҳар бир инсон ўсиб-улғайган заминини энг яхши ва гўзал мамлакат ҳисоблайди»[25], такидланган ғоялар фикримиз далили.

Маълумки, ўзбек миллатининг миллий менталитети шаклланишида ислом таълимоти муҳим ўрин тутади. Ислом динининг муқаддас китоби ҳисобланган Қуръонда табиатни асраб-авайлаш, жонли ва жонсиз табиатни эъзозлашга катта эътибор қаратилган. Ислом таълимоти айрим ҳайвонларни, қушларни овлашни ман этади, дарахт ва ўсимликларни парвариш қилишни тарғиб этади.

БСЎни табиатни эъзозлаш руҳида тарбиялаш борасида мақолларининг тутган ўрни беқиёсдир. Масалан, «Экмоқ ниятида

[24] «Республикада экологик таълимни ривожлантириш ва эколог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш истиқболлари концепцияси» – // Экология хабарномаси. – 2006. – 1-сон. -Б. 8-27.

[25] Аврамов З.М., Рафиков А.А. Прошлое, настоящее и будущее Аральского моря. – Ташкент «Мехнат», 1991. – 143 с.

қўлингизда кўчат турган пайтда, беҳосдан қиёмат қайим бўлиб қолиши аниқ бўлганда, улгурсангиз уни экиб қўя беринг»[26].

Ўқувчиларда табиат фавуно ва флорани севиш, сув, тупроқ, олов, ҳавони эъзозлаш билан атроф-оламдаги жамики жонли ва жонсиз нарсаларни пок, бус-бутун сақлашга, болага кичиклигидан бошлаб ўзи ўсиб-улғаётган заминни, атроф-муҳитни юксак эътиқодни ардоқлашга бурчли эканлигини сингдириш ўтмиш авлодлардан қолган мерос.

Маълумки, аждодларимиз бола тарбияси масаласига алоҳида эътибор билан қараганлар ва бу борада ибратли анъаналарни вужудга келтирганлар. Жумладан, уларга гўдаклик чоғлариданоқ ахлоқий ва меҳнат тарбияси берилган. Уларда меҳнатга муҳаббат, атроф-муҳитга ҳурмат, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ҳисси сабот билан сингдирилган. Масалан, атрофни ифлослантирмаслик учун ахлатларни махсус тайёрланган чуқурларга ташлаш, ҳожатхоналарни ариқ, сой, булоқ сувларидан узоқроқ жойдан қуриш, ёнғин хавфсизлиги чорасини кўриш, эҳтиёжлар учун яшнаб турган дарахтдан эмас, балки қуриб қолганларидан фойдаланиш, ниҳолларни синдириб, пайҳон қилмаслик, қушларнинг уясини бузмаслик каби хатти-ҳаракатлар шакллантирилган.

ЭТга оид тушунчаларни ота-боболаримиз асрлар давомида фарзандларга оила даврасида "Сувга туфлама, уни ифлос қилма, чунки ҳамма жониворлар уни ичиб баҳра олади", "Гуллаб турган мевали дарахтнинг новдаларини синдирма, у мева беради, сиз уни ўзингиз истеъмол қиласиз", "Пишиб етилмаган узумни узма, агар узсанг, катта гуноҳ иш бўлади", деб панду насиҳат қилганлар.

ЭТлаш тизими болалар боғчаларида, умумтаълим мактабларида, таълимнинг кейинги босқичларида, меҳнат жамоаларида давом эттирилади. Кузатишлардан кўринадики, ҳозирги пайтда оилаларда экологик саводхонлик анча паст. Масалан, ҳозир кўплаб одамлар молларини экинзорларда, боғларда ҳатто мевали ва манзарали дарахтларга боғлаб боқишади. Ахир ўтмишда халқимиз қарамоғидаги ҳайвонларига махсус подачи сақлаган ёки моли бор кишилар навбат билан пода боққан-ку. Бунинг устига ҳозиргидек ҳайвонларни дуч келган жойда эмас, алоҳида ажратиб қўйилган қир-адрлар, яйловларда ўтлатган. Экотуризим ва оилавий дам олишга чиқилганда ўт-ўланлар пайҳон

[26] Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. - Тошкент, 2001. - 767 б.



қилинмаган, қир-адирларда овқат қолдиқлари, шиша синиқлари ташлаб кетилмаган. Дарахтлар, ўсимликлар олами ва ҳайвонларга зарар келтирилмаган.

Табиатни эъзозлаш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш ҳақидаги йўл-йўриқлар асрлар давомида Шарқ алломалари учун қўлланма ва илҳом манбаига айланган. Аждодларимиз таълимоти бўйича табиатни эъзозлаш, борлиққа нисбатан ижобий ва эътиборли муносабатда бўлиш ҳар бир инсоннинг муқаддас вазифасига айланиши шарт. Зеро, табиатга меҳр кўрсатмаган, ундан меҳр-муҳаббатини аяган, дунё таълимотида муқаддас саналган ер, сув, ҳаво ва оловни илоҳий неъмат сифатида эъзозламаган инсоннинг, халқ ва миллатнинг истиқболи порлоқ бўлмайди.

Ёш авлодни табиатни эъзозлаш руҳида тарбиялашда ота-боболаримиз табиат гўзалликларига ҳавас туйғусига алоҳида эътибор бериб, уларга табиат ҳодисалари, қуёш, ой, юлдузлар ҳақида халқ оғзаки ижоди намуналаридан айтиб беришган. Ана шундай воситалар ёрдамида болалар онгида табиат, табиий ҳодисалар ҳақида тасаввур ҳосил қилиб, табиатни эъзозлаш, гўзаллик яратиш туйғусини камол топтирганлар.

Аждодлардан, ота-боболардан рисоладагидек йўл-йўриқ, таълим тарбия олган кишиларда табиатга меҳр-муҳаббат тамомила бошқача бўлади[27]. Жумладан, Шарқда ҳайвонот дунёсини эъзозлаш қадим замонларга бориб тақалади. Маълумки, одамлар ўз ақл-идрокига эга бўлган даврдан бошлаб туғилган фарзандларига ўн икки ҳайвон номи билан турк тақвими: Сичқон, Сигир, Йўлбарс, Қуён, Балиқ, Илон, От, Қўй, Маймун, Товуқ, Ит, Тўнғиз мучалларини беришган. Мучал 12 ҳайвон номи билан аталадиган йил ҳисоби бўлиб қадимда японлар, кореяликлар, мўғуллар, хитойликлар ва турк халқлари кўп асрлар давомида шу ҳисобга амал қилганлар[28].

12 мучал йили ҳақида Беруний, Улуғбек асарларида ҳам маълумотлар бор. Мучал ҳисоби замирида аждодларимизнинг чуқур илмий тафаккури, узоқ йиллик кузатиш ва ҳаётий тажрибалари ётади. Маълум бўлишича, қадимда туркий қавмлар ерга яқин «юлдуз"лар – етти сайёрани яхши билишган. Дарвоқе,

[27] [illegible] Ҳ.А. Ўқувчиларни синфдан ташқари ишлар жараёнида экологик-гигиеник тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитлари (VII–IX синфлар мисолида): Пед. фан. номз. … дисс. автореф. Тошкент, 2005. -22 б.
[28] Saidboboyev Z.A. Tarixiy geografiya. – T.: Noshir, 2010. – 165 b.

теп-текис чўлда яшайдиган халқлар учун юлдузлар йўл кўрсаткич вазифасини ўтарди. Юлдузларга қараб, осмон жисмларидан айримларининг турғун, бошқаларининг ҳаракатланишини, табиатдаги кўп ҳодисаларнинг такрорланиб туришини ва оқибатда вақтни англай бошладилар. Халқ ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлана боргани сайин узоқроқ муддатли вақт бирликларига эҳтиёж туғилиши табиий. Хуллас, кичик кашфиётлар анча мукаммал вақт ҳисоби – мучални ихтиро қилиш томон йўл бошлади. Мучал йили – 21 мартдан келгуси йилнинг 20 мартигача.

БСЎ ўз мучалларини билишлари ва шу билан бирга уларда табиатни англаш, ундаги ҳодисаларни ўрганиш, табиат билан ижобий муносабатда бўлиш, ҳайвонот оламини эъзозлаш каби фазилатларни шакллантириш зарур. Ана шу ғоялардан таълим жараёнида фойдаланилса яхши самара беради.

Ўрта осиёлик олимлар фан оламида шундай ижод қилиб ўтганларки, улар яратган илмий ғоя ҳамда кашфиётлар фанда янги йўналишларнинг вужудга келишига сабабчи бўлган. Улар ҳали экология фани вужудга келмаган даврда табиат, унинг мувозанати, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиатни эъзозлаш ҳақида қимматли фикрлар айтганлар. Табиат ҳақидаги фанларнинг ривожланишига Ўрта аср Шарқ алломаларидан Хоразмий, Форобий, Беруний, ибн Сино катта ҳисса қўшганлар. Бу алломаларнинг табиат ва унинг ҳодисалари, табиатнинг инсонга, инсоннинг табиатга муносабати масалалари бугунги кун «Марказий осиёда экологик таълим тараққиёти» номли асарида экология фанининг ривожланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган педагог олим Э.О.Турдиқулов томонидан батафсил ёритилган[29].

Она-Заминни мўътабар билиб эъзозлаган, ариқ қазиб сув келтирган, дов-дарахт экиб обод қилган, ташландиқ жойларни гулзорга айлантирган, кўприк қурган, бинолар барпо этган кишилар Шарқда улуғ зот ҳисобланган. [67; 233-б.]. Ана шундай улуғ инсонлардан бири – бу Амир Темур. У Самарқанд атрофида 14 та боғ қурдирган. У шундай дейди: «Қаердан бир ғишт олдирсам, ўрнига 10 та ғишт қўйдим. Қаердан бир туп дарахт кестирсам, ўрнига 10 та кўчат эктирдим. Шоҳ бўлсанг-да, дарахт эк, гадо бўлсанг-да дарахт эк, бир кунингга керак бўлади».

[29] Турдиқулов Э.О., Турдиқулов У.Э. Марказий Осиёда экологик таълим тараққиёти. – Тошкент: "Фан", 2005. – 308 б.



Аждодларимизнинг ЭТга оид асрий тажрибалари, бой анъаналаридан унумли фойдаланиб, унинг ижобий томонларини замонавий мезонлар асосида давом эттириш, ижодий ривожлантириш бугунги кун талаби. Шу орқали ўтмиш билан келажак авлодлар ўртасида «мустаҳкам кўприк» – ўзаро алоқадорликнинг тарихий боғланиши юзага келади ҳамда умумбашарий аҳамият касб этиб келаётган табиатни эъзозлаш ҳар бир инсоннинг олийжаноб бурчи ва масъулияти эканлиги хусусидаги аждодларимиз сабоқларида таъкидлаб ўтилган.

Асрлар мобайнида шаклланган, авлоддан-авлодга бебаҳо мерос сифатида ўтиб келаётган миллий урф-одат ва анъаналаримиз табиатни эъзозлашга оид тушунчалар шаклланишида муҳим омил бўлади. Демак, ўтмишда ЭТга алоҳида эътибор қаратилган. Ўтмишни билмасдан, ҳозирги ҳолатдан хабардор бўлмасдан, келажак ҳақида ўйлаш мумкин эмас. Янгиланаётган Ўзбекистоннинг асосий хусусиятларидан бири – бу тарбия тизимининг умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида қайта қурилиши. Аждодларимиз қолдирган экологик мазмундаги маданий меросда барча даврлар учун керак бўладиган ажойиб ғоялар, фикрлар борки, улар бугунги тараққиёт учун ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Педагогик психология маълумотларига кўра, кичик мактаб ёшидаги (7 ёшдан 11 ёшгача) ўқувчиларда таълим олишга эҳтиёж, ихтиёрий эркинлик, иш-ҳаракатларнинг ички режаси, ўз-ўзини назорат этиш ва ўз руҳий ҳолати ҳақида фикр юритиш, уни таҳлил этишга мойиллик юзага келади[30].

БСЎни экологик фаолиятини муваффақиятли ташкил этиш учун ўқитувчи қуйидагиларни билиши лозим:

1) БСЎ экологик фаолиятининг психик тузилмаси, унинг ривожланиш қонуниятлари; 2) ўқувчи шахсининг экологик эҳтиёжлари ҳамда экологик фаолият мотивларининг хусусиятлари;

[30] Рафиков А.А. Табиатда экологик мувозанат. – Тошкент: Фан, 1990. –88 б. Сайдаматов Ф.Р. Узлуксиз таълим жараёнида экологик ўлкашунослик воситасида ўқувчиларнинг ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш. // Узлуксиз таълим. -Тошкент. -2017. - 3-сон. Б. 1-7. Саидахмедов Н. Педагогик амалиётда янги технологияларни қўллаш намуналари. – Тошкент: РТМ, 2000. - 46 б. Саидахмедов Н. Янги педагогик технология: таҳлил, таъриф, мулоҳазалар. –Тошкент: Ўқитувчи, 2000. – 42 б. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши: Насаф, 2000. – 80 б.

3) экологик шахс камолотининг кичик мактаб ёши даврида етакчилик қиладиган фаолият турлари.

Шунингдек, БСЎдан қуйидагиларни эплай олиш талаб этилади:

1) БСЎнинг экологик фаолиятини режалаштира олиши (уларнинг ёши, ўзига хос хусусиятлари, қизиқишлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда фаолият объектлари ва предметини аниқлай билиши); 2) ўқувчиларда экологик фаолият мотивларини шакллантириши ҳамда рағбатлантириши;

3) болаларнинг экологик фаолият таркибий қисмларини (мақсади, уни режалаштириш, муайян хатти-ҳаракат ва амалларни бажариш, ўз-ўзини назорат қилиш ва баҳолаш) ўзлаштиришини таъминланиши.

Бошланғич мактабларда ЭТнинг юқорида таъкидланган илмий-назарий жиҳатларига таянилган ҳолда БСЎни ЭТлашнинг мавжуд ҳолати ишимизнинг кейинги қисмида баён этилади.

## 1.3. Бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялашнинг мактаб амалиётидаги ҳолати

Мамлакатимизда узлуксиз экологик таълимни ривожлантириш йўлида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, ЭТ воситасида табиатни эъзозлашни ўқувчилар онгига сингдириш бошланғич синфдаги таянч вазифалардан бири. Шу сабабли «Республикада экологик таълимни ривожлантириш ва эколог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг (педагогик кадрларни) малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш истиқболлари концепцияси»да таълимнинг ушбу босқичига ўта жиддий эътибор бериш кераклиги таъкидлаб ўтилган[31].

Экологиядан ДТСда ўқувчилар билишлари зарур бўлган қуйидаги экологик масалаларга алоҳида эътибор қаратилган[32]: Давр ЭТлашга оид экологик муаммоларни билишни тақозо этади; экологик муаммоларни ҳал этиш йўлларини аниқлаш ва бартараф этиш; БСЎни ЭТлаш технологиялари мазмунини белгилаш; БСЎни ЭТлашда фанлараро алоқани амалга ошириш; дарсдан ташқари вақтларда ЭТлаш технологияларини амалга ошириш йўллари.

---

[31] «Республикада экологик таълимни ривожлантириш ва эколог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш истиқболлари концепцияси» – // Экология хабарномаси. №1. – 2006. – Б. 8-27.

[32] Турдиқулов Э.О. Экологиядан давлат таълим стандарти // Халқ таълими. – Тошкент. №1. – 2000. – Б. 79-82.



БСЎ табиат ҳақидаги экологик билимларни «Атрофимиздаги олам», «Табиатшунослик» фанларини ўрганиш жараёнида олади ва мустаҳкамлайди. Жумладан, компетенциявий ёндашув асосланган ДТСда атроф-муҳитга оид тушунчаларни шакллантиришга алоҳида урғу берилган. Унда атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва инсон экопедагогикасига оид билимларнинг эгалланишига катта эътибор қаратилган. Бунда шахснинг фақат жисмоний ҳолатидаги мўътадиллик ва барқарор ривожланиш эмас, балки экопедагогик маънавияти, табиат, атроф-муҳит, бошқа кишилар билан ахлоқий муносабатларига ҳам катта эътибор қаратилган.

ЭТ ва билимларни умумтаълим фанлари мазмунига сингдирилиши тақозоси туфайли фанлар интеграциясида ҳам ушбу жиҳат ўзига хос ёндашишни талаб этади. Табиатшунослик фанида бу ёндашув атроф-муҳит, олам ва одам, умуман, борлиқни қамраб олган ҳолда бирмунча тўлиқ маълумотларни ўз ичига қамраб олади. Она тили, математика, ўқиш, тасвирий санъат ва мусиқа фанлари мазмунига бевосита табиатга дахлдорликни сингдириш, келтирилган бадиий асар намуналаридаги табиат тасвири ва ундаги гўзалликни ҳис эттира олиш, асар қаҳрамонларининг табиатни эъзозлаш руҳидаги ёки аксинча, қарашларини таҳлил қилиш, уларни чизгиларда акс эттириш каби ҳолатларга эътибор қаратиш лозим бўлади. Шунингдек, бошқа фанлар мазмунига ҳам ушбу тушунчалар моҳиятини сингдириб бориш баркамол авлодни вояга етказишдек масъулиятли вазифани адо этишга ёрдам беради.

Таълим-тарбия сифатини таъминлашда экологик мазмундаги методик ишлар кўламини кенгайтириш, мазкур йўналишда илмий ишлар, ўқитувчилар учун методик ишланма ва тавсияларни яратишни кенг йўлга қўйиш ҳам ўзига хос аҳамият касб этади.

Экологик таълим-тарбия – бу инсоннинг табиатга қадам қўйган вақтдан бошлаб, бутун ҳаёти давомида табиатдан онгли равишда фойдаланиш, психологик ахлоқ-одоб юзасидан, халкимизнинг табиатга нисбатан ҳурмат-эътибор билан қарайдиган яхши урф-одатлари, удумлари асосида ёшларни тарбиялаш, уларда табиат, унинг хилма-хил бойликларига меҳр-шафқат уйғотиш, тежамкорликка ўргатиш, табиий бойликларни купайтириш, боғ-роғлар, гулзорлар ташкил қилишга ундаш, уларнинг қалбида яхши хислатлар уйғотишдан иборат[33].

---

[33] «Авесто» ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. – Тошкент: Фан, 2001. – 19 б.

Маълумки, умумтаълим мактабларида ижтимоий ўқув фанларини ўқитишда экологик таълим-тарбияни амалга оширишнинг интегратив дастурида ўқувчиларни табиатни муҳофаза қилишга ўргатишга алоҳида эътибор берилган[34]. Масалан, ўсимликлар ва ҳайвонот олами, сув ҳавзалари, тупроқ қатлами, атмосферага инсоннинг ижобий ва салбий таъсири; Ўрта Осиё олимлари ишларида ўсимликларнинг инсон саломатлигини сақлашдаги аҳамияти, рекреация зоналарида инсон хулқи ва бошқалар. Бошланғич синфда бериладиган экологик билимлар юқори синф ҳамда академик лицей (АЛ) ва касб-ҳунар коллеж (КҲК)лари, олий таълим муассасаси (ОТМ) да бериладиган билимларнинг асоси эканлигини эътиборга олган ҳолда, ўқувчиларни табиатни эъзозлаш руҳида ЭТлашга етарлича эътибор қаратилмаганлигининг гувоҳи бўлдик.

Ўқувчиларнинг мавжуд билим даражаларини аниқлаш мақсадида анкета сўровномалари ўтқазилди (1-иловага қаранг).

Бу фаолият қуйидаги режа асосида амалга оширилди:

Тажриба-синов майдонлари қилиб белгиланган умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларидаги ўқув-тарбия жараёни ва синфдан ташқари машғулотлар ўрганилиб, таҳлил этилди. БСЎ берилаётган билим, кўникма, малака ва компетенцияларнинг фанлараро ўқитишдаги узвийликни таъминлаш она тили, ўқиш, математика, табиатшунослик, жисмоний тарбия, технология, тасвирий санъат ва мусиқа дарсликлари орқали ўқувчиларнинг ЭТлашга оид билим, экологик маданияти қай даражада эканлигини аниқлаш мақсадида дастур мазмуни билан боғлиқ бўлган анкета саволлари тузилиб ўқувчилардан жавоб олинди.

I-IV синф ўқувчиларининг анкета саволларига олинган жавобларидан уларнинг ЭТ ҳақидаги тушунча ва билимлари паст даражада эканлиги аниқланди:

1. Ўқувчилар дастур билан боғлиқ бўлган ЭТга оид тушунчаларни деярли билмайдилар. 2. Улар маҳаллий шароитга хос бўлган ЭТлашга оид экологик билимлар тизимига эга эмас. 3. Улар табиатни эъзозлаш тушунчаси билан табиатни асраш, табиат бойликларидан фойдаланиш тушунчаларининг фарқига

[34] Умумтаълим мактабларида ижтимоий ўқув фанларни ўқитишда экологик таълим-тарбияни амалга оширишнинг интегратив дастури. -Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, РТМ., 2000. -34 б.



боришмайди. 4. Ўқувчиларнинг табиатни эъзозлаш ҳақидаги билим ва синфдан ва мактабдан ташқари машғулотларда виртуал электрон дастур ва дидактик функциялари мавжуд эмаслиги таълим сифатига салбий таъсир этади.

БСЎнинг экологик билиш салоҳияти ўқитувчининг экопедагогик билим даражаси, методик маҳоратига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов «Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз»[35] деган фикрлари, шубҳасиз, бошланғич синф ўқитувчиларига ҳам тааллуқли.

Бошланғич синф ўқитувчиларининг экологик билимлари қай даражада эканлигини аниқлаш мақсадида қуйидаги саволлар тузилди ва тажриба-синов ишлари ташкил этилган умумтаълим мактабларининг 31 нафар ўқитувчиси фикри ўрганилди.

Бу анкета-сўровномаларига Тошкент шаҳрининг 28-, 219-; Жиззах вилояти Мирзачўл туманининг 5-, 18-; Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги 1-; Шеробод туманидаги 1-умумтаълим мактабларининг 31 нафар ўқитувчиси жавоб беришди ва ушбу жавоблар орқали БСЎни табиатни эъзозлаш руҳида тарбиялаш борасидаги олиб борилиши лозим бўлган фаолият мазмуни аниқланди.

Бошланғич синф ўқитувчилари билан ўтказилган анкета саволлари таҳлилидан маълум бўлдики, мактабда ЭТ бериш учун имконият, шарт-шароитлар мавжуд, аммо ўқитувчи ва ўқувчилар учун махсус қўлланмалар, методик тавсиялар, кўргазмали плакат, кинолавҳаларнинг етарли эмаслиги, синфдан ташқари машғулотларда виртуал электрон дастур ва дидактик функциялари мавжуд эмаслиги ўқувчиларга тизимлашган экобилимлар беришга тўсқинлик қилади. Таъкидлаш лозимки, ўқитувчиларнинг замонавий педагогик технологиялар бўйича билими, кўникма, малака ва компетенциялари ҳам талаб даражасида эмас.

Олиб борилган тадқиқот ишлар таҳлили асосида ўқитувчиларнинг ЭТлаш технологияларини етарлича ўзлаштирмагани кўзга ташланди. Бу муаммонинг ечимини аниқлаш мақсадида «Она

[35] Пулатова Д. Экологик таълим-тарбия бериш орқали табиат-шунослик дарсларида ўқувчилар фаоллигини ошириш технологияси // Халқ таълими. – Тошкент. – 2016. – 3 сон. – Б. 93–98.

тили», «Математика», «Ўқиш», «Атрофимиздаги олам», «Табиатшунослик», «Тасвирий санъат», «Технология», «Тарбия» ва «Мусиқа» фанларидан яратилган ўқув дастурлари ҳамда дарсликлари таҳлил этилди[36].

Демак, дарсликларда бериладиган ЭТга оид билимлар тизими мақсадга мувофиқ эмас. Уни такомиллаштириш керак. Бунинг учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш зарур:

1. Ўқув дастурлари ва дарсликлардаги экологик таълим-тарбия мазмуни орасидаги узвийликни таъминлаш. 2. Ўқув адабиётларига сингдирилиши зарур бўлган ЭТга оид материаллар мазмуни ва ҳажмини аниқлаш. 3. Мавзулар мазмунининг кетма-кетлигини белгилаш. 4. Ўқитувчиларнинг ўқувчиларга инновацион методлар воситасида ЭТ беришга тайёрлашнинг педагогик имкониятларини аниқлаш.

Бошланғич таълим тизими бўйича малака ошириш курсларида қўлланиладиган ўқув дастури, режа, дарсликларни, методик ишланма, ўқув жараёни фаолиятини кузатишни лозим топдик. Бошланғич таълим ўқитувчиларига методик ва амалий ёрдам берадиган журналлар (Бошланғич таълим, Халқ таълими, Узлуксиз таълим) таҳлилидан маълум бўлдики, олимлар БСЎга экологик таълим беришга эътиборларини қаратмоқдалар. Жумладан, М.Алиқулова, А.Мелибоев, Т.Рахимова, З.Артикбаева, М.Ширинов, Д.Пулатова, И.Аюбова, Ф.Р.Сайдаматов, Н.А.Мирзаева, А.Бахрамов, Н.Равшанова, Д.Салимов, В.Тожиев, Ш.Дусанова, Г.Исмоилова, Д.Исмоилова, М.Т.Тохтаходжаева, С.Мамашокиров, А.Тошев, Э.О.Турдиқулов, Ю.Ғ.Маҳмудов, А.Шамшетова ва бошқаларнинг илмий мақолалари таҳлилидан маълум бўлдики, БСЎга экологик таълим беришга эътибор қаратилмоқда.

Таҳлиллардан маълум бўлдики, БСЎга экологик таълим бериш муаммоларига асосий эътибор қаратилган. Аммо БСЎни табиатни эъзозлаш руҳида ЭТлаш технологияси муаммоси илмий-методик жиҳатдан махсус тадқиқ этилмаган. Ушбу педагогик муаммони ҳал этиш – давр талаби. Биз ана шу муаммони ҳал этишни мақсад қилиб қўйдик.

---

[36] Компетенсиявий ёндашув асосидаги Давлат таълим стандарти. -Т. 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон қарори.



Ўқув дастурлари мазмунига сингдирилган ЭТга оид билимлар тизимли, узвийлик асосида ёритилмаган. Дастурда келтирилган тарбиявий материаллар дарсликлар мазмунида тўлиқ ўз аксини топмаган. Бу эса БСЎни ЭТлашга оид билимлар тизимини очиб бера олмайди, деган хулосага келишимизга асос бўлди.

Ваҳоланки, экологик тушунчалар бошланғич синфларда таркиб топади. Бундан ташқари, I-IV синф болалари табиат билан бевосита боғланган бўлиб, ҳар доим табиат бағрида бўладилар, муҳими, атроф-муҳит, табиатда содир бўладиган ҳодисаларни билишга қизиқадилар. Уларнинг ана шу талабларини қондириш зарур. Шунингдек, БСЎни ЭТлашга оид билимлар тизими улар-нинг фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлишига эътибор қаратилмаганли-гини кўрсатади.

БСЎнинг экологик билим даражаси таҳлили, дастур, дарсликлар, илмий тадқиқотлар таҳлилидан қуйидагича хулоса чиқарилди: БСЎнинг табиатни эъзозлаш ҳақидаги экологик билимлари етарли эмас. Бунинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат: мактабларда дарс бераётган бошланғич синф ўқитувчилари олийгоҳларда ўқиганларида экология ва уни ўқитиш методикасига оид билимларга эга бўлсалар-да, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни ЭТлаш кўникма ва малакасига эга эмаслар; ўқитувчилар ҳам БСЎни ЭТлаш технологиясига оид синфдан ташқари машғулотларда виртуал электрон дастур, методик қўлланмалар билан таъминланмаган; БСЎ учун ЭТлаш технологиясига оид махсус қўлланмалар яратилмаган.

БСЎни ЭТлашнинг амалдаги мавжуд ҳолатини таҳлил қилиш, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг бу ҳақидаги фикрларини ўрганиш, ўқув дастури, дарслик, диссертациялар таҳлили натижасида қуйидагилар аниқланди:

1. Бошланғич синф ўқитувчиларининг ЭТлашга оид билим, кўникма, малака ва компетенциялари етарли эмас. БСЎни ЭТлашга ёрдам берадиган махсус қўлланма, кўргазмали восита (плакат), видео лавҳалар, синфдан ташқари машғулотларда виртуал электрон дастурлар мавжуд эмас.

2. Дастурда БСЎни ЭТлашга оид материаллар мазмуни ўз аксини топмаган.

3. I-IV синф дарсликларида ЭТлашга оид тушунчалар етарли даражада ўз аксини топмаган.

4. БСЎни ЭТлашнинг умуминсоний характерга эга бўлган асосий муаммолари ўрганилиб, амалиётга жорий қилинмаган.

5. БСЎни ЭТлашнинг тарихий, миллий-маданий, умуминсоний асосларидан фойдаланиш муаммоси илмий-амалий жиҳатдан етарли даражада ҳал этилмаган.

6. Бошланғич синф ўқувчиларини ЭТлашда интерфаол методлардан фойдаланишни ташкил этиш муаммосига етарли равишда эътибор берилмаган.

7. Дарс ва синфдан ташқари вақтларда БСЎни ЭТлашга оид имкониятларидан фойдаланиш деярли эътибордан четда қолмоқда. Ўқувчи тарбиясида у яшаб турган шароит, муҳит, кишиларнинг фаолияти катта ўрин тутади ва бу соҳада оила, мактаб шароити ҳам катта эътиборга молик[37].

Дастлабки тажриба-синов натижалари ва манбалар таҳлили БСЎни ЭТлашни амалий жиҳатдан тайёрлаш муаммосига эътибор қаратилмаганлигини исботлади.

Дарсдан ташқари машғулотлар барча ўқувчилар учун мажбурий эмас, балки қизиққан ўқувчиаларни жалб қилади. Дарсдан ташқари ишларнинг мазмуни фақат дарслик билан чекланиб қолмайди, балки дарсликдан чиқариб ташланади ва кўп жиҳатдан ўқувчиларнинг қизиқишларига боғлиқдир. Хусусан, бошланғич синф ўқувчиларининг қизиқишлари кўпинча бошланғич синф ўқитувчиси таъсирида шаклланади. Дарсдан ташқари тўғри ташкил этилган машғулотлар катта тарбиявий аҳамиятга эга. Бундай машғулотлар ўқувчиларга дарсда олган билимларини кенгайтириш, тушуниш ва чуқурлаштириш имконини беради. Бошланғич синфларда дарсдан ташқари машғулотларнинг асосий мақсади ўқувчиларнинг мактабдан бўш вақтини самарали ташкил этиш, уларнинг ақлий, меҳнат ва ижодий фаоллигини ривожлантириш, ижтимоий мослашуви ва фан асосларини мустақил ўрганиши учун имкониятлар яратишдан иборат.

[37] Исмоилов А., Аҳмадов Р. Экологик таълим-тарбия. - Т.: Ўқи-тувчи, 1997.- 120 б.



# II БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ЭКОЛОГИК ТАРБИЯЛАШНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

## 2.1. Бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш мазмуни ва унга мажмуавий ёндашиш

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича белгиланган вазифаларни амалга ошириш, республика ҳудудларидаги экологик муаммолар ечимини, экологик саводхонликни, экологик онгини ва маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришни ёш авлодга таълим орқали амалга ошириш устувор йўналишлар этиб белгиланди.

"Таълим тўғрисида"ги ва "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ узлуксиз таълим тизимида экологик таълимни ривожлантиришнинг асосий принципларини белгилаш, уларни таълим-тарбия жараёнига изчиллик билан босқичма – босқич татбиқ қилиш ва шу асосда экологик таълимнинг самарадорлигини янги босқичга кўтариш.

БСЎни табиатни эъзозлаш руҳида тарбиялаш мазмуни табиат ҳодиса ва жараёнлари тўғрисида ўқувчиларда тушунча ва тасаввурни таркиб топтириш ва тизимлаштириш, уларнинг ахлоқий тажрибаларини бойитиш, тўғри хулқ-атвор кўникмаларини шакллантириш, борлиқни эъзозлаш, атрофидаги оламга эътиборли бўлиш, инсон меҳнати билан бунёд этилган нарсаларга эҳтиёткорлик ва масъулият билан муносабатда, жонажон ўлкаси ҳамда Ватани табиатини эъзозлаш ва қадрлашга ўргатишни қамраб олади.

Ўқувчиларда табиат билан бевосита мулоқот маданияти, табиатга нисбатан масъулиятли муносабат, хулқ-атвор меъёрларини тарбиялаш уларнинг табиат муҳофазаси бўйича баҳоли қудрат фаолиятини ташкил қилишни назарда тутади. Табиат билан таништириш саёҳатлар, ўқув сайрлари давомида, шунингдек, амалий ишлар ташкил қилинганда ўтказиладиган кузатишлар асосида амалга оширилади. Табиат ва унда бўладиган ўзгаришларни ҳар куни кузатиб боришни ташкил этиш катта аҳамиятга эга.

Экологик маданият фаол экологик фаолиятга тайёрликни назарда тутади. Табиатни эъзозлаш руҳида тарбиялашни мунтазам

равишда босқичма-босқич кенгайтириб бориш, табиатни муҳофаза қилувчи фаол позицияни, табиатни эъзозлаш қадриятларни амалда татбиқ этишга тайёрлик-ни шакллантириш мумкин. Таълимга ва фаолиятга асосланган ёндашув ана шундай салоҳиятга эга. Атроф-муҳит интеграцияси фаол ёндашув асосида амалга оширилиши керак, бу фаол ҳаракатлар устуворлигини, табиатни эъзозлашни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратишни, амалий фаолият тажрибасини кенгайтиришни англатади.

Табиатнинг яшаш ҳуқуқи бор, у инсон мавжудлигининг манбаи эмас, табиат ички дунё. Табиатдан кучлироқ бўлса ҳам, инсон хоҳлайдими ёки йўқми, унинг мавжудлиги, Ердаги ҳаёт учун жавобгарликни ўз зиммасига олди. Ҳаётга ҳурмат принципи табиий ресурсларни истеъмол қилиш нуқтаи назаридан ўзини тутиш ҳолатига йўналтиришни назарда тутади.

БСЎни табиатни эъзозлаш руҳида тарбиялаш долзарб масалалардан бўлиб, Ер юзида аҳоли сони йил сайин ортиб бормоқда, табиий ресурсларни истеъмол қилиш кўлами кенгайиб, суръати ортиб бормоқда. Инсоннинг теварак-атрофдаги муҳит билан ўзаро муносабати мураккаблашмоқда.

Шу боис, ўқувчиларни табиатга оид билимлар билан шундай қуроллантириш керакки, улар келажакда табиат бойликларини муҳофаза қила оладиган ва улардан режали равишда фойдалана оладиган бўлишсин. Табиат бойликларидан унумли фойдаланиш, табиатни қўриқлаш масалалари-ни онгли равишда ҳал этиш оилалар, мактабгача таълим, умумтаълимда, ишлаб чиқариш ва жамоат жойларида камол топаётган ўқувчилар табиат сирлари ва улардан тўғри фойдаланиш методларини ҳар томонлама пухта билиб олишлари шарт. Мактабда ва мактабгача таълим муассасаларида таълим ва тарбия олаётган ёшлар қўлида. Ердаги табиий манбаларни асраб-авайлашнинг муҳим йўли аҳоли, шу билан бирга ўсиб келаётган ёш авлодни табиатни асрашга оид экобилимлардан хабардор қилиш, уларга табиат, атроф-муҳит олдидаги масъулиятлари ҳақида экологик таълим-тарбия беришдан иборат.

Табиат неъматлари, унинг бойликларидан унумли фойдаланишга ўргатиш учун ўқувчилар онгида табиатга бўлган маданиятни шакллантириш зарур. БСЎ табиат ҳақидаги элементар билимларни эгаллаб олиб, ўсимликлар ўстириш, қушлар ва



ҳайвонларни парвариш қилишнинг оддий методларини ўзлаштириб, табиатни кузатиш, унинг гўзалликларини кўра олишни билиб олган тақдирдагина уларда табиатга нисбатан эҳтиёткорлик ва ғамхўрлик билан мунсобатда бўлишни тарбиялаш имконияти туғилади. БСЎни табиатни эъзозлаш руҳида тарбиялаш она-Ватан, она-Табиатга, атроф-муҳитга, табиатга нисбатан меҳр-шафқатли ва адолатли бўлишга, унинг табиати, жонажон ўлкага муҳаббат шу асосда шаклланади.

БСЎ дарс давомида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва қўриқлашда доимо уларга ибрат кўрсатишлари шарт. Улар баркамол авлодни табиатни муҳофаза қилишда етук онгли, ҳайвонот ва наботот оламига раҳмдил қилиб тарбиялашлари зарур.

“Бошланғич синф таълим дастурида” БСЎда табиатга нисбатан муҳаббатни, ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳақида ғамхўрлик қилиш кўникмасини тарбиялаш, табиат қўйнида ўзини одоб билан тутиш кўникмалари, уларда ўсимликларни ўстириш, ҳайвонларни парвариш қилиш ва уларни муҳофаза қилишга қизиқиш уйғотиш, буталар ва дарахтларни синдирмаслик, дам олиш жойларида пластик ва бошқа маиший чиқиндиларни қолдирмаслик кўникмаларини тарбиялашни бошланғич синфдан бошлаб амалга ошириш назарда тутилган. Аммо ўқувчиларни теварак-атроф билан таништириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг даражаси БСЎни теварак-атрофдаги табиат билан таништириш ишини яхшилаш ва табиатни эъзозлаш руҳида тарбиялашга оид таълим-тарбияни кучайтириш зарурлигини тақозо етади.

Табиатни эъзозлаш руҳида тарбиялашда катталар раҳбарлигида табиатни асраш бўйича маълум ҳажмдаги билимларни егаллашларига ундаш, табиатга тўғри муносабатни шакллантиришни тақозо етади. Аммо битта бўғин билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди, бунга оила, боғча, мактаб, жамоатчиликнинг биргаликдаги ҳаракати билан эришиш мумкин.

Табиатни эъзозлаш руҳида тарбиялаш учун мактабгача таълим йўналишида иш олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

1. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга табиат олами, ундаги воқеа-ҳодисалар ўртасидаги боғлиқлик тўғрисида аниқ билимлар бериш.

2. Табиатни эъзозлашга оид фаолиятни шакллантириш.

3. Болаларни давлатимизнинг табиатни қўриқлаш, уни асраб-авайлаш бўйича олиб бораётган ишлари билан таништириб бориш.

Буни мактабгача тарбия муассасалари ходимлари, ота-оналар ва жамоатчилик ўзаро ҳамкорликда изчиллик билан таълим-тарбиявий ишлар орқали амалга ошириб бориши зарур. Шахс ривожланиши, маънавий юксалиш ва ахлоқий – эстетик тарбиясида табиатни асрашнинг аҳамияти беқиёс. Шунинг учун табиат билан жамиятнинг ўзаро алоқадорлигини сақлашга лаёқатли авлодни тарбиялаб этиштириш керак.

Бунинг учун кузатиш, табиат қўйнида саёҳат, мақсадли сайрлар, меҳнат фаолияти, махсус ташкил этилган вазият, оддий тажриба, бадиий адабиёт билан таништириш, машғулотлар ўтказиш, техник воситалардан фойдаланиш каби метод ва методларни қўллаш яхши самара беради.

Атроф-муҳитга жиддий муносабатда бўлиш бошланғич синфларда ўрганилади. Атроф-олам билан таништириш жараёнида турли дидактик ўйинлардан фойдаланиш ўқувчиларда табиатни ўрганишга нисбатан эҳтиёжини ривожлантириш, ўқиш ва ўрганишнинг турли усулларини эгаллаб олишга ёрдам бериши керак. Ўқувчиларнинг шахсий қизиқишлари уларга атроф-оламни идрок қилиш, табиатни эъзозлаш, ақлий ва жисмоний ривожланишга ёрдам беради. Бундан мақсад ўқувчиларда атроф-муҳитга онгли муносабатни ва ҳаёти давомида мустақил ўқиб ўрганиш эмоционал-когнитивлик кўникма ва ҳаётий тажрибани шакллантиришдан иборат.

БСЎ муайян шароитда атроф-муҳитда содир бўладиган жараёнлар ҳақида илмий ва амалий билимларни ўзлаштириб олсагина, уларнинг табиат бағрида юриш-туриши, хулқ-атворига оид амалий кўникма ва малакалари тўғри шаклланади. Бунинг учун БСЎ билишлари зарур бўлган экологик билимлар ҳажмини ДТС ва ўқув дастурлари асосида аниқлаб олиш зарур.

ДТСларининг аниқ ўқув фани бўйича эмас, балки таълим соҳалари бўйича ишлаб чиқилиши ўқув фанларининг вариантини танлаш асосида ўқув-методик мажмуалар яратиш учун кенг имкониятлар очиб беради. Шунингдек, фанлараро боғланиш ва билимларни мувофиқлаштириш принципи асосида ўқув фанларининг ички боғлиқлиги ва фанлараро алоқадорлигини таъминлашга хизмат қилади.



БСЎда табиатни эъзозлаш туйғусини тарбиялаш учун таълим мазмунини танлашда қуйидаги принципларга амал қилинади:

БСЎни ЭТлаш технологияси жараёнида уларнинг қобилияти ва қизиқишларини эътиборга олиш; БСЎни ЭТлаш технологиясини интерфаол методлар асосида амалга ошириш; БСЎни ЭТлаш жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фикрлашларига имкон яратиб бериш; БСЎни ЭТлаш технологияси уларга бериладиган экологик билимларга нисбатан қизиқишларидан келиб чиқиб, уларнинг ёш хусусиятларига мос равишда илмий, содда, равон бўлишини таъминлаш; синфдан ташқари таълим мазмунини медиа манба маълумотлардан фойдаланиш ва ўқувчиларнинг қизиқишлари асосида ташкил қилиш.

Материал мазмунига қўйиладиган дидактик талаблар қуйидагилардан иборат:

ДТС талабларига мослиги; дастур материаллари билан боғлиқлиги; ўрганиш учун ортиқча вақт талаб этилмаслиги; илмий ва амалий аҳамиятга эгалиги; умуминсоний қадриятга эгалиги; маҳаллийлиги.

Қуйида «Атрофимиздаги олам» ва «Табиатшунослик» фанлари бўйича ўқув дастури ва дарсликларидан ўрин олган экологик мазмундаги мавзулар ҳамда табиатни эъзозлашга оид тавсия этилаётган материаллар мазмуни ҳақида фикр юритилади. I-IV синф ўқувчилари (1.3 жадвалга қаранг) билишлари зарур бўлган табиатни эъзозлашга оид материаллар мазмуни берилди. Қуйида ана шу материалларни қандай қилиб ўқувчилар онгига сингдириш ҳақида фикр юритамиз.

БСЎни табиатни эъзозлаш руҳида тарбиялашда ўқувчиларнинг ёши, жисмоний имкониятлари ва психологик хусусиятлари I-II синфларда "Атрофимиздаги олам", III-IV синфларда "Табиатшунослик" фанлари асосида ташкил этилади. Табиатни эъзозлашни "оддийдан мураккабга", "узлуксиз ва узвийлик" педагогик принципларга таянган ҳолда назарий ва амалий билимларни шакллантириш керак.

БСЎни ЭТлаш технологиялари, уларда табиатни эъзозлаш сифатларини ривожлантириш мақсадлари ҳисобланади.

БСЎни ЭТлаш технологиялари қуйидаги ривожланиш босқичларидан иборат (2.1-расм).




**2.1-расм. БСЎни ЭТлаш технологияларининг ривожланиш босқичлари.**

БСЎни ЭТлаш технологиясининг ривожланиш босқичи мазмун моҳияти қуйидагилардан иборат:

ЭТ ҳақидаги билимларни ўзлаштириш сифатида концепциялар, назариялар ва экологик ғояларни ўрганиш бўйича билимлардан; ўқувчиларини ЭТлашда маълум назарияларни қўллаш ва экологик таълим мазмунини қайта тиклаш сифатида тушунишга; ўқувчиларни ЭТлаш технологиялари борасидаги олинган инновацион билимларни қўллаш имконини берувчи кўникмаларга; ўқувчиларни ЭТлаш технологияларнинг моҳиятини тушуниш ва назарий жиҳатдан изоҳлаш, ностандарт муаммоли вазиятларни ифодалаш ва экологик зиддиятларни кўра билиш ҳамда ўқитишга бўлган креативлик, ижодкорлик ёндашувларини қарор топтиришга.

БСЎни ЭТлашда уларнинг интилиши, қобилияти ва қизиқишлари қуйидаги дидактик функциялар орқали амалга оширилди:

тасвирлаш – фанларни ўқитишда, табиатдаги кўзга кўрин-майдиган жуда майда нарсаларни катталаштириб кўрсатиш, мультимедиа иловалари ёрдамида тасвирлаш самарадорлигини оширишга ёрдам беради ва табиат ҳақидаги тасаввур имкониятлари кенгайди; эшитиш воситаларидан фойдаланиш – ўқувчилар табиатни кўриш, ўқиш билан бирга тинглаш орқали ҳам таълим олиш зарурий кўникмаларни эгаллашда ёрдам беради. Статик ва динамик кўргазмали воситалардан фойдаланиш – ўқувчиларни ЭТлаш технологияси мазмунини сифатли ўзлаштириш мақсадида ушбу кўргазмали воситалардан фойдаланишди; мустақил ижодий



фаолият – ўқувчиларни ЭТ ҳақидаги билимларни мустақил равишда мультимедиа воситалари, кўргазмали қуроллар, статик, динамик воситалардан кенг фойдаланган ҳолда ижодий фаолият юритиш (ҳикоя, эртак, шеър, табиат манзараларини чизиш ва табиатни мадҳ этувчи қўшиқ) кўникмалари ривожлантирилди; график объектларини яратиш – ўқувчиларни ЭТлашга оид ижодий ишларни ривожлантириш ва такомиллаштирилди; виртуал лаборатория ва амалий тажрибаларни ташкил этиш – ўқувчилар билан табиат ҳақидаги билимларни реал ҳолатда ўтказиладиган лаборатория машғулотлари, амалий тажрибаларни, виртуал моделлаштирилган муҳитда ташкил этилди; виртуал экскурсияни ташкил этиш – синфдан ташқари машғулотларда ўқувчилар ер – қуёш системасидаги сайёралар, табиатининг хилма-хиллиги, ватанимиз бўйлаб саёҳатга виртуал экскурсиялар ташкил этилди.

БСЎни ЭТлаш технологик воситаларининг дидактик функциялари имкон қадар етарлича ёритилди, лекин бу функциялар янги техник воситалар яратилиши билан фанларга оид умумий компетенциялари ривожланиб, янада такомиллашиб боради. БСЎни ЭТлашда таълим мазмунининг мантиқий узвийлиги ва миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, асосий функциялар сифатида турли анимациялар, мультимедиа маълумотлари билан ишлаш, тезкор маълумотлар алмашиш каби интерфаолликда амалга оширилди.

БСЎни ЭТлаш жараёнида қуйидаги дидактик принципларга амал қилинди:

Дарсда ўқув материалларини беришда инобатга олинган муҳим принцип – бу кўргазмалилик принципи саналади. Табиат воситасида тарбия бериш умумий тарбиянинг бир қисми бўлиб, у ўз олдига ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, билим жараёнлари, қобилиятларини яхши билган ҳолда тарбия беришни вазифа қилиб қўяди. Кўргазмалилик принципидан фойдаланишнинг асосий вазифаси ўқувчиларнинг билиш фаолиятини кучайтириш. Бу принцип атроф-оламни бевосита қабул қилиш асосида ўқитишни назарда тутади. Кўргазмалилик принципига риоя қилиш табиатни ўрганиш ва эъзозлашни шакллантиришнинг дастлабки босқичларида, айниқса, муҳим, чунки БСЎ кўрганларидан ҳосил қилган хусусий таассуротлари асосида тўғри тушунча ва хулосаларга эга бўладилар.

«Атрофимиздаги олам» ва «Табиатшунослик» фанларини пухта ўзлаштириш принципи. Илмий билимларни эгаллаш ўқувчиларнинг хотираси, мантиқий тафаккури, ижодий фаоллиги ва мустақиллигини ривожлантиришга хамда креативлик сифатга эга бўлишида ёрдам беради. Лекин ҳосил қилинган билим, кўникма, малака ва компетенцияларнинг келгусида илмий билимлар тизимини ўзлаштириб олишда асос бўлиб хизмат қилиши учун улар пухта ўзлаштирилган, яхши мустаҳкамланган бўлиши ва ўқувчиларнинг хотирасида узоқ вақт сақланиши керак. Пухталик принципининг талаблари шулардан иборат бўлиб, буларга риоя қилмаслик ўқувчиларнинг ўзлаштирмаслигига, ўқишда орқада қолишига сабаб бўлади.

Индивидуал тартибда олиб бориш принципи. Ҳар бир ўқувчи ўзининг шахсий хусусиятларига эга бўлиб, бу унинг ўқув фаолиятига катта таъсир этади. Ўқитувчининг бу хусусиятларни ўрганиши ва ҳисобга олиши ўқитиш сифатини ошириш ва ҳар бир ўқувчининг ижобий қобилиятларини ривожлантириш учун шароит яратади. Ўқувчиларга индивидуал ёндашишга асосланган ўқитиш жараёни ўқув материалининг муваффақиятли ўзлаштирилишини, ўқувчининг ақлий ривожланишини таъминлайди, ахлоқий меъёрларни сингдиради.

Мустақилликка интилишнинг ривожланиши икки йўналишда амалга оширилади: 1. Мустақилликнинг индивидуал сифат сифатида вужудга келиши ижтимоий муҳитга боғлиқ. 2. Мустақиллик шахснинг мустақиллиги сифатида шаклланганда, унинг индивидуал хусусиятлари ва ижтимоий фаоллиги унинг яшаётган ва меҳнат қилаётган жамиятга муносабатида намоён бўлади. Кўриниб турибдики, ҳар икки соҳада ҳам шахсий фаоллик ва мустақилликни шакллантириш бевосита ижтимоий муҳитда содир бўлмоқда, бу эса БТЎлари билан Дарсдан ташқари ўқитиш ишларининг долзарблигини тасдиқлайди. Ўқувчиларнинг меҳнатга психологик ва амалий тайёргарлиги турли ижтимоий фойдали тадбирларда иштирок этишда турли хил тарбия воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши керак. Ўқувчилар билан ўтказиладиган Дарсдан ташқари ишлар бутун ўқитиш жараёнининг ажралмас қисми бўлиб, у боланинг ҳар томонлама камол топишига, синфда олган билимларини мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш, чуқурлаштириш ва ҳаётга тадбиқ этишда энг муҳим воситалардан



биридир. Дарсдан ташқари ишлар бир вақтнинг ўзида ўқувчилар билимини кенгайтиради, таълим ва тарбия эса болаларнинг фан ва санъатнинг турли соҳаларига қизиқишини ошириш муаммосини ҳал қилишга ёрдам беради.

## 2.2. Ўқувчиларни интерфаол метод ва усуллар воситасида экологик тарбиялаш технологиялари

Тарбия назарияси – педагогика фанининг бир қисми бўлиб, тарбиявий жараёнларнинг мазмуни, усул ва ташкил этиш масалаларини ўрганади. Ҳаётга янгича сиёсий ва экологик нуқтаи назардан ёндашиш ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси билан боғлиқ жараённи қайтадан кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Ўқитиш методи ўқитувчининг билим бериши ва ўқувчининг мате-риал мазмуни ўзлаштириб олиши билан белгиланади, у таълим жараёнида етакчи ҳисобланади.

Таълим жараёнида ўқитувчи турли методлардан фойдаланади. Ўқитиш методларини танлашда бир қатор омиллар: мактабнинг ҳозирги босқичдаги тараққиёти, ўқув фани, ўрганиладиган материалнинг мазмуни, ўқувчилар-нинг ўқув материалини эгаллашга тайёргарлик даражаси катта аҳамиятга эга. Методларни танлаш ва уни қўллаш хусусияти фақат дарсдаги ўқув материалининг мақсадига эмас, балки мазмунига қараб ҳам аниқланади. Табиатшуносликни ўқитиш методи уч асосий гуруҳга бўлинади (2.2-расм).




**2.2-расм. Табиатшуносликни ўқитиш методи уч асосий гуруҳи.**

Бизнинг I синф ўқувчилари билан олиб борган тадқиқот ишларимиз шуни кўрсатдики, ўқувчилар ёзиш ва ўқишни деярли

билмасликлари сабабли кўргазмали воситалар ҳамда саёҳатлар орқали уларнинг табиат ҳақидаги тасаввурларини шакллантириш зарур. Атрофимиздаги оламнинг ўқувчи ҳаётидаги ўрни, атроф-муҳит ифлосланишининг инсон саломатлигига кўрсатадиган салбий таъсири, ушбу ҳолатнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида I синф ўқувчиларига маълумот бериш ҳамда уларда атроф-муҳит тозалиги ва саломатлигини сақлаш кўникмаларини ҳосил қилиш муҳим педагогик муаммо.

Биз тадқиқот жараёнида I синф ўқувчилари билиши зарур бўлган экологик тушунчаларни аниқлаб тизимлаштирдик:

1. Атроф-муҳит; ранг-баранг олам. 2. Дарахтлар, буталар, майсалар. Яшаб турган жойдаги баъзи ҳимояга олинган ўсимликлар ва ҳайвонлар. 3. Ҳашаротлар, балиқлар, қушлар, ёввойи ва уй ҳайвонлари. 4. Йил фаслларининг асосий белгилари.

5. Табиатда ўзини тутиш қоидалари, ўзининг шаҳри (қишлоғи) ҳақидаги асосий маълумотлар, манзили, транспорт турлари, шахсий гигиена принциплари, йўл ҳаракати қоидалари, жамоат жойларида ўзини қандай тутиши кераклиги.

Экотушунчалар билан ўқувчиларни таништириш методлари: суҳбат, ҳикоя, саёҳат, савол-жавоблар орқали.

Қуйида намуна сифатида дарс ишланмаси берилади.

Мавзу: Сув – обиҳаёт.

Дарс ақлий ҳужум методи билан бошланади: (2.1 жадвал)

2.1 – жадвал

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 | Сув нима? | 4 | Сув билан боғлиқ ўзбек халқ мақолларини биласизми? |
| 2 | Сув нима учун керак? | 5 | Сув ҳақидаги қандай эртакни биласиз? |
| 3 | Сувдан сиз қандай фойдаланасиз? | 6 | Сув ҳақида қандай шеърни биласиз? |

Ана шу саволларга жавоб олингач; ўқувчи атрофида мавжуд бўлган сув манбалари ва уларнинг сифати ҳақида фикр билдиришади.

Бу дарсда ўқувчилар қуйидагиларни билишлари зарур:

сувга тупириш гуноҳ; сувга чиқинди ташламаслик; сув жумракларини ёпиб юриш; ювинганда сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш; ўтмишда боболаримиз сувдан қандай



фойдаланганлиги; тоза сув билан томорқаларини суғормасликнинг аҳамияти.

Уйга вазифа: яшайдиган жойингизда мавжуд бўлган сув ҳолатини кузатинг ва келгуси дарсда ўртоқларингизга сўзлаб беринг.

Қуйида II синф «Атрофимиздаги олам» дарсида ўқувчиларга ЭТ бериш мақсадида ўтказилган бир соатлик дарс намунасини келтирамиз.

**Мавзу: Йил фасллари**

Дарснинг мақсади: а) таълимий: йил фасллари ва уларнинг хусусиятлари ҳақида маълумотга эга бўлиш; б) ривожлантирувчи: билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш; в) тарбиявий: ўқувчиларни табиатни эъзозлаш ва асраб-авайлашга ўргатиш, ўқувчиларни табиатдан эстетик завқ олиб унга тўғри муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш.

Дарснинг жиҳози: «Атрофимиздаги олам» дарслиги, рангли расмлар, тест саволлари, тарқатма материаллар, техник воситалар.

Дарс методлари: Ақлий ҳужум, концептуал жадвал, кичик гуруҳларда ишлаш.

Дарснинг бориши:

I. Ташкилий қисм:

Ўқувчилар иштирокида об-ҳаво тақвимини аниқлаш, куз ҳақида шеър айтиш.

I. Ўтган мавзу бўйича ўқувчилар билимини баҳолаш.

Ўтилган мавзу: Об-ҳаво.

Саволлар ёрдамида ўқувчилар билимини аниқлаш. 1. Об-ҳаво деганда нимани тушунасиз? 2. Бугун ҳаво қандай? 2. Ҳозир қайси фасл? 3. Об-ҳаво доимо бир хил бўлиб турадими? Саволларга жавоблар олингач мавзуга оид рибус ишланади (2.3-расм).




Топшириқ: Расмлардаги биринчи ҳарфни катакчаларга шундай кетма-кетликда жойлаштирингки, мавзуга оид сўз ҳосил бўлсин.

Ўқувчилар топшириқни мустақил бажарадилар.

Ўқувчилар уч гуруҳга бўлинади; ўқувчиларга расмли тест-топшириқлар тақдим этилади.

1- гуруҳ. Ҳаво очиқ бўлса қайси белги қўйилади?

а) в) д)



2- гуруҳ. Қорли кунда қайси белги қўйилади?

а) в) д)



3- гуруҳ. Ҳаво қисман булутланиб турган бўлса, қайси белги қўйилади?

а) в)



Бугунги мавзудан тушунганларингизни гуруҳингиз билан ёзинг.

Ўқувчилар гуруҳ бўлиб саволларга жавоб ёзадилар. Фаол гуруҳ аъзолари рағбатлантирилади:

Ўқувчиларга қуйидаги саволлар берилади:

1. Табиат бизга нима беради? 2. Табиатга қандай муносабатда бўлишимиз керак? 3. Табиатдан эстетик завқ олиш лозимми?

II. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш.

Ўтилган мавзунинг таянч сўзларини такрорлаш билан мавзу мустаҳкамланади. Масалан: об-ҳаво, термометр, тутун, туп, шудринг каби сўзлар. Мавзуга оид расмлар асосида сўзлаш (турли расмлар кўрсатилади).

III. Янги мавзу баёни :

Йил фасллари




Ўқувчиларга саволлар берилади:

1. Бир йилда нечта фасл бор? 2. Ҳозир қайси фасл? 3.Бир йил неча кундан иборат?



Ўқувчилар йил фасллари ҳақида қуйидаги фикрларни билдиришади.

Бизнинг юртимизда тўрт фасл алмашиниб келади. Бу баҳор, ёз, куз ва қиш фаслларидир. Ҳар бир фаслнинг об-ҳавоси бир-биридан фарқ қилади. Ўсимликларнинг ранги ҳам ҳар фаслда турлича бўлади. Фасллар алмашинуви қуёшга ва об-ҳавога боғлиқ бўлади. Куз ва баҳор фаслларида ҳаво ҳарорати ўртача бўлади қуёш нури таъсирида ҳаво илиқлашади. Демак, қуёш фасллар алмашинувини таъминлайди. Қишда ҳаво совуқ бўлади, қорли ва ёмғирли кунлар кўп бўлади. Баҳорда эса кунлар илиқ бўлиб, ёмғир бўлади ва табиат яшил тусга киради. Ёзда ҳаво иссиқ бўлади, мевалар ғарқ пишади. Кузда ҳамма нарса пишиб етилади. Боғдан мевалар териб олинади. Демак, ҳар фаслнинг ўз хислати, ўз тароватi бор. Табиатдан унумли фойдаланишимиз керак. Атрофимиздаги ҳар бир нарсани асраб-авайлашимиз лозим. Табиатга тўғри муносабатда бўлмоғимиз керак, шундагина табиат бизга ризқ беради, завқ-шавқ беради.

Ўқувчиларга қуйидаги концептуал жадвални мустақил тўлдириш топшириғи берилади:

– дафтарингизга жадвални чизинг. Унга йил фасллари ҳамда ойлар номларини ёзинг

2.2 – жадвал

| Қиш | | Баҳор | | Ёз | | Куз | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | | 1. | | 1. | | 1. | |
| 2. | | 2. | | 2. | | 2. | |
| 3. | | 3. | | 3. | | 3. | |

V. Мавзуни мустаҳкамлаш

Тушунганларингизни «Атрофимиздаги олам» дафтарингизга ёзинг. Ўқувчилар топшириқни мустақил бажарадилар, ёзган фаслларини ўқийдилар.

Уйга вазифа. Йил фасллари мавзусини ўрганиш. «Куз» мавзусига оид матн ёзиш.

Ўқитувчи экологик таълим-тарбияга оид олиб бораётган ҳар бир машғулотни маълум бир мавзуга бағишлаб ўтказиши мақсадга мувофиқ. Ўқувчиларнинг экологик онгини ўстириш, ўзлигини англаш, табиий бойликлар, ҳайвонот дунёси ва наботот оламини асраб-авайлаш, эъзозлаш руҳида тарбиялаш бошланғич синф ўқитувчисига алоҳида масъулият юклайди.

Ўқитувчи ўқувчилар онгига табиатни авайлаб-асраш ғоясини сингдириши зарур. Ўқитувчи бунинг самарали методларини топиши, ўқувчилар билан ҳамкорликда экологик мавзуларга оид тайёрлаган расм, гербарий ва кўргазмали қуроллардан унумли фойдаланиши зарур. Бу эса дарсни жонли ва қизиқарли чиқишини таъминлайди.

Ўқитувчи ўқувчиларга экологияга оид билимни беришда қуйидаги методлардан фойдаланиши керак. Бундай ноананавий методлар атроф-муҳитда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни яхшироқ мушоҳада қилишга ундайди. Айниқса, амалиёт билан узвий боғланган мавзулар асосида ташкил қилинган конференция дарслари ўқувчиларнинг экологик фикрлаш қобилият-ларини ривожлантириб, уларга муаммоли масалалар моҳиятини кенгроқ тасаввур қилишларига ёрдам беради.

Қуйида «Атрофимиздаги олам» фанидан ўқувчиларга табиатни эъзозлаш руҳида тарбия бериш мақсадида ўтказиладиган бир соатлик дарс намунасини келтирамиз.

Мавзу: Баҳорда ўсимликлар ҳаёти

Дарс мақсади: ўқувчиларни эрта баҳорда биринчи бўлиб гуллайдиган ўсимликлар ва уларнинг ҳаёт шароитлари билан таништириш.

а) таълимий: баҳорда гуллайдиган ўсимликлар билан таништириш;

б) тарбиявий: ўсимликларни асраб-авайлаш, кўпайтириш, эъзозлашга ўргатиш, жонли табиатдан завқ олиш ҳиссини таркиб топтириш;

в) ривожлантирувчи: ўсимликларни асраб-авайлаш, эъзозлаш тушунчаларини шакллантириш;

Дарс усули: Интерфаол методлардан фойдаланиш.

Дарс жиҳози: «Атрофимиздаги олам» дасрлиги, баҳор фаслига оид расмлар, тест саволлари, тарқатма материаллар, проектор, анимацион ҳара-кат, компьютер, баҳор валси мусиқаси.

Дарснинг бориши. Дарс баҳор фасли ҳақида суҳбат ўтказиш билан бошланади ва ўқувчиларга қуйидаги саволлар берилади:

1. Нима учун баҳорда кун узаяди? 2. 21 мартда кун ва туннинг узунлиги қандай бўлади? Бу кун нима деб аталади? 3. Баҳор келиши билан нима учун табиат уйғона бошлайди? 4. Баҳор



фаслининг бошларида об-ҳаво қандай бўлади? 5. Момақалдироқ вақтида нималар бўлишини кўриш мумкин?

Ўқувчиларнинг «Кузатишлар кундалиги»даги ёзувлари текшириб кўрилади, уларнинг теварак-атрофдаги табиатда баҳор белгилари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари тингланади.

Баҳорда қуёш тобора баланд кўтарилиб, ҳаво, ер исиши натижасида ўсимликлар уйғонади, тез-тез ёмғир ёғади, ер нам бўлади. Бу нам ҳаво шароитида чўл ҳамда дашту далаларни ўт-ўланлар, ариқ ва қир-адир бўйларини майсалар қоплаб олиши натижасида баҳор нафаси жўш ура бошлайди.

Ўқувчиларга табиатдаги ўсимликларни пайҳон қилмаслик, жонли табиатга озор етказмаслик, уларни ҳимоя қилиш, эъзозлаш лозимлиги таъкидланади. Ўсимликлар инсон ҳаётида муҳим аҳамият касб этиши, улар карбонат ангидридни ютиб, инсон учун зарур бўлган кислород чиқариши ўқувчилар онгига сингдирилади.

Мусиқий дақиқа. «Баҳор» вальси мусиқаси эшиттирилади.

Ўқитувчи баҳорда гуллайдиган бир неча ўсимликнинг номини айтади ҳамда ўқувчиларга ўша ўсимликларнинг органлари (гули, пояси, барги, тугунаги, илдизпояси, пиёзбоши ва бошқа органлари)ни расмлар орқали кўрсатади ҳамда қуйидаги маълумотларни тақдим этади:

Дала ва боғларда, ўтлоқларда зубтурум, қоқиўт, шувоқ, ажриқ, сачратқи, айиқтовон, сувзамчи, ариқ бўйларида ялпиз каби ўсимликлар ўсади. (2.4-расм).




Бу ўсимликларнинг айримлари доривор ўсимликлар ҳисобланади. Масалан, зубтурумнинг барглари одамнинг яра, куйган ёки ари чаққан жойи-га қўйиб даволанади. Баргларидан

шамоллаш, ошқозон ва ичак касаллик-ларини даволашда ҳам фойдаланилади.

Қоқиўт ҳам доривор ўсимлик ҳисобланади. Гулларини кўтариб турган пояси ичида сут каби оқ шарбати бўлади. Шарбатидан дори тайёрланади. Қоқиўтнинг барглари овқатга солинади. (2.5-расм).




Сўнгра гербарийлар ва тирик ўсимликлар билан боғлиқ амалий иш олиб борилади. Ўқитувчи юқорида айтилган ўсимликлар номини доскага ёзиб, ўқувчиларга гербарий қилинган ўсимлик намуналари ва жонли ўсимликларни диққат билан кўздан кечиришни таклиф қилади. Ўқувчилар бойчечак, лола, лолақизғалдоқ, бинафша ўсимликларини кўриб чиқиб, уларнинг органларини топишади.

Ўқувчилар ўсимликларнинг номини иш дафтарларига ёзиб оладилар, «Кузатишлар кундалиги»га ўсимликларнинг қайси бири гуллай бошлаганини қайд қиладилар.

**Тест саволлари ёрдамида ўқувчилар билими аниқланади.**

**1. 21 март куни қайси баҳор байрами нишонланади?**

а) Қушлар ва гуллар байрами; б) Наврўз; г) Қовун сайли; д) Янги йил.

2. Баҳор келганидан дарак берувчи ўсимликлар қайсилар?

а) ўрик, нок; б) бойчечак, лолақизғақлдок; г) нўхат, ловия; д) ғўза, картошка.

3. Баҳор фасли қайси ойдан бошланади?

а) январь; б) март; г) апрель; д) май.

Уйга вазифа. Дарсликдаги «Баҳорда дастлаб гуллайдиган ўсимликлар» мавзусидаги бойчечак, лолақизғалдоқ, лола ва бинафша расмларни яхшилаб кўздан кечириш, мавзуга оид савол ва топшириқларга жавоб топиш.

| | | | |
|---|---|---|---|
| Бойчечак | Лола | Бинафша | Лолақизғалдоқ |



Ўқитувчи синф ва уй шароитида тажриба ўтказишни тушунтиради: маданий ўсимликлар (ғўза, нўхат, ловия сингари ўсимликлар) дан бирининг уруғлари ивитиб қўйилади. Бунинг учун тарелка юзига бир қават пахта ёки латта ёйиб, унинг устига уруғлар териб қўйилади. Пахта ёки латта сув билан намланади, уруғларнинг устига хўл латта ёпиб қўйилади.

Ўқувчилар уруғларда қандай ўзгаришлар юз беришини ҳафта давомида диққат билан кузатиши, пахта ёки латтанинг қуриб қолишига йўл қўймаслиги, ниш отиб кўкара бошлаган уруғларда юз берган ўзгаришларни ҳар куни «Кузатишлар кундалиги»га ёзиб бориши лозим (2.3-жадвал).

2.3-жадвал

| Т/р | Ловия уруғиниг намлиги қандай? | Уруғда қандай ўзгариш юз бермоқда? |
|---|---|---|
| 1-кун | | |
| 2-кун | | |
| 3-кун | | |
| 4-кун | | |
| 5-кун | | |
| 6-кун | | |

Экологик муаммоларнинг салбий оқибатларига қарши курашишнинг йўлларидан бири – ёшларни, айниқса, БСЎни табиат неъматларини эъзозлаш руҳида тарбиялашдир.

Табиатни муҳофаза қилишга оид таълим-тарбия ишларини ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига қараб олиб бориш, бу ишлар назарий ва амалий жиҳатдан уларга тушунарли бўлиши, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг ҳозирги замон муаммоларига таллуқли бўлиши лозим.

Табиат ва жамиятнинг ўзаро боғлиқлиги, бир-бирига таъсири, уларнинг бир бутунлиги моҳиятини тушуниб олиш, табиатнинг кишиларга маънавий-эстетик таъсир этишини билиш, табиатни муҳофаза қилишда инсоннинг амалий фаолиятини тушуниб етиш, табиатни муҳофаза қилиш ва уни ўрганишда ўлкашунослик материалларига таяниш таълим-тарбия жараёнида яхши самара беради, ўқувчиларда табиатга нисбатан онгли муносабатни таркиб топтиради.

Экологик билим атрофимизни ўраб олган жонли ва жонсиз табиат, уларнинг инсон фаолияти билан узвий алоқаси, атроф-муҳитни ҳимоя қилишга доир материаллар мазмунидан иборат.

Экологияга оид билимлар мазмун – моҳиятини ўқувчилар онгига сингдириш учун бошланғич синф ўқитувчиси табиатга оид ҳар бир дарс мазмунини атроф-муҳитда содир бўлаётган ҳодисалар билан боғлаб олиб бориши зарур. Бунинг учун ўқитувчи дарс мақсади, мазмуни, вазифаларини олдиндан лойиҳалаши, унинг самарадорлик даражасини аниқлаши лозим.

БСЎ атрофимиздаги олам, табиатшунослик дарсларида ҳайвонот олами, табиатда содир бўладиган ҳодисалар, ўсимликлар дунёси билан танишадилар ва улар ҳақида тушунчага эга бўладилар. Ўқитувчи ана шу имкониятдан ўринли фойдаланиши зарур.

Биз тадқиқот жараёнида ушбу имкониятдан фойдаланиб, I-IV синф ўқувчиларида табиат заҳираларини эъзозлашга оид тушунчаларни шакллантиришга хизмат қилдик. Бу ҳол ўқувчиларга бериладиган дастурга оид тушунчалар сифатини оширди. Чунки бошланғич синф ўқув материаллари атроф-муҳит ва унда содир бўладиган экологик ҳодисалар билан боғлиқ, тадқиқот жараёнида ана шу узвийлик таъминланади.

Қуйида «Атрофимиздаги олам» дарсида ўқувчиларга ЭТ бериш мақсадида ўтказилган бир соатлик дарс ишланмаси мазмуни баёни келтирилади.

Мавзу: Табиатдаги жисмлар ва моддалар.

Дарс мақсади:

а) таълимий мақсади ўқувчида атрофимиздаги олам ҳақида дастлабки экологик тушунчани шакллантириш;. в) ривожлантирувчи мақсад; ўқувчида атроф-муҳитни эъзозлаш кўникмасини шакллантириш; д) тарбиявий мақсад: атроф-муҳитни асраб-авайлашга, уни эъзозлаш ва ғамхўрликка ўргатиш, табиат ва атроф-муҳитдан эстетик завқ олиш ҳиссини таркиб топтириш.

Дарснинг методи: ўқувчига мос бўлган интерфаол методлардан фойдаланиш.

Дарснинг жиҳози: «Атрофимиздаги олам» дарслиги, мавзуга оид рангли расмлар, тарқатма материаллар, кинолавҳа, тест саволлари.

Дарснинг бориши: Ўқитувчи ўқувчиларга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилади: 1. Атрофимиздаги олам деганда нимани тушунасизлар? Атрофимиздаги оламга нималар киради? (2.6-расм).



Ўқитувчи томонидан 1- тақдимот доскада намойиш этилади.
Слайддаги саволларга жавоблар тўлдирилгач.
Қуйидаги саволлар асосида суҳбат ўтказилади:
Бу расмда нималар ифода этилган? Ким жавоб беради?
Ўқувчилар жавоби.

Атрофимиздаги оламни қандай органларимиз орқали сезамиз? (2.7-расм).




2.6-расм. Атрофимиздаги оламга




2.7-расм. Сезги органлари.

Инсон атрофидаги нарсаларни қайси органлари орқали сезади?

Ўқитувчи: ўзингизнинг сезги органларингизни санаб бера оласизми?

Барчангиз кўзингизни юмиб ёзув тахтасига қаранг, нимани кўряпсиз? Барча ўқувчилар: ҳеч нарсани кўрмаяпмиз.

Ўқитувчи: Демак, кўзингиз юмилган ҳолда ҳеч нарсани кўрмадингиз, энди ҳамма кўзини очсин ва ёзув тахтасидаги ёзувни ўқисин (ёзув тахтасидаги сонларни ўқийдилар).

Ўқитувчи: Биз сезги органларимиздан бири бўлган кўзимизни синаб кўрдик.

Ўқитувчи: Болалар, айтайлик, иссиқликни қайси органимиз билан сезамиз?

Ўқитувчи: Совуқни-чи? Қоронғилик ёки ёруғликни-чи?

Қуйидаги саволларга жавоб олингач, ўқувчилар фаоллигига муносабат билдирилади, сўнг қуйидаги тест саволлари ёрдамида ўқувчилар билими аниқланади:

1. Атрофимиздаги оламга нималар киради?

а) одамлар; б) мактаб, парта, доска; д) бизни ўраб турган жамики нарсалар.

2. Инсон атрофидаги нарсаларни нималар ёрдамида ҳис қилар экан?

а) товуш орқали; б) сезги органлари ёрдамида; д) билим орқали.

3. Сезги органларига нималар киради?

а) қўл, юрак, оёқ; б) бош, қўл, оёқ; д) кўз, қулоқ, бурун, тил, тери орқали сезиш.

Тест натижаси таҳлил этилгач, ўқитувчи қуйидагилар ҳақида қўшимча маълумотлар беради: атрофимиздаги барча нарсалар жисм ва моддалардан иборат. Баъзи бир жисмлар табиий бўлади, айрим жисмларни эса инсон ясайди.

Жисмлар моддалардан тузилади, моддалар табиий ҳолда ҳам учрайди. Улардан турли шаклдаги жисмлар ясаш мумкин. Масалан, темирдан ғилдирак, кетмон, машина ясалади.

Ўқитувчи: Моддаларга яна нималар киради?

Ўқувчилар: Мис, олтин, туз, сув, шакар, ҳаво ҳам моддалар.

Ўқитувчи: Табиатда учрайдиган моддалар табиатда қандай ҳолатларда бўлади?

Ўқувчи. моддалар уч ҳолатда: қаттиқ (муз), суюқ (сув) ва буғ (газ) ҳолатларда бўлади.



Ўқитувчи: Сув табиатда қандай ҳолатда учрайди?

Ўқувчи: Музлаткичдан муз олиб идишга солиб қўйсак, у эриб сувга айланади, сўнг буғланиб кетади. Демак, сув табиатда қаттиқ, суюқ, буғ ҳолатида учрайди.

Ўқитувчи: Жисмлар оғирликка эгами?

Ўқувчи: Ҳар қандай модда маълум оғирликка эга, у тарози ёрдамида ўлчанади.

Ўқитувчи: Табиатда ҳар бир нарсадан эҳтиёткорона, тежаб фойдаланишимиз керак. Келажак авлод учун ҳам табиатдаги жисм ва модда-ларни асрашимиз лозим. Табиатни кўкаламзорлаштириш ишига ўз ҳиссангиз-ни қўшмоғингиз зарур, айниқса, дарахтларни синдирмасдан, гулларни узмасдан уларни парвариш қилишимиз, уларни кўпроқ экишимиз лозим, бу атрофимиздаги оламни янада гўзаллаштиради. Ҳавони тозалайди, инсон умрини узайтиради (2.7 – 2.8 -расмларга қаранг).

**Мавзуни мустаҳкамлаш.** Синф икки гуруҳга бўлинади ва улардан қуйидаги схемани тўлдириш сўралади.




**2.7–2.8 - расмлар. Табиатдаги жисм ва табиатдаги моддалар.**

Ҳар бир гуруҳдан бир нафар ўқувчи ўз билимларини намойиш этади.

Сўнг қуйидагилар ўқувчилар диққатига ҳавола этилади ва уларнинг билимлари баҳоланади.

1. Табиат нима? 2. Табиий жисмларга нималар киради? 3. Нималар инсон яратган жисмлар ҳисобланади? 4. Жисмлар неча хил бўлади?

Уйга вазифа:

Мавзу бўйича мустақил иншо ёзиб келиш таклиф этилади.

Демак, БСЎда экологияга оид билим, кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантиришда фаоллаштирувчи методлардан фойдаланиш, ўқувчиларни кўпроқ ўйлашга, баҳслашишга, мустақил фикрини билдиришга ундайди. Бу эса таълим сифатини оширади. БСЎ онгида табиатни эъзозлаш ва асраб-авайлаш тушунчалари шаклланади ҳамда барқарор экологик маданият таркиб топади.

БСЎда экологияга оид билим, кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантиришда интерфаол методлардан фойдаланиш ўқувчиларни бу ҳақда кўпроқ ўйлашга, баҳслашишга, мустақил фикрини билдиришга ундайди. Бу эса ўзининг ижобий натижасини беради.

III-IV синф учун ишлаб чиқилган тажриба-синов дастурида БСЎга табиатни эъзозлашга оид билим беришни мақсад қилиб қўйдик. Шунга кўра, III-IV синф ўқувчиларига бериладиган билимлар мазмуни аниқланди, тизимлаштирилди ва ўқитиш методикаси ишлаб чиқилди.

БСЎни табиатни эъзозлаш руҳида тарбиялашда қуйидаги методлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги тажрибада исботланди: музёрарлар, ақлий ҳужум, ролли ўйин, сеҳрли дарахт, ким тез топа олади, ким эколог, занжир.

Қуйида III-IV синфларда қўлланилган дарс ишланмаларидан намуналар келтирамиз.

Мавзу: Табиатдаги жисмлар ва моддалар.

Дарс мақсади:

а) таълимий мақсад: ўқувчида атрофимиздаги олам ҳақида дастлабки экологик тушунчани шакллантириш; б) ривожлантирувчи мақсад: ўқувчида атроф-муҳитни эъзозлаш кўникмасини шакллантириш; в) тарбиявий мақсад: атроф-муҳитни



асраб-авайлашга, уни эъзозлаш ва ғамхўрликка ўргатиш, табиат ва атроф-муҳитдан эстетик завқ олиш ҳиссини таркиб топтириш.

Дарснинг методи: ўқувчига мос бўлган интерфаол методлардан фойдаланиш.

Дарснинг жиҳози: «Атрофимиздаги олам» дарслиги, мавзуга оид рангли расмлар, тарқатма ва дидактик материаллар, кинолавҳа, тест саволлари.

Дарснинг бориши: Ўқувчиларга табиатни эъзозлаш руҳида тарбия беришда «Ақлий ҳужум» методидан фойдаланилади.

Бунда ўқувчиларнинг табиат ҳақидаги билимларини аниқлаш мақсадида, қуйидаги саволлар билан мурожаат қилинади.

Савол: Табиат нима?

Жавоб: Табиат атрофимиздаги мавжуд бўлган барча борлиқ.

Савол: Табиатни эъзозлаш деганда нимани тушунасиз?

Жавоб: Бу атрофимиздаги борлиқ, тоғ, сув, дарахт, қушлар ва ҳайвонот оламини асраш, сақлаш, қадрига ета билиш дегани.

Савол: Нима учун табиатни эъзозлаб « Она Табиат « деб атаймиз?

Жавоб: Инсоннинг энг биринчи боқувчиси, тарбиячиси-бу табиат. Шу сабабдан табиатни эъзозлаб «Она Табиат « деб атаймиз.

Савол: Табиат гўзаллигини қандай ҳис эта оласиз?

Жавоб: Атроф-муҳит, табиат гўзаллигини кўриб завқланаман.

Савол: Табиатдаги ўсимлик, гулларни пайҳон қилмаслик учун ўзингизни қандай тутасиз?

Жавоб: Ўсимликларга эҳтиёткорона муносабатда бўламан, гулларни пайҳон қилмаслик учун махсус йўлаклардан юраман.

Савол: Табиатда қушларнинг аҳамияти нимадан иборат?

Жавоб: Қушларсиз ҳашаротлар дала ва боғларда етиштирилаётган ўсимликларга катта зарар етказади.

Ана шундай савол-жавобдан сўнг ўқувчилар билими умумлаштирилиб, уларга фенологик кузатиш учун вазифалар берилади.

Тадқиқот жараёнида дебат методидан ҳам фойдаланилди: «Дебат» методига кўра, синф икки гуруҳга бўлинади.

Табиатни эъзозлашга оид муаммоларга тааллуқли мавзуда икки гуруҳ аъзолари мунозара шаклида иш олиб боради, яъни биринчи гуруҳ аъзолари иккинчи гуруҳ аъзоларига савол билан мурожаат

қилади, иккинчи гуруҳ аъзолари эса жавоб беради. Бу жараён иккала гуруҳ аъзолари томонидан мунозарали тарзда давом этади.

Мунозаранинг бошланиши:

1-гуруҳ: Сиз яшайдиган ҳудудда қандай экологик муаммолар мавжуд деб ўйлайсиз?

2-гуруҳ: Сув танқислиги муаммоси, ҳудудимиздаги завод ва фабрикадан чиқадиган заҳарли тутунларнинг ҳавони ифлослаши.

2-гуруҳ: Ўзбекистон Республикасининг «Қизил китоб»ига қайси ўсимликлар ва ҳайвонлар киритилган?

1-гуруҳ: «Қизил китоб»га қуйидаги ўсимликлар киритилган: лола, нилуфаргул, арча, ёввойи анор, нор коврак, оқ парпи, қўнғир узум; ҳайвонлардан: қоплон, туркистон силовсини, гепард, қўнғир айиқ, Ўрта Осиё қундузи, Устюрт қўйи, Бухоро буғуси ва Турон сиртлони.

Ўқитувчи: Жавобларни тўлдириб мустаҳкамлаш учун ўқувчилар диққатини тортади:

Ўзбекистон Республикасининг «Қизил китоб»ида мамлакатимиз ҳудудида камайиб бўлган ва камайиб бораётган ўсимлик ҳамда ҳайвонлар ҳақида маълумотлар баён қилинган.

«Қизил китоб» икки жилддан иборат бўлиб, I жилдида йўқолиши ҳавфи остидаги 301 та ўсимлик тури, II жилдида эса 184 та ҳайвон тури киритилган.

Ўқувчилар, қуйидагиларни билиши керак: "Қизил китоб"га киритилган ноёб ўсимликлар ва қирилиб бораётган ҳайвонларни асраб авайлаш сиз ва бизнинг бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз лозим.

«Дебат» методи ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантириб бориш билан атроф-муҳитдаги экологик муаммоларга ижобий қарашга ундайди. «Дебат» методи мунозарасига 8-10 минут вақт сарфланади.

3-босқич: Икки гуруҳ аъзоларига

1-гуруҳ аъзоларидан «Сувни муҳофаза қилиш» мавзуси устида ишлаб, муаммонинг ечиш йўлларини топишлари сўралади.

Улар сув табиатда турли хил: қаттиқ, суюқ ва буғ ҳолида учрашини, сув бўлмаса ўсимлик, ҳайвонот ва инсонлар яшай олмаслигини, сувни ифлослайдиган манбалар, сувни ифлос қилмаслик уни асраб-авайлаш ҳақида гапириб берадилар.



Ўқитувчи биринчи гуруҳ аъзоларининг фикрларига қўшилиб, ҳақиқа-тан ҳам сув ҳаёт манбаи эканлигини, уни эъзозлашни эътироф этади.

2-гуруҳ аъзоларига «Ўсимликлар ва ҳайвонларни муҳофаза қилиш» мавзуси берилади. Гуруҳ аъзолари ўсимлик ва ҳайвонларни асраб-авайлаш барчанинг бурчи эканлиги ҳақида гапирадилар.

Ўқитувчи: Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси жонли табиатга киради. Уларга озор бермаслик лозим. Дарахт шохларини синдирмаслик, ҳайвонларга озор бермаслик кераклигини уқтириб ўтади.

Бундай методлардан сўнг, ўқувчиларнинг табиатдаги ўсимлик ва ҳайвонларни эъзозлашга бўлган қизиқишлари ортиб, мактаб ва синф хоналарда жонли бурчак ташкил этадилар.

Шу нуқтаи назардан, БСЎ она-Табиатни эъзозлаш ва унинг компонентлари ҳақида билимларга эга бўлади, атрофимиздаги оламнинг гўзаллигини ҳис қилади.

БСЎда табиатга оид билим, кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантиришда интерактив методлардан фойдаланиш ўқувчиларни бу ҳақида кўпроқ ўйлашга, баҳслашишга, мустақил фикрини билдиришга ундайди. Бу эса ўзининг ижобий натижасини беради.

## 2.3. Дарсдан ташқари машғулотларда ўқувчиларни экологик тарбиялаш технологиялари

"Бошлангич синфларда ўқувчилар табиатшунослик ўқув фанига оид билим, куникма ва малакаларни эгаллаши шарт" [38]. Ушбу малакалар экологик тасаввур билан чамбарчас богликдир. Бошлангич синф ўқувчиларининг ўзларини ураб турган борлик - табиатни билишлари, инсон фаолияти ва табиат орасидаги муносабатлар мажмуаси ўқувчиларнинг экологик тарбиясини мунтазам оширишни талаб килади.

Экологик муаммоларга бағишланган тадқиқотлар таҳлилидан қуйидагини айтиш мумкин: табиат ва инсон алоқадорлигига оид анъанавий талқинлар янгича изоҳ ва ёндашувлар билан тўлдирилиб, такомиллаштирилиб борилаяпти [39].

[38] Умумий ўрта таълимнинг ДТС ва ўқув дастури //Таълим тараккиёти ж., 2020.
[39] Раҳимқулова М.Б. Бошлангич синф ўқувчиларини дарсдан ташқари машғулотларда экологик қадриятлар руҳида тарбиялаш: Пед. фан. номз ... дисс. – Тошкент: 2000. – 140 б.

Инсоният тарихидан маълумки, соғлом жамиятни фақатгина соғлом муҳит яратади.

Ўзбекистон келажагини таъминлаш “Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва ДТС ва унинг асосидаги мавжуд ўқув дастурларида ўз аксини топган. Шу муносабат билан бошланғич таълим олдига қўйилган вазифалардан бири – бу ўқув-чиларни атроф-муҳитга онгли муносабатини шакллантириш.. Бундай вазифани муваффақиятли ҳал этиш ўқитувчилардан ўз соҳаси бўйича чуқур билимга, юксак экологик маданиятга эга бўлишни, ижодкор бўлишни, педагогик технологиялар асосида машғулотларни ўтказишни талаб этади. Бундай сифатларга эга бўлган ўқитувчигина экологик таълимнинг назарий билимларини чуқур эгаллаган, табиатдаги жараён-ларнинг сир-асрорини биладиган, унинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ахлоқий-аҳамиятини тушунадиган, айнан табиатга нисбатан онгли муносабатда бўладиган баркамол шахсни тарбиялаши лозим. Ўқитувчи таълим бериши учун турли ўқув-методик қўлланмалар, оммавий ахборот воситалари, дарсликлар, синфдан ташқари тадбирлар муҳим манба ҳисобланади. БСЎни ЭТлашда фақат дарс жараёнида таркиб топмайди. Дарс вақт жиҳатдан чекланган, унда кўпгина муҳим экологик билимларни ўқувчиларга ўргатиб бўлмайди. Синфдан ташқари машғулотлар вақт жиҳатидан чекланмаган. Ўқувчиларнинг дарс жараёнида олган экологик билимларини синфдан ташқари машғулотларда ривожлантириш самарали натижа беради.

БСЎни ЭТлашда синфдан ташқари машғулотлар ўқувчиларнинг дарс жараёнида олган билимларининг давоми ҳисобланади ва мазмунан бойиб, бир бутун жараёнга бирлаштиради.

Синфдан ташқари тадбирлар ўқувчиларнинг ижодий фаолиятларини кенгайтиришга имкон берадиган таълимнинг қўшимча ва эркин тури. Атрофимиздаги оламни ўрганишда ўқув саёҳатлари катта аҳамиятга эга. Саёҳат дарсдаги ўқув ишларини ташкил этишнинг шакли сифатида ўқувчиларни ЭТлашда муҳим восита ҳисобланади. Табиатни кузатиш жараёнида билиш фаоллиги шаклланади, ўқувчиларнинг жонли ва жонсиз табиатнинг ўзаро алоқаси, ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёси ҳақидаги тасаввурлари кенгаяди. Табиат билан мулоқот



ўқувчиларда гўзал ҳис-туйғуларни уйғотади. Ўқувчилар яшил майсалар, қушларнинг сайраши, капалак парвози, дарахтлар ва ўсимликларнинг ранг-баранглигига маҳлиё бўлади.

Саёҳатларни ташкил этишдан мақсад – боғдаги дарахт турлари, ўсимлик, ҳашаротлар, қушларнинг ҳаёт тарзини ўрганишдан иборат.

Саёҳатни самарали кечишида қуйидагилар муҳим омил ҳисобланади:

саёҳат мақсадининг аниқлиги; объектнинг тўғри танланганлиги; саёҳатнинг муайян режа асосида ташкил этилиши; ўқувчиларнинг диққатини кузатилаётган объектга йўналтиришга хизмат қилувчи ўқув топшириқларини аниқ ишлаб чиқилганлиги; ўқув топшириқларининг муаммоли хусусиятга эга бўлишини таъминлаш; кузатиш жараёнида ўқувчиларнинг эркин, мустақил ҳаракат қилишга рағбатлантириб бориш; ҳар бир ўқувчининг алоҳида фаоллик кўрсатишига эришиш; уларнинг фаолиятини изчил назорат қилиб боришга имкон берувчи шароитнинг мавжудлиги.

Саёҳат жараёнида ўқувчиларни йил давомида олган билимлари мустаҳкамланади ва фенологик кузатиш фаолияти ошади.

Саёҳат давомида ўқувчиларни экологик тушунчалар билан таништиришнинг қуйидаги методлари бор: суҳбат, ҳикоя, саёҳат, савол-жавоблар, кузатиш, хулоса.

Қуйида намуна сифатида III синф ўқувчилари билан ўтказилган саёҳат дарси ҳақида фикр юритилади.

Мавзу: Табиат нима? Биз ва табиат.

Ўқитувчининг кириш суҳбатида қуйидаги саволлар ҳал этилади:

1. Инсонлар фаолиятида атроф-муҳитнинг қандай аҳамияти бор?

2. Нима учун табиатни эъзозлаб, уни «Она табиат» деб атаймиз?

3. Табиатга зарар етказмаслик учун ўзингизни қандай тутасиз?

Ўсимлик ва дарахтларнинг шохларини синдирмаслик, ҳашарот ва қушларга озор бермаслик тўғрисида тушунча берилади.

Ўқувчилар саёҳат жараёнида кузатув дафтарларида қуйидагиларни ёзиб борадилар: дарахт ва унинг турлари, ўсимлик, гуллар, ҳашарот ва қушларни.

Ўқувчиларга мазкур топшириқларни бажаришда қуйидагилар тавсия этилади (2.4 –2.8 - жадваллар).

2.4-жадвал.

| Т/р | Дарахт тури | Т/р | Ўсимлик ва гуллар | Т/р | Ҳашаротлар | Т/р | Қушлар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Арча | 1. | Ялпиз | 1. | Чигиртка | 1. | Чуғурчиқ |
| 2. | Чинор | 2. | Лола | 2. | Капалак | 2. | Мусича |
| 3. | Олма | 3. | Атиргул | 3. | Асалари | 3. | Читтак |
| 4. | Узум | 4. | Беда | 4. | Хонқизи қўнғизи | 4. | Кабутар |
| 5. | Анжир | 5. | Қоқиўт | 5. | Чумоли | 5. | Чумчуқ |
| 6. | Ўрик | 6. | Пахта | 6. | Ўргимчак | 6. | Сассиқ-попишак |

2.5-жадвал.

Дарахтларни кузатиш

| Т/р | Дарахт номи | Шакли | Ранги ва барглари | Мевалари |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Тут | Катта | Яшил,сариқ, қизғиш, | мевасиз |
| 2. | | | | |

2.6-жадвал

Ўсимликлар ва гулларни кузатиш

| Т/р | Ўсимликлар ва гуллар номи | Шакли | Барглари | Гулларининг ранги |
|---|---|---|---|---|
| 1. | | | | |

2.7-жадвал

Ҳашаротларни кузатиш

| Т/р | Ҳашаротлар номи | Фойдали ҳашаротлар | Заракунанда ҳашаротлар | Ҳашаротлар ранги |
|---|---|---|---|---|
| 1. | | | | |
| 2. | | | | |



2.8-жадвал

Қушларни кузатиш

| Т/р | Қушлар номи | Яшаш жойлари | Уларнинг фарқли жиҳатлари | Ўхшаш жиҳатлари |
|---|---|---|---|---|
| 1 | | | | |
| 2 | | | | |

Топшириқлар бажариб бўлингач, ўқитувчи саёҳат дарси натижаларини умумлаштиради ва ўқувчиларга уйга вазифа беради.

Уйга вазифа: Саёҳатдан олган таассуротларингиз ҳақида иншо ёзинг.

Саёҳат дарслари асосида ўқувчилар табиат гўзалликларини севиш, улардан эстетик завқ олиш, табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар, шунингдек, инсон фаолиятининг табиатга таъсири оқибатларини чуқур ўрганиш, ўқувчиларни ЭТлашга эътибор каратилиши лозим. Саёҳат жараёнида ноанъанавий дарс: ролли ўйин, ҳаракатли ўйин, кузатиш методларидан фойдаланилади. Бундай дарс ўқувчиларнинг атроф-муҳитга қизиқишларини оширади. Улар табиатга онгли муносабат руҳида тарбияланади.

III синф ўқувчилари билан «Табиатни севинг, ардоқланг», «Қушлар бизнинг дўстимиз», «Мен табиатни севаман» каби мавзуларда саёҳатлар уюштирилди.

«Атрофимиздаги олам», «Табиатшунослик» фанлари бўйича синфдан ташқари ишларнинг аҳамияти ва унинг ижтимоий фойдали йўналиши.

БСЎ билан дарсдан ташқари вақтларда ҳар хил машғулотлар: саёҳат ишлари, эрталиклар, синфдан ташқари ўқишлар, қизиқишлар бўйича тўгараклар ва бошқа ишлар ўтказилади. Бу ишлар ўқувчиларнинг ўқитувчи раҳбарлигида уларнинг табиатни билишга қизиқишини уйғотади. Табиатшунослик бўйича синфдан ташқари ишлар дарсларда олинган билимларни кенгайтириш, чуқурлаштириш ва аниқлаштириш, табиатни ўрганишга қизиқиш уйғотиш, ўқувчилар фаоллиги ва табиатни эъзозлашга бўлган муносабатини ривожлантириш, бу вақтни ташкиллаштириш имкониятини беради. БСЎни ЭТлашда синфдан ташқари табиатшунослик ишлари тарбиявий аҳамиятга ҳам эга, чунки

ўқувчиларнинг хулқ-атворига таъсир кўрсатади. Улар моддий дунёга қарашни ва меҳнат маданиятини шакллан-тиради, билишга қизиқишни ва мустақил кузатиш кўникмаларини ривожлтиради, жамоатчилик ҳиссини ва табиатга муҳаббатни тарбиялайди. Табиатшунослик бўйича йўлга қўйилган синфдан ташқари ишлар ўқувчи шахсини ҳар томонлама ривожлантириш воситаларидан бири.

Синфдан ташқари ишлар мазмуни. Табиатшунослик бўйича синфдан ташқари ишларга табиатни ўрганиш ва эъзозлаш, ўсимликларни ўстириш, ҳайвонларни парвариш қилиш билан боғлиқ бўлган хилма-хил машғулотлар киради. Бу машғулотлар дарсларни такрорламаслиги ва фақат дарсларда олинган билимларга асосланиши керак. Ўқувчилар эътиборини табиат, шунингдек, мактаб жонли бурчаги ва ўқув-тажриба майдонидаги кузатишларга қаратмоқ; кўча ва мактабни кўкаламзорлаштириш бўйича, қушларни муҳофаза қилиш ва қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши кураш бўйича ижтимоий-фойдали меҳнатни ташкил қилмоқ лозим. Табиатдаги амалий ишлар кузатишлар ва тегишли китоблар ўқиш билан бирга олиб борилиши керак.

Синфдан ташқари ишнинг жадал бориши учун уни ташкил этиш шаклларини пухта ўйлаб чиқиш зарур. Синфдан ташқари ишларни уч гуруҳга бўлиш лозим (2.9-расм).

| Биринчи гуруҳ | Иккинчи гуруҳ | Учинчи гуруҳ |
|---|---|---|
| Кўплаб ўқувчиларни қамраб олувчи оммавий ишлар, тадбирлар. | Чекланган ўқувчилар доирасида олиб бориладиган тўгарак ишлари. | Табиатни ўрганишга қизиққан айрим ўқувчилар билан олиб бориладиган ишлар. |

**2.9-расм. Синфдан ташқари ишлар мазмуни.**

Оммавий машғулотлар кинофильмларни намойиш қилишни, табиатга саёҳатлар ўтказишни, эрталиклар, ўқувчилар ишларининг кўргазмасини ташкил қилишни, шунингдек, тадбирлар (ҳосил куни, боғ ҳафталигини, дарахтлар ўтказиш ҳафталиги, қушлар куни ва бошқалар) ўтказишни назарда тутади.



Гуруҳ машғулотларга ёш географлар, ёш табиатшунослар, тўгарак ишлари киради. Индивидуал машғулотлар деворий газеталар, албомлар чиқаришни; жонли табиат бурчаги ва мактаб ўқув-тажриба майдонидаги, табиатдаги ишларни; дарсдан ташқари ўқиш ва ахборот бурчаги учун табиатшунослик мазмунидаги материаллар танлашнинг табиат тўғрисидаги «Ёш табиатшунос» журналларига, ўқувчилар илмий-оммабоп китобларига таҳлил беришни ўз ичига олади.

БСЎни табиатни эъзозлаш руҳида тарбиялашда синфдан ташқари ишларнинг барча турлари бир-бирларини тўлдириши ва такомиллаштириши лозим. Индивидуал топшириқ ёки ўқитувчининг тавсиясини бажаришда муайян қизиқиш уйғониши лозим. Бир неча ўқувчилардаги ўхшаш қизиқишларни аниқлаб, ўқитувчи уларни тўгаракка бирлаштиради. Бундай бирлашмалар оммавий синфдан ташқари тадбирларнинг ташкилий маркази бўлиб қолиши лозим, уларнинг муваффақиятли ўтиши учун турли тайёргарлик ишлари ва кўп сонли иштирокчилар керак.

БСЎни ЭТлашда синфдан ташқари ишнинг ташкилий шакли, мазмуни, ўтказиш методлари жиҳатидан хилма-хил бўлиши керак. Унинг мазмуни қандайдир доимий бўлмайди. У ўқувчилар таркиби, ёши, қизиқиши ва эҳтиёжига, мактабнинг табиий ўрами, йил фасли, хона ва жиҳозларга боғлиқ. Бошланғич синф ўқитувчилари фойдаланиши лозим бўлган ишларнинг тахминий рўйхати қуйидагича:

табиатда кузатишлар, табиий ҳодисаларнинг сабабларини аниқлаш; ўлкашунослик музейига (табиат музейига), қазилма бойликлар олинадиган жойларга, дала ва фермаларга тўпланган материалларни расмийлаштириш билан саёҳатлар; табиий материал тўплаш ва расмийлаштириш, коллекция, гербарий, макет, модел тузиш; мактабнинг атроф-табиат харитаси ва унга ёндашган жойнинг режасини тузиш; илмий-оммабоп, табиатшунослик адабиётларни, «Ғунча», «Ёш табиатшунос» журналларида эълон қилинган мақолаларни жамоа бўлиб ўқиш; жонли табиат бурчаги ташкил қилиш, ўсимлик ва ҳайвонларни кузатиш ва улар устида тажрибалар ўтказиш, шунингдек, мактаб микро участкасида тажриба ва кузатишлар олиб бориш; табиатшунослик мазмунидаги кинофильм, диафильм, диапозитивларни кўриш; халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмалари

билан танишиш; оммавий тадбирларда (байрам, эрталик ва ҳ. к.) қатнашиш; Тошкент шаҳри ва Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги ҳайвонот боғларидаги ҳайвонлари билан танишиш; табиатни муҳофаза қилиш, одам ҳаётида ўсимлик ва ҳайвонларнинг фойдаси ва аҳамияти тўғрисида суҳбатлар; табиатни эъзозлашга қаратилган ижтимоий-фойдали ишлар, кўкаламзорларни муҳофаза қилиш, дарахт ва буталар ўтказиш ҳамда уларни парвариш қилиш, бегона ва маданий ўсимликларнинг уруғ, меваларини йиғиш, бегона ўтлар, дала, полиз, боғ, ўрмон зараркунандаларга қарши кураш, фойдали ҳайвонларни муҳофаза қилиш; табиатшунослик хонасини, ўлкашунослик бурчагини, кўргазмаларни, табиат бурчагини жиҳозлаш; табиий материалдан оддий кўргазмали қуроллар тайёрлаш, ўқувчилар ишларининг кўргазмасини ташкил қилиш; деворий газета ва альбомлар учун материал йиғиш; деворий газета, «Она – Табиат ҳақида», «Табиатни эъзозланг», «Табиат ҳақида ўқи» ва шу каби янгиликларни чиқариш; янгиликлар бурчаги ҳамда синфдан ташқари ўқиш мавзулари бўйича қўшимча ўқиш учун адабиёт йиғиш.

БСЎни ЭТлашда синфдан ташқари табиатшунослик ишининг методларини ўқитувчи олдиндан режалаштиради, ўқувчилар фаолиятининг хилма-хил турларига жалб қилади. Синфдан ташқари ишлар муваффақияти кўп жиҳатдан ҳар бир машғулот учун материалнинг тўғри танланишига, уни ўтказишнинг тузилиш режаси ва методикасига, шунингдек, мўлжалланган тадбирларда ўқувчиларнинг фаол қатнашишларига боғлиқ.

БСЎни ЭТлашда индивидуал ишлар. Табиатни билиш ва мойиллик ёки ҳеч бўлмаганда қизиқишга эга бўлган ўқувчилар билан табиатшунослик бўйича индивидуал ишлар олиб борилади. Ўқувчиларда табиатга қизиқиш вужудга келишида ўқитувчининг шахси, унинг табиатга муҳаббати ва унга эҳтиётлик муносабати, ўқувчиларни эргаштира ва қизиқтира олиш уқуви катта роль ўйнайди. Унинг I синфда кузатишларни қандай ташкил қилишига, бу ишнинг зарурлиги ва муҳимлигини қанчалик асослашига, табиатшуносликни ўқитишни қандай йўлга қўйишига ўқувчилар-нинг билим сифатигина эмас, балки дарсдан ташқари вақтларда табиатшунослик ишлари билан ишлаш шакллари ҳам боғлиқ.



Индивидуал топшириқларни бажариш тадқиқий иш кўникмаларини шакллантиради, ўқувчиларнинг бўш вақтларини фойдали ва қизиқарли ишлар билан тўлдиради. Индивидуал топшириқларнинг мазмуни ўқувчиларнинг қизиқишлари билан белгиланади. Ўқувчини нимаики қизиқтирмасин – хона ўсимликларини парвариш қилишми, ҳайвон ва ўсимликларни тасвирлаган марка ёки откриткаларни тўплашми, гербарий тузишми, табиатда тажрибалар қўйиш ва кузатишлар ўтказишни – у ўқитувчи томонидан маъқулланиши ва қувватланиши лозим. Индивидуал топшириқларнинг мавзулари ўқувчиларнинг қизиқишларига қараб танланади, аммо топшириқларнинг мазмуни уларнинг бажарилишини ташкил қилиш ва методикаси ўқитувчи томонидан синчиклаб ўйланган бўлиши керак (ўрганиш объекти, кузатиш ёки иш жойи белгиланади, режа тузилади). Ишнинг охирига етказилиши ва унга қизиқишнинг йўқолмаслиги учун индивидуал топшириқларни бажарилишида ўқитувчи ўқувчиларга мунтазам ёрдам кўрсатиб бориши лозим.

БСЎни ЭТлашда синфдан ташқари қўшимча таълим бериш зарур. Албатта, технология соҳасидаги тараққиёт, янги энергия манбаларининг кашф этилиши, янги маъданлар ва кимёвий моддаларнинг пайдо бўлиши, оқибатини ўйламай, табиатдаги жараёнларга аралашув каби ҳолатларнинг барчаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида ниҳоятда ташвишли вазиятни вужудга келтирди.

Табиатни эъзозлашни билмайсиз, севолмайсиз... атроф-муҳитга эътиборсизлик..., экологик муаммолар..., глобал исиш..., ҳайвонларнинг йўқ бўлиб кетиши..., ўсимликларнинг йўқ бўлиб кетиши..., Инсон ва табиатнинг ўзаро таъсирининг экологик муаммоси ва шунингдек, инсониятнинг атроф-муҳитга таъсири жуда кескин бўлди. Инсоният табиат қонунларига зид равишда ўзгаришлар олиб кириш натижасида атроф-муҳит ҳолатини, айниқса, йирик саноатлар атроф-муҳитни зарарламоқда. Атроф-муҳитни инсон ўз фаолияти туфайли қутқариши мумкин. Бунинг учун табиатдаги кўплаб ўзаро таъсирларни ҳисобга олган ҳолда, табиат қонунларини тўлиқ тушуниши, инсон табиатнинг бир қисми эканлигини англаши ва табиатга эҳтиёткорона ёндашишлари, уларни қўриқлашлари ва сақлашлари зарурлигини амалда татбиқ этиши лозим.

Экологик ва ахлоқий маданиятнинг шаклланиши илк ўқувчилик даврида бошланиб, умр бўйи давом этадиган онгли жараён. Табиатдаги ўсимликлар ва ҳайвонот олами инсон учун энг зарур бўлган нарсалар ҳисобланади. Кимки буларга зарар етказса, инсониятга зиён етказган бўлади.

«Табиатни эъзозлаш» – бу билимлар, кўникмалар, қадриятлар ва ҳиссиётлар тизими бўлиб ҳисобланади. Ўқувчилар табиатни эъзозлашининг таркибий қисмлари қуйидагилар: экологик билимлар, атроф-муҳитга онгли муносабат, экологик хулқ-атвор ва табиатга бўлган севги ҳислари.

БСЎни ЭТлашга оид тушунчаларни оила, мактабгача таълим ва мактабда ўрганишни бошлашимиз керак, чунки ёшликда олинган билимлар доимийликка айланади. Атрофимиздаги олам тўғрисидаги тасаввурлар ўқувчиларнинг табиатни эъзозлаш ва ғамхўрлик қилиш кўникмаларини шакллантириб боради. Табиатни эъзозлаш орқали ўқувчилар жонли табиатдаги ўсимлик ва ҳайвонот оламининг тикланиш жараёнига ижобий таъсир қилиши мумкин.

Ўқувчилар табиатга эхтиёткорона муносабатда бўлишликлари учун экологик муаммоларнинг даражасини чуқур билишлиги, саноат-корхоналар ҳамда қишлоқ хўжалигининг атроф-мухитга ижобий ва салбий таъсир этаётган жихатлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишлари, атроф-муҳитнинг физик ва кимёвий ифлосланиши тўғрисида маълумотлар дарсликларда ўз аксини топиб, ёритилиб борилиши керак.

Масалан, дарсликдаги йўллар ва транспорт воситалари билан таниш-ганимизда, транспорт воситаларининг зарарли таъсири, янги ерларнинг ўзлаштирилиши оқибатида ўсимликлар ва ҳайвонлар яшайдиган жойларнинг қисқариши, ҳавонинг ифлосланиши оқибатида одамлар саломатлиги жиддий таъсири; сув ҳавзаларининг софлигига таъсири ва уларни ҳимоя қилиш чоралари акс этиши лозим.

| | |
|---|---|
| **Табиатни эъзозлаш орқали ҳаёт учун муҳим бўлган гўзаллик ва фазилатларини сақлаб қолиш истагига сабаб бўлади, шу жумладан, дастур мазмунида экологик таълим бир нечта мазмунли йўналишларни акс эттирди:Инсон ва инсонлар (нинг)** | табиат ва жамият аъзоси; |
| | табиий ва ижтимоий-маданий муҳитнинг хилма-хиллиги; |
| | тирик организмларнинг атроф-муҳит билан ўзаро экологик таъсири; |
| | инсон меҳнати ва атроф-муҳитдаги хатти-ҳаракатлар; |
| | экологиянинг инсон саломатлигига таъсири. |



Таълим сифати ва самарадорлигини ошириш йўлида хорижий илғор тажрибаларни ўрганиш, халқаро стандарт талабларининг жорий этилиши ва дарсдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш.

Узлуксиз таълим – бу ягона ўқув муҳитини яратиш ва ўқувчиларни дунёни англаш, ДТСларини амалга ошириш талабларини уйғунлаштириш ва индивидуал қобилият ва эхтиёжларни ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш йўли.

“Атрофимиздаги олам” ва “Табиатшунослик” фанини ўқитишда педагогик технологиялар орқали табиатни тушунишни ўз ичига олди - технология қандай ишлаши, технология қандай ва нима учун ишлаб чиқилганлиги, ўқувчиларга қандай йўналтирилганлиги, табиатга қандай муносабатда бўлиши афзаликлари ҳақида.

Масалан, синфдан ва мактабдан ташқари ўқувчиларга табиатни эъзозлаш руҳида тарбиялаш ҳамда қўшимча таълим беришда қуйидаги стратегик технологияни ишлаб чиқишга эътибор қаратдик:

нима учун далалар, ўрмонлар, ўтлоқлар табиат деб аталади; нима учун тупроқнинг таркибида турли хил элементлари мавжуд; бу табиатда ўқувчилар ўзларини қандай тутиши керак.

БСЎни ЭТлаш технологияларини жорий этиш қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- «Табиатни эъзозлаш» таълим жараёнида
- Сувни тежаш бўйича лавҳалар, «Ҳавони сақлаш» Қизил китоб.
- Атроф-муҳитга оид кўргазмалар.
- Чиқиндиларни саралаш, чиқинди йиғиш ва пластик идишлар.
- Мактабдан ташқари тадбирлар «Табиат қучоғида» доирасида
- Қиш фаслида юртимизда қишлаб қоладиган қушларга уйчалар ясаб дарахтларга илиб қўйиш ва уларга дон бериш.
- Оилавий табиат қучоғига ташриф буюринг

- Оила аъзоларимиз билан табиатни асраб-авайлаб, уларга зарар етказмасдан табиат қучоғида ўлкамиз ўсимликларини ўрганамиз.
- «Мен она – Табиатни эъзозлайман» тадбири
- Тарихий ҳудудларда чиқиндиларни йиғиш тадбири.
- Экотуризм билан ҳамкорликда мактабимиздаги
- «Ёш табиатсеварлар» марказлари тадбири
- «Ёш табиатсеварлар» саёҳат тадбирларини ташкиллаштириш
- Беш ташаббус дорасида ўқувчилар ўртасида табиатни эъзозлашга оид мусиқий тадбирни табиат қучоғида ўтказиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш бўйича табиат манзараси тасвири танловлари ташкил этиш.
- Табиатни эъзозлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича танлов ва мусобақаларда иштирок этиш.
- Она тили, математика, ўқиш дарсларида.
- Экологик муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини ечиш тартиби ва ечими она тили, математика, ўқиш дарсларидаги мавзулар.
- Ер юзида аҳоли сонининг ортиб бориши.
- Атроф-муҳитнинг ифлосланиши.
- Фан ва техниканинг ривожланиши.
- Йирик шаҳарларнинг кўпайиб бориши.
- Инсон билан табиат ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши.

Бир қатор дарсда ва натижалар бошқа экологик билимларга жалб қилинади, қизиқарли мисоллар билан ўқувчиларга табиатни эъзозлаш ва табиатни уйғунликда ўрганиш зарурлигини исботлайди.

БСЎни табиатни эъзозлаш руҳида тарбиялаш улардаги экологик онгни, атроф-муҳитни эъзозлаш ва ривожлантириш стратегиясини шакллантиради.

БСЎга ҳар бир дарс жараёнида педагогик технологиялар асосида глобал экологик муаммоларга доир билимларни бериб боришни жорий қилиниши ўқувчиларни табиатни эъзозлаш руҳида тарбиялашни янада орттиради. Шу фан синфдан ташқари ўқувчиларга табиатни эъзозлаш руҳида тарбиялаш бўйича берилган билим, малака ва кўникмаларини ривожлантирилди.

Шу мақсадда, БСЎни табиатни эъзозлаш руҳида тарбиялашда ўқув саёҳати ва меҳнат таълими дарсдан фойдаланилади.



Индивидуал топшириқларнинг бажарилишини текшириб бориш керак, иш охирида эса унинг натижаларини ўқувчиларга баён қилиш зарур. Доим эсда тутиш керакки, индивидуал ишларнинг амалий аҳамияти фақат ўқувчилар уни амалга ошириш зарурлигини тушунгандагина таъминланади. Шунга кўра, қилинган иш тўғрисида вақт-вақти билан (табиатшунослик дарсида ёки синфдан ташқари машғулотда) ҳисобот тинглаб бориш фойдали. Бунда ҳар бир индивидуал ишнинг натижалари барча ўқувчиларнинг бойлиги бўлиб қолади. Бундай ҳисоботлар синфдан ташқари ишларга қизиқишни рағбатлантиради, табиатни эъзозлаш руҳида тарбиялаш тўғрисидаги ўқувчилар билимини тўлдиради ва кенгайтиради, уларни синфдан ташқари машғулотларнинг барча шаклларида фаол қатнашишларига олиб келади.

Гуруҳ машғулотлари. Табиатшунослик бўйича синфдан ташқари ишларнинг гуруҳ бўлиб ўтказиладиган шаклларидан бири тўгарак иши. У муайян иштирокчилар доирасини қамраб олади ва табиатни эъзозлашни чуқурроқ ўрганиш имкониятини беради. Тўгаракка аъзо бўлиш ихтиёрийдир, аммо унга кирувчи ўз зиммасига аниқ режа бўйича ишлаш ва бошлаган ишини охирига етказиш мажбуриятини олади. Режага ўқувчилар бажаришга кучи етадиган ишлар киритилиши лозим. Ўқитувчининг асосий вазифаси – амалий натижалар берувчи фаол ишларни таъминлаш. Ишда ҳар хил: ўқитувчи ва ўқувчиларнинг табиий ёки тасвирий кўргазмали қуролларни намойиш қилиш билан оғзаки баён қилиши, амалий ўқув ва кўникмаларни шакллантиришга қаратилган ўқувчиларнинг ижтимоий-фойдали меҳнати ва бошқа методлар тўғри уйғунлаштирилиши лозим.

Тўгаракнинг муваффақиятли ишлашида машғулотлар ўтказишга тайёрланиш катта аҳамиятга эга. Биринчи машғулот олдидан ўқувчиларга уни ўтказиш вақти тўғрисида эслатиш, тўгарак вазифалари билан ўқувчиларни таништирувчи кириш суҳбатининг мазмунини барча тафсилотлари бўйича ўйлаб чиқиш зарур. Тўгаракнинг иш режасини туза туриб, мўлжалланган мавзуни ўқувчилар билан муҳокама қилиш ва уларнинг таклиф ҳамда шаклларини ҳисобга олиш керак. Тўгаракнинг биринчи машғулотида унинг фаоллар кенгаши (сардори, унинг муовини, муҳарририят аъзолари) сайланади ва номи («Табиатни

эъзозлайман», «Биз ва табиат», «Ёш табиатшунос», «Табиатни севувчилар») тасдиқланади. Энг яхши ном учун танлов эълон қилиниши лозим. Шунингдек, тўгаракда қатнашувчиларнинг хулқ-атвори принципларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш зарур. Қоидалар: ишда фаол қатнашиш; барча топшириқларни ўз вақтида бажариш; ҳар бир ишни ниҳоясига етказиш; кузатишлар ва бажарилган ишлар кундалигини юритиш; ўртоқларига ёрдам бериш; машғулотларга мунтазам қатнашиш.

Тўгарак ишига ўқитувчи раҳбарлик қилади. Давоматни сардор ёки унинг муовини махсус журналда олиб боради. Машғулотлар икки ҳафтада бир марта муайян кун ва соатда ўтказилади.

Биринчи машғулотда фақат ташкилий масалалар билан чекланмаслик керак. Ўқувчиларга кичикроқ, лекин қизиқарли кириш машғулотлари бериш керак, тўгарак ишига қизиқсинлар ва нима билан шуғуллаишлари тўғрисида дастлабки тасаввурлар олсинлар. Ишни диафильм, диапозитив кўриш, табиатшунослик мазмунидаги илмий-оммабоп адабиёт ўқиш билан бошлашади.

Ҳар бир ёш табиатшунос ёки 3-4 нафар кишидан иборат кичик гуруҳ ўқитувчи ёрдамида ўзлари учун муайян мавзуни танлайдилар. Тўгарак раҳбарининг вазифаси – ҳар бир иштирокчини у уддалайдиган қизиқарли ва фойдали мавзу билан таништиришдир. Тўгаракда ўтказиладиган иш хилма-хил бўлиши, лекин умумий мақсадга – жонажон табиатни эъзозлаш-га ва ўрганишга бирлаштирилиши зарур.

Тажриба-синов мактабларида «Табиатни эъзозлашга шайман» тўгараги ташкил этилди. Тўгарак аъзолари ёш хусусиятларига кўра бир неча гуруҳдан иборат. Дастлаб «Табиат шайдолари» тўгарагининг (III - IV синфлар) иш режаси ишлаб чиқилди.

I-IV синф ўқув материаллари бевосита атроф-муҳит билан боғлиқ. Атроф-муҳитда содир бўладиган барча ҳодисаларни дарсда ўқувчиларга ўргатиб бўлмайди. Бир қанча материаллар мавжудки, уларни ўқувчилар билишлари зарур. Ана шуни инобатга олиб "Табиат шайдолари" мавзусидаги тўгарак ташкил этдик. Қуйида тўгарак дастури баён этилади.

Машғулотларда: ўқитувчи ва ўқувчилар ҳикояси, суҳбат, амалий ишлар бажариш, коллекция тўплаш ҳамда гербарийлар ясаш, тажрибаларга тайёрланиш ва ўтказиш, табиатда ўтказилган кузатишларни муҳокама қилиш методларидан фойдаланилади.



Тўгарак иши. Табиатшунослик бўйича синфдан ташқари ишларда бошланғич синф ўқитувчилари тўгарак машғулотларидан кенг қамровда фойдаланадилар, уларни бошқа иш шаклларидан фарқи шундаки, тўгарак-да ўқувчилар эркин фаолият танлашлари лозим, ўзаро муносабатлар учун эркин вазият яратилади, ўйинларга эҳтиёж ва қизиқиш қаноатлантирилади. Тўгарак йиғинларида ўқувчилар ўзларини қизиқтирган: Бу нима? Нима учун бу юз беради?. Қаерда буни кўриш, билиш, ўқиш лозим? каби савол-ларга мустақил жавоблар беришга ҳаракат қилишадилар. Ҳар бир тўгарак йиғилишининг зарур элементлари унда ўқувчиларнинг саволлари ва жавобларидир, жавоблар топилган манбаларнинг, албатта, кўрсатилиши. Бу иш билан барча ўқувчиларни қизиқтириш учун синфда «сўранг жавоб берамиз» қути қўйилади, унга саволлар ёзилган варақачалар солинади.

Тўгаракнинг навбатдаги йиғилишидан бир ҳафта олдин ўқитувчи саволларни мазмунига қараб гуруҳлаштиради, тўгарак аъзолари орасида тақсимлайди ва жавоб топишни таклиф қилади. Жавоблар тайёрлаш учун ўқитувчи тўгарак аъзоларига маълумотнома ва илмий-оммабоп адабиётга мурожаат қилишни, агар керак бўлса, табиатда ёки жонли табиат бурчагида кузатишлар, оддий тажрибалар ўтказишни тавсия қилади. Саволларга жавоб беришни нарса ва ҳодисаларни, ўсимликлар гербарийси ёки уларнинг расмларини диапозитив, диафильм кўрсатиш билан олиб бориш маъқул. Тўгарак машғулотини ўтказишга бундай тайёргарлик ўқувчиларда фақат кузатувчанликни, қўшимча адабиёт билан ишлаш ва саволларга тўғри жавоб бериш уқувинигина эмас, балки кўрсатиш учун материал танлаш уқувларини ҳам ривожлантиради, жавобларни анча исботли ва эсда қолувчи бўлишини таъминлайди, бошқа тўгарак аъзоларида ҳам саволларни чуқур ва қизиқарли ёритишга интилиш вужудга келтиради.

Экологияга оид мавзудаги тадбирлар ташкил этилса-да, бироқ барчасининг мақсади ўқувчиларни табиатни эъзозлаш руҳида тарбиялашга қаратилган. Табиатшунослик бўйича синфдан ташқари оммавий ишлар саёҳатлар, танловлар, диапозитив ва кинофильмларни кўрсатиш билан бирга тематик кечалар, ҳар хил тадбирлар (қушлар куни, гуллар ва дарахтлар ўтқазиш, Ҳосил байрамлари, она-Табитни эъзозлаш)ни ҳам ўз ичига олади.

Улардан мақсад – синфдан ташқари ишларга иложи борича кўпроқ ўқувчиларни жалб этиш, уларда қатнашишга иштиёқ ва хоҳишни уйғотиш, уларни ижтимоий-фойдали ишларга йўналтириш, ўқувчиларда ташкилотчилик қобилиятларини аниқлаш ва ривожлантириш.

Тадбирга тайёрланиш табиат тўғрисидаги ўз билимларини кузатиш-лар ёки китобларни ўқиш ёрдамида тўлдириш зарурати билан боғлиқ бўлиши лозим. Чунончи, баҳор (очиқ кунлар, ўсимлик ва ҳайвонларнинг уйғониши, қушларнинг учиб келиши) тўғрисидаги баённи тайёрлаш куза-тишлар ва табиатдаги баҳорги ўзгаришлар тўғрисидаги адабиёт ўқиш билан боғлиқдир. Тадбир режада белгиланган вақтда барча ўқувчиларнинг фаол иштирокида ўтказилиши керак (ота-оналар ҳам таклиф этилиши лозим). Уюшқоқлик, чиройли расмийлаштириш, ёрқин чиқишлар шундай тадбирларнинг узвий қисмлари. Иштирокчиларнинг хотирасида кечинмаларни сақловчи ва табиатни ўрганиш ҳамда уни эъзозлаш руҳида тарбиялаш ҳиссий кўтаринкиликни вужудга келтиради.

Ўтказилган тажриба-синов ишлари жараёнида синф ва мактабдан ташқари ташкил этилган тадбирлар БСЎда табиатни эъзозлаш, табиатга онгли муносабатда бўлиш борасида катта имкониятга эга эканлиги аниқланди.



## 2.4. Экокласс: бошланғич синф ўқувчилари учун интерактив экологик дарслар

### “Экосветофор” методикаси

Муаммонинг психологик йўналиши. – қизиқиш – шахснинг фаолият мақсадини англашга йўналтирилганлигини таъминловчи, йўналишни тўғри белгилашга хизмат қилувчи ва янги маълумот билан таништирувчи билиш эҳтиёжининг намоён бўлиш шакли.

Ижтимоий нуқтаи назардан “қизиқиш” тушунчаси уни шахс тузилишидаги сифатий фаол тоифа қабилида тавсифлайди.

қизиқиш муайян мазмун, хусусият, қувват, шакл, характер, сабаблар ва йўналишга эга.

қизиқиш – бу шахснинг ҳиссий образли фаолиятида ҳайрат, диққат, қизиқсиниш, ачиниш каби кўринишларда ифодаланувчи билиш объектига ҳиссий билиш муносабатидир.

қизиқиш мазмуний тушунча сифатида бир-бирини тўлдирувчи, танлаш ва йўналиш нуқтаи назаридан унинг қимматга эга бўлган у ёки бу аҳамиятини таъкидловчи кўплаб таърифлар мавжуд.

**Мақсад:** инсоннинг табиат билан оқилона муносабати, ўқувчиларнинг табиат билан ўзаро таъсири натижаларини баҳолаш, ўқувчининг экологик жиҳатдан тажрибасини ошириш, қобилиятларини шакллантиришга йўналтирилган фаолият.

**Топшириқ**: ўқувчилар уч рангдаги доираларни олади: ***қизил, сариқ, яшил***. Жадвалда рангларнинг белгилари кўрсатилган.

| | | |
|---|---|---|
|  | Атроф муҳит, инсон ва унинг ҳаётига зарар этказадиган ҳаракатларни тақиқлайди |  |
|  | Табиатга иложи борича озроқ зарар этказиш тўғрисида эҳтиёткорлик билан огоҳлантиради |  |
|  | Ўсимликларга, ҳайвонларга ёрдам берадиган ҳаракатларга рухсат беради ва рағбатлантиради |  |

Инсоннинг табиатдаги ҳаракати тавсифи ўқилади ва тегишли расм кўрсатилади. Ўқувчи ҳлар буни қадрлашлари керак.

Мавжуд бўлган доиралардан бири бўлган ҳаракат – бу ёки бу транспорт сигналини ёқиш.

1. Табиат расмларини чизиш.
2. Сув омборидаги саноат чиқинди сувлари.
3. Автомобильлардан чиқадиган газлар.
4. Дарахтларни кесиш.
5. Ўсимликларга ғамхўрлик қилиш.
6. Уй ҳайвонларини даволаш.
7. Табиатдаги оловни йўқ қилиш.
8. Муҳтож ҳайвонларга ёрдам бериш
9. Гуллар, буталар, дарахтларни экиш.
10. Чиқиндиларни дарёга тушириш.

Фаолиятни баҳолаш:

**Юқори даража**: ўқувчи табиатда ўзини тутиш нормаьари, қоидаларини билади ва уларга риоя қилади орқали экологик таълим компетентлиги ривожланган. Ўқувчи барча саволларга тўғри жавоб беради.

**Ўрта даража**: ўқувчилар табиат тўғрисида билимга эга эмаслар ва табиатдаги ўзини тутиш қоидаларига ҳар доим ҳам риоя қилмайдилар. Экологик билим ва маданият ўртача даражада шаклланади.

**Паст даража**: ўқувчилар ўзларини тутиш, табиатдаги ҳаракатлар устидан назоратни қандай амалга оширишни билишмайди. Экологик билим ва маданият паст даражада.

*Экокласс: бошланғич синф ўқувчилари учун интерактив экологик дарслар.*

Атроф-муҳит муаммолари ҳар кимга таъсир қилади. Бизнинг ҳар биримиз, ҳаттоки мактаб ўқувчиси ҳам қандай қилиб барқарор яшашимиз ва табиатни муҳофаза қилишда ўз ҳиссамизни қўшишимиз мумкинлигини кўрсатиш учун эса Ҳаракати атроф-муҳит дарсларини яратади ўқитувчиларни жалб қилади.

Экологик дарсларнинг ўзига хослиги нимада?

Дарсларимизда, интерфаол таълим методлари орқали ва замонавий ўқувчиларнинг қизиқиши ҳисобга олинган ҳолда ўтказилади.

Дарсларда қизиқарли таълим мазмуни билан бир қаторда ижодий топшириқлар, роль ўйнаш, ишбилармонлик, давра столи ўйинлари ва ғайриоддий тарқатма материаллар мавжуд.

Дарс учун материаллар тўплами ишлаб чиқилган.



Ўқувчиларга олган амалий билимларини кундалик ҳаётида қўллай олиш имконни беради.

Дарсларни фанлараро ўтказиши мумкин бўлган мавзулар танлаб олинади.

Табиат ҳақида маълумот, Табиатга саёҳат «Куз неъматлари», «Ўлкамизнинг қушлари», «Йил фаслларидаги ўсимликлар», «Йилнинг ҳар хил фаслларида ҳайвонлар» диафилмларни кўриш, «Табиатни эъзозлаш ва авайлаб асраш», «Уларни муҳофаза қилиш керак» каби суратлар билан ишлаш, «Олтин куз» эрталиги, «Қанотли дўсларга ёрдам» операцияси, чиқиндиларни бошқариш, экологик тоза турмуш тарзи, иқлим ўзгариши, ўрмон ресурсларини муҳофаза қилиш, биологик хилма-хиллик, экология учун мобил технологиялар каби мавзулар олинади.

Дарснинг босқичлари:

- дарснинг ҳар бир босқичини қандай ўтказишни батафсил тавсифловчи услубий қўлланма ва видеофильм;
- рангли анимацион тақдимот;
- стол ўйинлари, ижодий вазифалар, роль ва ишбилармонлик ўйинлари ва бошқа ривожланиш фаолияти учун тўпламлар;
- ўқувчилар ва ота-оналар учун уй вазифаси билан ғайриоддий тарқатма материаллар.

Экологик дарслар ўтказган ва улардан фоторепортаж тақдим этган ҳар бир кишига шахсий диплом ва ташаккурнома берилади. Энг яхши фотосуратлар онлайн-альбомига киритилган.

Тадбирда иштирок этаётган ўқитувчиларнинг фикр-мулоҳазалари:

Фикрлар! Ўқитувчи сифатида менга ҳам, ўқувчиларга ҳаммаси жуда ёқди! Тақдимот нафақат жуда қизиқарли ва мазмунли материаллар билан, балки унинг жонлантирилганлиги билан ҳам ўзига жалб қилди. Ўйин айниқса ўқувчиларга жуда ёқди. Сиз ажойиб дўстсиз! Сиз жуда яхши иш қиляпсиз, шу билан бизлари учун бу ишни осонлаштирмоқдасиз.

Ўқитувчилар экологик календарга мувофиқ кўплаб тадбирларни амалга ошириши керак. Бироқ, ушбу тадбирларнинг барчаси катта тайёргарлик ишларини ва жиддий муносабатни талаб қилади. Шундай қилиб, мен экологик дарс ва экохабар жуда ёқди. Ўқитувчилар тақдимотни томоша қилиш пайтида олинган билимларни мустаҳкамлайдилар.

Тадбир ажойиб. Материал ўқувчилар учун қулай бўлган шаклда тақдим этилган, шунингдек ўқувчилар турли хил карточкалар ва расмлар билан гуруҳларда ишладилар. Ҳамма суҳбатда қатнашишга, экологик вазиятга изоҳ беришга ҳаракат қилди. Дарс охирида йиғилган кичкина китоб барчани ҳайратга солди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 30 сентябрда «Ўқитувчи ва мураббийлар» кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида, "Бугун ҳар бир ўқитувчи ва тарбиячи, олийгоҳ домласи таълим ва илм-фан соҳасидаги энг сўнгги ижобий янгиликларни ўқув жараёнларига татбиқ эта оладиган, чуқур билим ва оламқараш эгаси, бир сўз билан айтганда, замонамиз ва жамиятимизнинг илғор вакиллари бўлишлари керак",-деб алоҳида таъкидлаган эди[40].

Шу муносабат билан, Юртбошимиз ташаббуси асосида «яшил иқтисодиёт»ни барпо этишда ёшларни фаол жалб этиш бўйича Махсус дастурни амалга ошириш таклиф этилмоқда. Бу келажакда «яшил», яъни экологик тоза маҳсулотларни истеъмол қилиш маданиятини шакллантиришга катта имконият яратиши алоҳида кўрсатиб ўтилди[41].

Материаллар ўқувчи учун жуда бой ва қизиқарли. Дарс жараёнида ўқувчиларнинг ҳаётий тажрибаси, компетентлиги ошади, бу дарсда ўзгача муҳит яратади. Тақдим этилган ишланмалар, ёш авлодда экологик маданиятини шакллантиришга ёрдам берадиган амалий қисмга эгалиги билан муҳимдир.

Моделлаштириш бўйича машғулотларни Дарс ёки география майдончасидаги табиатшунослик ва меҳнат дарсларида ўтказиш мумкин. Моделлаштиришдан илгари ўзлаштирилганларни мустаҳкамлаш ва янги материал билан таништириш, шунингдек, экскурсияда олинган билимларни мустаҳкамлаш учун фойдаланиш мумкин. Чунончи, ўқувчиларга экскурсияда кузатилган Ер юзасининг ўша шаклларини пластилин билан (қоғоз ёки картонга) ёпиштириш топшириғини бериш лозим. Ўқитувчи пластилин билан тепаликни ифодалаб унинг пасти ва учини, ётиқ ва тик ён-

---

[40] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик-2030» (П4Г) иккинчи халқаро саммитидаги нутқи.
[41] 2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг "яшил" иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4477-сон қарори.//Lex.Uz.



бағирликларини ёки текисликни кўрсатишни; жарлик, дарё ва унинг қисмлари, денгиз моделларини тайёрлашни таклиф қилиши мумкин. Уй вазифаси сифатида жойнинг рельефини ёпиштириш ва қоғоз ёки картондан тайёрланган ўсимлик ва ҳайвон моделларини макетда жойлаштиришни таклиф қилса бўлади. Макетнинг қисмларини меҳнат дарсларида ясаш мумкин.

4-Дарсда «Табиатининг хилма-хиллиги» мавзусини ўрганишда ўқувчилар қумтепа, дашт, чўлларнинг ўсимлик ва ҳайвонлари билан макет ҳамда моделларини, ўрганилган табиий зоналардан истаганининг флора ва фаунаси аппликацияларини тайёрлашлари мумкин. Бундай ишлар ўқувчиларнинг предметга бўлган қизиқишларини оширади, улар тафаккурини фаоллаштиради, ўрганилаётган ҳодисани кўргазмали равишда тасаwур қилишга, бинобарин, билимларни ишончли равишда мустаҳкамлашга ёрдам беради. Табиатшунослик дарсларида ўқитиш воситаларидан самарали фойдаланиш катта аҳамиятга эга бўлиб, ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилиятларини янада ривожлантиради.

Ўқувчиларда атроф-муҳитга масъулиятли муносабатни шакллантириш методлари билан боғлиқ масалаларни ижобий ечиш учун ижтимоий экологик бой тажрибалардан келиб чиқиш кераклиги табиий. Бунинг учун тарбиячи таълим ва тарбия мақсадини кўзда тутган ҳолда биринчи навбатда бугунги экологик вазиятнинг асл моҳияти, унинг табиат ва жамият олдига қўйган муаммоларидан тўла хабардор бўлмоғи, таълим ва тарбия мазмунини Ўқувчилар онги ва ахлоқига сингдириш зарурияти ва эҳтиёжларини ҳисобга олмоғи лозим.

Ўқувчиларда табиатга масъулиятли муносабатни шакллантириш вазифаларини амалга оширадиган аксиологик ва тизимли-фаол ёндашувларни қўллаш зарурати билан боғлиқ.

## ХУЛОСА

БСЎни ЭТлаш технологияси бўйича олиб борилган илмий – тадқиқот ишлари, кузатиш ва умумлаштириш натижаларидан қуйидагиларни тавсия этишга имкон берди:

БСЎни ЭТлаш принципларига аниқлик киритиш ва мактаб амалиётидаги ҳолатини долзарб педагогик муаммо эканлиги асосланди.

БСЎни ЭТлаш мазмуни ва тузилмасига мажмуавий ёндашув ишлаб чиқилди. БСЎни ЭТлашда аждодларимиз қолдирган улкан маънавий мерос, асрлар давомида тўплаган миллий қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналардан таълим жараёнидаги аҳамияти ўрганилди.

Экопедагогик фаолиятда БСЎни ЭТлаш принциплари, қоидалари ишлаб чиқилди.

БСЎни дарсда ва дарсдан ташқари ишлар жараёнида ЭТлашнинг фанлараро ёндашувга ва электрон воситаларга асосланган интерфаол технологиялари такомиллаштирилди ва самарали эканлиги аниқланди.

БСЎни ЭТлаш технологияси йўналиши бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари, кузатиш ва умумлаштириш натижаларидан қуйидагиларни тавсия этиш мумкин:

БСЎни ЭТлаш технологиялари самарадорлигини кучайтириш мақсадида ўқув фанлар мазмунининг, табиатни эъзозлаш компетенциялар билан бойитилишини эътиборга олиш. ЭТлаш технологиясининг узлуксиз таълим тизимини яратиш. ЭТлаш технологиясининг фалсафий, психологик, педагогик ва ижтимоий омилларини кенг кўламда тарғиб қилиш.

БСЎни ЭТлаш технологияси юзасидан виртуал электрон дастур (Тасвирлаш, эшитиш воситаларидан фойдаланиш, статик ва динамик кўргазмали воситалардан фойдаланиш, мустақил ижодий фаолият, график объектларни, виртуал лаборатория ва амалий тажрибаларни ташкил этиш, виртуал экскурсияни ташкил этиш) га эътиборни қаратиш.

БСЎни ЭТлаш технологиялари ДТС мазмунига сингдириш, дарсликнинг янги авлодини яратишда фойдаланиш.



## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 36 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, “Халқ сўзи”, 2020 йил 24 сентябр, 202 (7704)-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5863-сон фармони Тошкент, 2019 йил 30 октябрь.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 2 октябрдаги иқлим ўзгариши бўйича “Париж битимини (Париж, 2015 йил 12 декабрь) ратификация қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-491-сон қонуни.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармон. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. – Б. 39.

6. Компетенсиявий ёндашув асосидаги Давлат таълим стандарти. -Т. 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 997-сон қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим муассасаларини самарали ташкил этиш тўғрисида”ги 2019 йил 30 сентябрдаги ПҚ-4467 - сон қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим – тарбия ва илм – фан соҳаларини ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисидаги 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108 – сон фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги, “Халқ таълими бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5538-сон фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини

2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" ги ПФ-5712-сон фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги, ПФ-5863-сон фармони.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси 1059-сон қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепсияси 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097 сон фармони.

15. Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: "Ўзбекистон" НМИУ, 2017. - 570 б.

16. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Тошкент : Ўзбекистон, 2016.- 56 б.

17. Авезов Ш. Қишлоқ мактаблари юқори синф ўқувчиларини ўлкашунослик фаолияти жараёнида экологик тарбиялаш: Пед. фан. номз ... дисс. – Тошкент. 1993. – 161 б.

18. Авезов Ш. Ўқувчи шахсида экологик маданиятни таркиб топтириш ҳақидаги масалага доир / Ўқувчи шахсининг ахлоқий хислатлари-ни шакллантириш: Илмий ишлар тўплами. - Тошкент, 1991. -Б. 62-67.

19. Авезов Ш. Экологик маърифий технологиялар ва уларнинг моҳияти / "Педагогик ва ахборот технология: ютуқлар ва истиқболлари", Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. -Тошкент: Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ - 2002. -Б. 20-22.

20. Авезов Ш. Экологик педагогика янги илмий соҳа сифатида /Ўзбекистон мустақиллиги - унинг фани ва технологияларини ривожлантириш кафолати" мавзусидаги иккинчи Республика илмий коллоквиуми маърузалар тўплами. - Т.: Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат комитети, 1998. – Б.-24-27.

21. Авезов Ш. Экологик таълим-тарбиянинг баъзи масалалари: Лекторга ёрдам. –Тошкент: "Билим", 1989. -26 б.

22. Валиханов М.Н. Табиатшунослик асослари. - Т.: Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, 2004. - 243 б.



23. Зиёмухаммадов Б. Экология ва маънавият. - Т.: Меҳнат, 1997.
- 104 б.

24. Икрамова Н.И. Минтака экологиясини тартибга солиш муаммолари. - Т.: Фан, 2006. - 98 б.

25. Исақулова Н.Ж. Бошланғич синф ўқувчиларида экологик тарбияга оид тушунчаларни шакллантиришнинг илмий педагогик асосларир. Пед.фан.номз. ... дисс. – Тошкент, 2006. –186 б.

26. Камолхўжаев Ш.М. Табиатшунослик асослари. - Т.: Молия, 2002. - 332 б.

27. Мелибоев А. Юқори синф ўқувчиларида экологик маданиятни шакллантириш // Халқ таълими. – Тошкент. 2014. -2-сон. – Б. 100–103.

28. Муталипова М.Ж. Халқ педагогикаси. -Т.: "Фан ва технологиялар", 2015. – 160 б.

29. Очилов М. Янги педагогик технологиялар: ўқув қўлланмаси. – Қарши: Насаф, 2000. – 80 б.

30. Саидахмедов Н. Янги педагогик технология: таҳлил, таъриф, мулоҳазалар. –Тошкент: Ўқитувчи, 2000. – 42 б.

31. Саидаҳмедов Н. Педагогик амалиётда янги технологияларни қўллаш намуналари. –Тошкент: РТМ, 2000. - 46 б.

32. Сайдаматов Ф.Р. Узлуксиз таълим жараёнида экологик ўлкашунослик воситасида ўқувчиларнинг ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш. // Узлуксиз таълим. -Тошкент. -2017. - 3-сон. -Б. 3–7.

33. Салаева М. Табиатга ғамхўрлик – келажакка ғамхўрлик. // Бошлан-ғич таълим. – Тошкент. -2009. – 2-сон. – Б 10-11.

34. Салимов Д «Табиатга муҳаббат – ватанга муҳаббат» //Бошланғич таълим – Тошкент. -2009. - 8-сон. -Б.22-23.

35. Салимов Д. "Табиатга муҳаббат – ватанга муҳаббат" Бошланғич таълим – Тошкент. – 2010. - 3-сон. – Б .30.

36. Тохтаходжаева М.Т. «Экологик таълимнинг антрокосмизм асосига оид тадқиқот» // Халқ таълими. – Тошкент. – 2007. -3-сон. - Б. 85-86.

37. Тўхтаев А.С. Экология. Ўқувчилар учун қўлл. – Тошкент: Ўқитувчи, 2001. – 144 б.

38. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 31 б.

39.«Авесто» ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. – Тошкент: Фан, 2001. – 19 б.

40.Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 150 б.

41.Абу Али ибн Сино. «Тиб қонунлари». Уч жилдлик сайланма.
– Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994.

42.Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Мерос, 1993. – 187 б.

43. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Т.1. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. - Тошкент: Фан, 1968. –485 б.

44. Авазов Ш. «Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси" дарслиги 2-нашр. – Т.: «ILM-ZIYO», 2014. – 231 б.

45. Авазов Ш. Мактабда экологик тарбияни амалга ошириш йўллари. –Тошкент, РЎММ, 1990. - 46 б.

46.Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқад Маҳкам таржимаси.
– Тошкент: "Шарқ", 2001. — 384 б.

47.Ал – Бухорий Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Ҳадис. 4 -китоб. Ал – Жомеъ ас – Саҳиҳ (Ишонарли тўплам). Арабчадан З.Исмоил тарж. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991. – 560 б.

48.Ат-Термизий, Абу Исо. Аш шамоил ан-набавийа. - Т.: Чўлпон, 1993. -112 б.

49. Абдулкасимов А.А., Абдулкасимов А.Б., Абдулкасимов И.Г. Антропогенные ландшафты Средней Азии и вопросы экологии. Учебное пособие. – Ташкент, 2004. – 262 с.

50. Abdurahmonova, Nabiya Matematika: 2-sinf uchun darslik / N. Abdurahmonova, L. O'rinboyeva; mas'ul muharrir M. Jumayev. – Toshkent: Yangiyo'l Poligraf Servis, 2018. – 208 b.

51. Ahmedov M. va boshq. Matematika. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 1-sinfi uchun darslik (M. Ahmedov, N. Abdurahmonova, M.Jumayev). – T.: «Turon-Iqbol» nashriyoti, 2019. – 160 b.

52. Avazov Sh., Saydamatov F. Ekologiya va atrof-muhit muhofazasi. Kasb-hunar kollejlari uchun darslik (4-nashri). – T.: «ILM ZIYO», 2017. — 232 b.

53.Баратов П. Табиатни муҳофаза қилиш. – Тошкент: "Ўқитувчи", 1991. – 583 с



54. Bahromov.A, Nigmatov.A. Tabiatshunoslik. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 3-sinfi uchun darslik 6-nashr – T.: Cho'lpon nomidagi NMIU, 2019. – 128 b

55. Зиёмуҳамедов Б. Илғор педагогик технология: назария ва амалиёт. – Т., 2001.– 96 б.

56.Зиёмуҳамедов Б. Экология ва маънавият. –Т.: Меҳнат, 1997. – 104 б.

57.Зунунов А. Ўзбек педагогикаси тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – 272 б.

58. Исмоилов А., Аҳмадов Р. Экологик таълим-тарбия. - Т.: Ўқи-тувчи, 1997.- 120 б.

59. Ишмухамедов Р., Юлдашев М. Таълим-тарбияда инновацион педагогик технологиялар (таълим тизими ходимлари, методистлар, ўқитувчилар, тарбиячи ва мураббийлар учун ўқув қўлланма), -Т. 2013. - 279 б.

60. Ikromova R. va boshq. Ona tili: umumiy o'rta ta'lim maktablarining 4- sinfi uchun darslik / 8- nashri. – Toshkent: "O'qituvchi" NMIU, 2017. – 192 b.

61. Ismatova N. va b. Tarbiya: 1-sinf o'quvchilari uchun darslik. 1-nashr. – T.: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2020. – 64 b.

62. Ismatova N. va b. Tarbiya: 2-sinf uchun darslik. 1-nashr. -T.: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot- matbaa ijodiy uyi, 2020. - 80 b.

63. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши: Насаф, 2000. – 80 б.

64. Ro'ziyeva D. va boshq, Tarbiya: 3-sinf uchun darslik. 1-nashr. - T.: «Sano-standart», 2020 - 96 b.

65.Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. – Тошкент: Молия, 2003. – 172 б.

66.Сайидахмедов Н., Очилов А. Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойиҳаси. – Т.: РТМ, 1999.

67.Турдиқулов Э.О., Турдиқулов У.Э. Марказий Осиёда экологик таълим тараққиёти. – Тошкент: "Фан", 2005. – 308 б.

68.Турдиқулов Э.О. Мутафаккирлар экологик тарбия ҳақида. – Тошкент: ЎзПФИТИ, 2003. – 22 б.

69. Umarova M. O'qish kitobi: 3-sinf uchun darslik / M. Umarova, X. Xamrakulova, R. Tojiboyeva; 4-nashri. – Toshkent: "O'qituvchi" NMIU, 2019. – 216 b.

70. Qosimova K. Ona tili: 2-sinf uchun darslik/A. Ne'matova va boshq. Mas'ul muharrir T. Tog'ayev. – Qayta ishlangan o'n to'rtinchi nashri. – T: Cho'lpon nomidagi NMIU, 2018. –144 b.



## МУНДАРИЖА

Сўз боши ............................................................................................3

**I БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ЭКОЛОГИК ТАРБИЯЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

1.1. Бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш - педагогик муаммо сифатида ........................................6

1.2. Экопедагогик фаолиятда бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялашнинг моҳияти ..........................................27

1.3. Бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялашнинг амалиётдаги ҳолати ..........................................54

**II БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ЭКОЛОГИК ТАРБИЯЛАШНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

2.1. Бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш мазмуни ва унга мажмуавий ёндашиш ..........................................61

2.2. Ўқувчиларни интерфаол метод ва усуллар воситасида экологик тарбиялаш технологиялари..........................................69

2.3. Дарсдан ташқари машғулотларда ўқувчиларни экологик тарбиялаш технологиялари ..........................................85

2.4. Экокласс: бошланғич синф ўқувчилари учун интерактив экологик дарслар..........................................101

**Хулоса** ..........................................................................................106

**Адабиётлар рўйхати** ..........................................................................107



– 3843 –
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI
AXBOROT RESURS MARKAZI

**АБДУМАЛИК ЮЛДАШОВИЧ КУЧКИНОВ**

# БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ЭКОЛОГИК ТАРБИЯЛАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

*Монография*

Муҳаррир *Д.Улуғмуродов*
Мусаҳҳиҳ *Ҳусния Жумабоева*
Саҳифаловчи ва дизайнер *Беҳзод Ҳайдаров*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги 3996-сонли томонидан ТАСДИҚНОМА берилган.

Босишга рухсат этилди: 15.12.2022 й.
Бичими 60x84 $^{1}/_{16}$. Офсет қоғози.
Офсет босма усулида босилди.
Times New Roman гарнитураси.
Нашр табоғи 7,1. Адади 100 нусха.

Оригинал макет "FIRDAVS-SHOH" нашриётида тайёрланди. Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30.
Тел.: 90-372-85-17